

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

АНДИЖОН МАШИНАСОЗЛИК ИНСТИТУТИ

“ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИ” КАФЕДРАСИ

**“ДИНШУНОСЛИК” ФАНИДАН СЕМИНАР
МАШҒУЛОТЛАРИ УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**



АНДИЖОН 2014

9 – сонли йиғилишида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.
(" 18 " 18.06.2015 йил)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий кенгашида қуриб чиқилган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____
(Ўқув-услубий кенгашнинг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2015 йил)

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Машинасозлик» факультети кенгашида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ Н.Халилов
(Факультет кенгашининг _____-сонли баённомаси
« _____ » _____ 2015 йил)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудури _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг _____-сонли баённомаси
« 06 » 06.06.2015 йил)

Тузувчилар: катта ўқитувчи Феруза Тайлякова,
ассистент Абдулла Марахимов

Такризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Назаров,
фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Умарова

Ушбу услубий қўлланма академик лицей ва касб-хунар коллежалари ўқитувчилари ва ўқувчиларига “Диншунослик” фанидан семинар машғулотларга тайёргарлик кўриш учун методик қўлланма сифатида тайёрланди

Андижон машинасозлик Институтини
«Ўзбекистон тарихи» кафедраси мудири т.ф.н М.А.Каримова ва
катта ўқитувчи Ф.Тайлақоваларнинг «Диншунослик фанидан
семинар машғулотлар ўтиш учун услубий қўлланма»сига
ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб, ўзаро илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб бораётган бир шароитда турли канфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маъданиятига эришиш катта аҳамият касб этади.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги қонунан ва амалда қафолатланади. Шунинг билан бирга Ўзбекистон учун нисбатан янги бўлган диншунослик фани ҳам шаклланди. Диншунослик фани жамиятда ўзининг функционал вазифаларига эга бўлган динларни илмий асосида ўрганади ва талаба ёшларга назарий билимлар берилади.

Маълумки, Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний кадрият ва анъаналар муҳим ўрин эгаллаб келган. Зеро ёшларни юксак инсоний фазилатлар руҳида тарбиялашда аجدодлар маънавий меросининг ўрни бекиёсдир. Инсоннинг руҳий камолотига хизмат қилувчи кадриятлар асрлар давомида диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда динлар тарихи, унинг муқаддас манбалари, таълимотларини ўрганиш тарихни, ўзлимизни англашга ёрдам беради.

Фанни ўқитишдан мақсад – талабаларга миллий ва диний кадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний кадриятлар билан уйғунлиги, бу кадриятларнинг ҳозирги мустақил Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада яқинроқ ёритиб бериб, уларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат.

Мазкур услубий-қўлланма намунавий дастур асосида ёзилган бўлиб, барча мавзулар унда кўриладиган масалалар мантиқан кетма-кетликда семинар машғулотларга тайёрланишида талабалар ва ўқитувчиларга мўлжалланган. Тарқатма материаллар ва саволлар машғулотни мазмунли ўтишини таъминлайди.

Услубий қўлланма олий таълим меъёрий ҳужжатлари талабларига жавоб беради. Дарс жараёнида фойдаланиш мумкин.

Тиббиёт институти доценти: *М.Умарова* М.Умарова



“Ўзбекистон тарихи” кафедраси мудирини М.А.Каримова ва катта ўқитувчи Ф.Тайлақованинг “Диншунослик” фанидан семинар машғулотлар ўтиш учун услубий қўлланмасига Андижон машнасозлик институти доценти


М.Назаров

Тақризи

Мустақиллик йилларида миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисми бўлмиш динга ва диний кадрларимизга ҳурмат эътибор билан қараш жамият миқёсидаги кадрларга айланиб келмоқда. Ўзбекистоннинг стратегик тараққиёт дастурида “динга ҳурмат ва эътиқод – ўлмас кадрлар” сифатида белгилаб қўйилган.

Ушбу услубий қўлланма талабаларни турли динларнинг келиб чиқиши, тараққиёт тарихи, таълимотлар ва асосий манбалар ва ҳозирги даврдаги ҳолати, қолаверса уларни маълум халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида умумий илмий-назарий тушунчалар берилган. Қўлланмада мавзулар узвий кетма-кетликда, мантиқий изчилликда тузилган, режалар асосида ёритилган. Унда талабалар томонидан фанни ўзлаштириш учун етарли даражада материаллар жой олган. Фойдаланиш учун тавсия қилинган адабиётлар эса мавзуларни тўла ўзлаштиришда муҳим манбаа бўлиб хизмат қилади.

Ушбу услубий қўлланма талабаларни семинар машғулотларга тайёргарлик кўриш учун методик асос бўлиб хизмат қилади. Иш-услубий қўлланма амалий дарсга қўйиладиган барча талабларга мос ҳолда бажарилган фойдаланишга тавсия этилади.

Андижон машнасозлик институти доценти, ф.ф.н  М.Назаров

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Андижон машинасозлик институти
Ўқув-услубий кенгашида кўриб чиқилган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____
(Ўқув-услубий кенгашнинг ____-сонли баённомаси
« ____ » _____ 2014 йил)

«МАЪҚУЛЛАНГАН»

«Машинасозлик» факультети кенгашида
муҳокама қилинган ва маъқулланган
Кенгаш раиси _____ Н.Халилов
(Факультет кенгашининг ____-сонли баённомаси
« ____ » _____ 2014 йил)

«ТАВСИЯ ЭТИЛГАН»

«Ўзбекистон тарихи» кафедраси
мажлисида муҳокама қилинган ва тавсия этилган.

Кафедра мудири _____ М.Каримова
(Кафедра мажлисининг ____-сонли баённомаси
« ____ » _____ 2014 йил)

Тузувчилар: катта ўқитувчи Феруза Тайлякова
ассистент Абдулла Марахимов

Такризчилар: фалсафа фанлари номзоди, доцент М.Назаров,
фалсафа фанлари номзоди, доцент М. Умарова

Мазкур услубий қўлланма Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2011 йил 9 сентябрдаги 3–сон мажлис баёни билан тажрибавий дастур сифатида маъқулланган наъмунавий дастур асосида тайёрланди.

Сўз боши

Ўзбекистон Республикаси жаҳон ҳамжамиятига кириб, ўзаро илмий ва амалий алоқаларни мустаҳкамлаб бораётган бир шароитда турли конфессия вакиллари билан мулоқот қилишнинг юксак маданиятига эришиш катта аҳамият касб этади. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда виждон эркинлиги қонунан ва амалда кафолатланди. Шунинг билан бирга Ўзбекистон учун нисбатан янги бўлган диншунослик фани ҳам шаклланди. Диншунослик фани жамиятда ўзининг функционал вазифаларига эга бўлган динни илмий ва холисона ўрганади.

Президентимиз И.А.Каримовнинг «Дин одамзодни ҳеч қачон ёмон йўлга бошламайди. Дин бу дунёнинг ўткинчи эканини, охиратни эслатиб туради, одам боласини хушёр бўлишга, ҳаром йўллардан узоқ юришга, яхши бўлишга, яхши из қолдиришга ундаб туради» деган сўзининг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтириш уларнинг динга бўлган муносабатини тўғри шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшади.

Марказий Осиё халқлари ҳаётида диний қадрият ва анъаналар муҳим ўрин эгаллаб келган. Инсоннинг руҳий камолотиغا хизмат қилувчи қадриятлар асрлар давомида диний қарашлар билан боғлиқ ҳолда ривожланган. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда, динлар тарихи, муқаддас манбалари, таълимотларини ўрганиш тарихни, ўзлигимизни англашга ёрдам беради.

Мазкур ўқув-услубий қўлланманинг мақсади дунёдаги кенг тарқалган буддавийлик, христианлик ва ислом динлари тарихини чуқур ўргатишдан, шунингдек, мустақил мамлакатимизда динга нисбатан муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, диний, хусусан, исломий қадриятларни тиклаш йўлида қилинаётган катта ишлар ҳақида тушунчалар беришдан иборатдир.

Услубий қўлланма диншунослик фанидан дарс берувчи ўқитувчилар ва талабалар учун мўлжалланган бўлиб, дунё динлари тарихини илмий-фалсафий нуқтаи назардан ўрганишда ва таҳлил қилишда амалий аҳамиятга эга.

1- мавзу: “Диншунослик” фанига кириш.

Режа

1. “Диншунослик” фанининг мақсади.
2. Диншуносликнинг таснифи.
3. Динлар тарихи.
4. “Диншунослик” фанининг тарбиявий вазифаси.

Таянч сўзлар ва атамалар:

дин	геносологик
этикод	компенсаторлик
хурфикрлилик	регулятив
дунёқараш	интегротивлик

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 24 йил давомида янги ижтимоий тузум, сиёсий ўзгаришлар кишилар маънавиятида ҳам муҳим ўзгаришларни келтириб чиқарди. Совет тоталитар тузumi емирилгандан кейин, инсон маънавий камолотининг омилларидан бири бўлган дин мамлакатимиз ҳаётида ўзига хос муносиб ўринни эгаллади. Кўпгина миллат, турли диний конфессия вакиллари тинч-тотув яшаётган Ўзбекистонда барча динларнинг тенглигини таъминлаш, фуқароларнинг этикодига ҳурмат билан қараш, мамлакатда тинчлик ва барқарорликни сақлаш сиёсий, ижтимоий, иқтисодий, маънавий тараққиёт имкониятларини кенгайтиришнинг муҳим шартларидандир.

1-масалани ёритишда талаба маънавий тараққиёт имкониятларини кенгайтириш, ривожлантиришда “Диншунослик” курсининг тутган ўрни бениҳоя эканлигига тўхталади.

Ҳозирги кунда олий ўқув юртларида ўқитилаётган “ Диншунослик” курсининг вазифаси олийгоҳ талабаларига шу соҳада чуқур билим бериш орқали курс доирасига кирган масалаларни таҳлил қилишда илмийлик ва объективлик услубини қўллаб, уларда диний қарашлар тараққиётига, инсон камолотига хизмат қиладиган жиҳатларни ажратиб олиш, мустақил фикр юритиш орқали илмий-фалсафий дунёқарашга асосланган иймон ва этикодни шакллантиришдан иборат.

Дунёвий, демократик ва ҳуқуқий жамият куриш йўлидан бораётган жамиятда диний этикоднинг тутган ўрни ва ролини тўғри белгилай билиш ва уни тўғри идрок этишда фаннинг аҳамияти каттадир. Диний этикод жамият билан боғлиқ ҳолда ривожланган, мослашган, аста-секин диний тизимни вужудга келтирган. Натижада маълум ижтимоий-сиёсий ва маданий-ахлоқий вазифаларни бажаришни ўз зиммасига олган. Бундай функциялар жамият тарраққиётининг дастлабки босқичларида айниқса яққол кўзга ташланади.

Талабаларга “Диншунослик” тизимига кирадиган мавзулар ва унинг мазмуни республикамизда шу фан соҳасида тўпланган назарий ва амалий тажрибалар асосида шаклланганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

“Диншунослик” фани инсоншунослик фани сифатида диннинг минг йиллар давомида ижтимоий тарақиётдаги ўрнига, аҳамиятига холис баҳо берадики, бу айниқса диннинг моҳиятини, эволюцияси ва жамиятда, тарихда, маънавий маданиятда тутган ўрнига бағишланган мавзуларда аксини топди.

Дин инсон тарбиясига адолат ва инсонпарварлик омиллари устувор бўлишига имкон берадиган маънавий эътиқоддир. Ҳозирги мураккаб ва масъулиятли даврда турли динларга эътиқод қилувчи кишиларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш, миллий бирлиги ва бирдамлигини тиклаётган халқларни диний зиддиятлар гирдобига тортиш, ҳоқимият учун кураш мақсадида диндан фойдаланиш адолатсизликларга, ноҳақ қон тўқишга олиб келади. Шу ўринда исломнинг Марказий Осиё халқлари ҳаётидаги муаммолари билан ҳам “Диншунослик” фани шуғулланади.

Диннинг жамиятда ўзига хос ижтимоий-маънавий вазифаси ва ўрни мавжуд.

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз ҳомийлари учун тўлдирувчи (компенсаторлик)вазифасини бажаради. Жамиятга динга эҳтиёж бор эканлиги сезилиб туради. Кишиларнинг турмуш тарзи, табиат ва жамият билан муносабатларда ҳаётда иложсиз қолган дақиқаларда, айниқса динга маънавий-руҳий эҳтиёж сезиладики, бу эса диндан нажот кутиш, эҳтиёжни қондириш, тасалли бериш вазифасида намоён бўлади.

Иккинчидан, динлар ўз таълимоти тизимига эга бўлиб, ўз ҳомийларини ана шу тизим доирасида ушлаб туришга ҳаракат қилади. Буни диннинг бирлаштирувчи (интегративлик) функцияси дейилади. Дин қайси жамиятда бўлмасин ижтимоий онг бошқа томонларига таъсир қилади ва шу орқали ҳомийлари маънавий ҳаётига кириб боради.

Учинчидан, дин диндорлар ҳаётини тартибга солади, назорат қилади (регулятив вазифа). Ҳар бир диннинг ўзига хос урф-одат, маросимлари, анъаналари, байрамлари мавжуд бўлиб, уларни талаб асосида бажаришни назорат қилади.

Тўртинчидан, дин диндорларнинг бирлигини, жамият билан шахснинг ўзаро алоқасини таъминлайди, шахс билан жамият ўртасида ижобий муносабатлар ўрнатиш, алоқа боғлашлик-коммуникатив вазифасига ҳам эгадир.

Бу вазифалардан ташқари унинг фалсафий, назарий жиҳатлари ҳам мавжуд бўлиб, инсоннинг бу дунёдаги ўрни, ишлашдан мақсади бу муаммоларга муносабатини билдиради. Дин тарихида унинг турлари жуда кўп бўлган, диннинг ижтимоий ҳаётга таъсири турлича бўлганки, у вақтга, ўрнига, шароитга қараб сезиларли даражада ўзгариб борган.

“Диншунослик” курси диннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи, бир шаклдан иккинчи шаклга ўтишини ўрганувчи фандир. Шунингдек, дунёвий давлат куриш йўлидан изчиллик билан бориб демократия ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаётган Ўзбекистонда динга бўлган муносабатнинг

асосий мезонлари ҳам аниқ берилдики, амалий ўзгариш ҳам “Диншунослик”нинг асосий вазифалари ҳисобланади.

Хурфикрлиликка хос дастлабки фикрлар хурфикр мутафаккирлар Фаробий, Беруний, Ибн Сино, Умар Ҳайём, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Бобур каби бобокалонларимизнинг ижтимоий-фалсафий қарашлари билан бойиганки, улар изчил хулосаларни ҳам келтириб чиқаришган. Биринчидан, ҳар қандай дин жамиятда вужудга келиб жамиятда шаклланганки, у ижтимоий онг шаклларида биридир.

Иккинчидан, диний тасаввур ва эътиқодлар жамият тараққиётининг муайян ижтимоий шароитлар таъсирида турли-туман шакл ва кўриниш касб этган.

Учинчидан, ибтидоий дин тасаввурларидан тортиб ҳозирги жаҳон динларигача бўлган динлар тараққиёти эволюциясини эътироф этиш диншунослик ҳақида тўғри хулоса чиқариш имкониятини беради.

Авлод-аждодларимиз динга чуқур ихлос ва эътиқод билан қараганлар. Амир Темур, Улуғбек, Бобур каби буюк бобокалонларимиз руҳонийларни ҳурмат қилсалар ҳам, уларни давлат ишларига аралаштирмаганлар. Бобур ўзининг фарзандлари ва набираларига қилган васиятларида диний мазҳабларнинг биронтаси томонига ўтиб қолмаслик, бошқа динларни камситмаслик кераклигини кўрсатган. Унинг фикрича, бундай йўл кўп миллатли мамлакатларда тинчлик, осайишталик сақлашнинг асосий шартидир.

Асрлар давомида фалсафа фанининг дарғалари, олимларнинг изланишлари муҳим хулосалар чиқаришга олиб келди. Ҳар қандай дин ижтимоий ҳодиса ҳисобланиб, ижтимоий онг шаклларида биридир. Диний тасаввурлар жамият тараққиётининг муайян ижтимоий шароитлари таъсирида турли –туман шакл ва кўриниш касб этган, уруғ-қабилавий динлардан тортиб, жаҳон динларигача динларнинг ривожланишда бўлган бир кўриниши иккинчи кўриниш ҳақлигини келтириб чиқарганки, булар фанда илмий хулосалар чиқариш имконини беради. Бу борада Марказий Осиё, Ўрта Шарқ халқларининг хурфикрлилик фалсафаси тарихини ўрганиш мақсадга мувофиқ. Уларнинг динга бўлган муносабатлари, ҳаётбахш фалсафалари дин бўйича объектив илмий хулосалар чиқариш имкониятини яратди.

Президентимиз И. Каримов таъкидлаганидек, тарихий тажрибада анъаналарнинг мерос бўлиб ўтиши янгидан-янги авлодларни тарбиялайдиган кадриятларга айланиб қолмоғи лозим. Бизнинг маданиятимиз бутун инсониятни ўзига ром этиб келаётган марказ бўлиб қолганлиги тасодифий эмас.

Фан чиқарган илмий хулосаларни талабалар онгига етказиш, уларда дунёқарашни кенгайтириш, дин муаммоси бўйича илмий эркин хулосалар чиқаришда “Диншунослик” фанининг аҳамияти каттадир.

Маълумки, фалсафа ва бошқа фанлар сингари “Диншунослик” ҳам дунёқараш билан боғлиқ. У шахсда диний эътиқоднинг пайдо бўлиши, яшашдан бошлаб, жамият тараққиётидаги эволюцияси ва унинг ҳиссиётига таъсирини илмий жиҳатдан ўрганади. “Диншунослик” ўзига хос илмий таъриф бериш билан бирга унинг ижтимоий, гносеологик ва психологик илдизларини очади.

“Диншунослик” предмети бошқа ижтимоий фанлар: этика, эстетика, тарих, этнография, археология, психология билан мустаҳкам боғлиқки, бу фанда илмий хулосалар чиқариш имкониятини яратади. Ислом таълимоти, ғоялари маданият тарихи, маънавий дарсларида ўтиладики, бу “Диншунослик”нинг “Ўзбекистон халқлари тарихи”, “Маданиятшунослик” фанлари билан ҳам боғлиқлигидан далолат беради. Ҳозирги вақтда дин инсонларни маънавий ривожланишга етакловчи омил сифатида “Маданият тарихи ва назарияси” билан “Диншунослик” курсининг узвий боғлиқлигини кўрсатади. Чунки маданият тарихи ва дин тарихи бир-биридан ажралмаган, аксинча бир-бирига ўзаро таъсир ўтказиб келган жараёнлардир. Бу тарихий тараққиёт ҳодисаларининг объективлигини, ривожланиш қонуниятларини ўрганиш ҳар иккала ўқув предмети учун ҳам хосдир.

Давлатимиз мустақилликка эришгач, маданий ва диний кадрларга муносабат ҳам ўзгардики, бу ижобий ўзгаришлар диннинг тарихига, у билан боғлиқ бўлган маданий меросга объектив муносабатни ўрнатиш имкониятини яратди. 1998 йили республикада “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуни янги таҳрирининг жорий этилиши халқлар ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлиб, унда турли дунёқараш, эътиқодга бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат ўртасидаги муносабатнинг амалда ҳуқуқий таъминланиши назарда тутилади.

Инсон доимо турли дунёқараш ва эътиқодга эга бўлади, лекин бундай хилма-хиллик, қарама-қарши ақида ва ғояларнинг мавжудлиги муросасиз зиддиятларга, жиддий тўқнашувларга олиб келмаслиги, одамлар, дину мазҳаблар, мамлакату давлатлар ўртасида ижобий муносабатларнинг шаклланиши ва ривожланишига тўсиқ, сунъий ғов бўлмаслиги керак.

Виждон эркинлиги, динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиқодларидан қайтариб, динни маъмурий тарзда, тақиқлаб қўйишнинг ҳар қандай назарий ва амалий кўринишларига чек қўяди. Курснинг амалий аҳамияти яна шундаки, у қонунларни мукамал ўрганган, таҳлил қилган ҳолда унинг моҳиятини, мазмунини очиқ беришга хизмат қилади.

Республикада Президент И.А.Каримов таъкидлаганидек, янги Конституциянинг ижобий жиҳатлари, янги томонлари аввалги конституциялардан фарқлари шундаки, авваламбор, бу конституция ўзининг туб моҳияти, фалсафаси, ғоясига кўра янги ҳужжатдир. Унда коммунистик мафкура, синфийлик, партиявийликдан асар ҳам йўқ. Жамики дунёвий неъматлар орасида энг улуғи инсон деган фикр илгари сурилган ва шу асосда “фуқаро-жамият-давлат” ўртасидаги муносабатларнинг оқилона ҳуқуқий ечимини топишга ҳаракат қилади.

Фуқаро, жамият, давлат ўртасидаги ўзаро ижобий муносабатни ўрнатишда “Диншунослик” фанининг аҳамияти бениҳоядир. Конституцияда янада диннинг тарбиявий аҳамиятига эътибор бериш лозимлиги кўрсатилганки, предмет ёшларга дин ва ҳурфикрлик ҳақида илмий билимлар бериш орқали диннинг ижтимоий моҳияти, унинг тарихий ҳодиса эканлигини тушунтириш билан жамият ривожланиши борасида замонавийлашувини, баъзан эса янги диний гуруҳлар пайдо бўлиши мумкинлигини ҳам тушунтиради.

Мустақил иш учун:

Дунёвий давлат тушунчасининг мазмуни. Ўзбекистонда давлат ва дин муносабатлари асосланган тамойиллар.

Саволлар:

1. Диншунослик фанининг асосий мақсади нимадан иборат?
2. Жамиятда диний эътиқоднинг роли нимада?
3. Диннинг қандай вазифалари бор?
4. Диншуносликнинг амалий аҳамияти нимада?

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. – 40 б.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998. 224-234-бетлар.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
7. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Хусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.
8. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / тўпловчилар: З.Исломов, Ш.Шожалилов. Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009. – 444 б.
9. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети» нашриёти, 2008. – 664 б.
10. Марказий Осиё динлари тарихи. / Масъул муҳаррир: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
11. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Биринчи китоб / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият-Мовароуннаҳр, 2010. – 398 б.
12. Туркистон газетаси – www.turkistonsarkor.uz
13. “Жамият ва бошқарув” журнали – www.rzultacademyfreenet.uz
14. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

2- мавзу: Диннинг ибтидоий шакллари.

Режа

1. Диний онг асосларининг шаклланиши.
2. Тотемизм, анимизм, шаманизм кўринишлари.
3. Ибтидоий мифология.
4. Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари.

Таянч сўзлар ва атамалар:

дин	сеҳргарлик
сиғиниш	кроманьон одами
фетишизм	тотемизм
анимизм	шаманизм

1-масаланинг бошида талаба диний онг асосларининг шаклланиши, диннинг ижтимоий, геносологик ва психологик илдизлари ҳақида тўхталади. Кейин илоҳиёт, яъни диний таълимот нуқтаи назардан “дин”, “диний эътиқод” тушунчалари табиат, жамият, инсон, унинг онги, ҳаётнинг маъноси, мақсади ва тақдири, уни бевосита қуршаб олган моддий оламдан ташқарида бўлган, айни замонда инсонларга бирдан-бир “тўғри”, “ҳақиқий”, “одил” ҳаёт йўлларини кўрсатадиган ва ўргатадиган илоҳий кучга ишонч ва ишонишни ифода этадиган маслак, қарашлар, таълимотлар мажмуидан иборат эканлигига тўхталади.

Илмий адабиётларда келтиришича, ибтидоий одамларнинг ҳар хил диний қарашлари мавжуд эди. Бунда фетишизм, анимизм мавжуд бўлиб, яшаш шароитларидан ташқари бир-бирларига бўлган муносабатлардаги салбий оқибатларни кўрсатиш лозим.

2-масала тотемизм, анимизм, шаманизм (магия). Фетишизм, ибтидоий мифология. Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари ва улардаги диний тасаввурларнинг хилма-хиллиги. Қадимий динлар тарихини акс эттирувчи манбаларнинг турлари, археологик топилмалар, этнографик материаллар, озиқ-овқат топиш, шахсий ҳаёт хавфсизлиги, барҳаётлик, авлод қолдириш – инсоннинг энг қадимий ва асосий орзулари, ўлим (мамот) ва дафн билан боғлиқ бўлган тасаввурлар, маросимлар ва урф-одатлар, одамзот жамият бўлиб яшашигача бўлган давр.

3-масала. Ибтидоий мифология, одамзотнинг жамият бўлиб яшашга ўтиши ва ибтидоий диний эътиқодлари. Илк табу (тақиқ) ва тотемлар ҳақидаги тасаввурларнинг юзага келиши, мифологиянинг шаклланиши ҳақида тўхталади. Уруғчилик тизимининг шаклланиш даврида (милоддан 40-30 минг йил аввал) юзага келган муғаналик (сеҳргарлик), фетишизм ва анимизмни диннинг дастлабки кўринишлари деб ҳисоблаш мумкин.

Сеҳргарлик ёки “магия” (юнонча *mageia*), бу – табиатга таъсир кўрсатишнинг ғайритабiiй воситалари борлигига ишончдир, инсоннинг ўзи

буюм ва ҳодисаларга таъсир кўрсатишга интилиб қилган жодугарлик амалларининг йиғиндисидир.

Фетишизм. Дин тарихида фетишизм (французча *fetich* – тумор, бут, кўзмунчоқ) жиддий ўрин тутади. Фетишизмда инсоннинг ғайритабиий имкониятларига ишонишдан иборат бўлган афсунгарликдан фарқли ўлароқ бирон моддий буюмга ғайритабиий хоссалар берилиб, у илоҳийлаштирилади. Фетишлар шаклан ҳам турли-туман. Тошлар, дарахт бўлаклари, ҳайвон танасининг бирор қисми, бут-санамлар фетиш вазифасини ўташи мумкин эди.

Замонавий динларда фетишизм табаррук буюмларни тавоф қилиш тарзида (христианларда - хоч, иконалар, майитга сиғиниш, буддизмда – табаррук ўғир ёки ҳовонча, исломда – табаррук қадамжоларга оид буюмлар), мустикал қолдиқ сифатида эса тумор ва кўзмунчоқларга ишонч тарзида сақланиб қолган. Ирим-сиримга ишонадиган одамлар фикрига кўра, тумор бахт келтирар, кўзмунчоқ эса ёмон кўздан асрар экан. Тақа, тумор, бўйин тақинчоғи (кулон), филча, турли ўйинчоқлар эса замонавий фетишларга мисол бўла олади.

Анимизм (лотинча *anima* - рух) – ибтидоий эътиқоднинг нисбатан юксакроқ шакли, яъни рухлар ва руҳиятга ёки умуман табиатнинг руҳияти мавжудлигига бўлган ишонч. Ибтидоий одам тасаввурига кўра унинг атрофидаги дунёда ҳар нарсанинг (ҳайвонлар, ўсимликлар, табиат ҳодисалари ва ҳ.к) жони, яъни руҳи мавжуд. Турлича одамсимон фантастик кўринишга эга бўлган ер, олов, ўрмон, сув, тоғ ва уй “рух”ларининг келиб чиқиши ҳам шундан.

Дарахтга топиниш (сиғиниш) турли халқларда турлича кўринишда бўлган. “Ҳаёт дарахти” мавзуси Ўзбекистон халқ хунарамандчилигида муҳим ўрин тутади. Ислом динида табаррук дарахт бирор-бир авлиё номи билан боғланган.

4-масала. Марказий Осиё минтақасида диний эътиқод илдизлари қадим-қадимга бориб тақалишини қайд этиш лозим. Қадимги юнон тарихчилари Страбон ва Геродот ўз китобларида Трансаксония аҳолиси – сак ва массагет қабилаларининг диний маросимлари ва урф-одатларини тасвирлаб берганлар.

Кўхитонг тоғи (Сурхондарё вилояти) Зараутсой дарасининг у қадар чуқур бўлмаган, бироқ оёқ етмас ғорларида энг қадимгилари мезолит ва неолит даврига, энг сўнгилари эса бронза даврига оид 200 га яқин одам суратлари сақланиб қолган. Зараутсой тошларидаги суратлар (милоддан 12-5 минг йил аввал) ўта ноёб бўлгани сабабли жаҳон аҳамиятига молик ёдгорлик деб эътироф этилган. Ов тасвири билан бирга бир неча белги мавжуд ва улардан баъзилари куёш тасвири деб талқин қилинади.

Жиззахдаги Марғузур тоғларининг Такатош деган еридаги Сармиш сойдан (Навоий шаҳридан шимоли-шарққа 17 км), шунингдек, унга қўшни Қораунгур сойдан қояларга туширилган турли жониворлар (эчки, қобон, от) тасвирлари кўплаб топилган.

Ўзбекистон ҳудудида айнан «ўйма шаклида» ишланган суратлар кенг тарқалган. Улар орасида Навоий шаҳри яқинидаги Қоратоғ тоғларида Сармишсойдан (милоддан аввалги II аср боши ва милодий III-VII асрлар)

топилган тошдаги расмлар алоҳида аҳамиятга эга. Бу ёдгорлик дастлаб археолог Х.И. Муҳамедов томонидан аниқланган эди.

Шунингдек, Шаҳрисабз воҳасини Зарафшон водийсидан ажратиб турган Қоратепа тизмасида ҳам қадимги одам фаолияти излари топилди. Қайнарбулоқ қишлоғидан шарқроқда қояга ўйиб ишланган ов жараёнининг ўнга яқин тасвири топилди.

Олмаликдан 6-8 км жануброқда Курама тизмасининг шимолий ёнбағридаги Парокандасойда милоддан аввалги V-I асрларга оид 500 га яқин петроглиф борлиги аниқланган. Тасвирлар жарликнинг ўнг қирғоғидаги қирқдан ортиқ қоятошнинг текис юзасига туширилган. Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ тумани Қорақия дарасидан ҳам милоддан аввалги II-I минг йилликларга оид алоҳида суратлар топилди.

Хожикентдан (Тошкент вилояти) топилган тошга чуқур ўйиб ишланган суратлар (петроглифлар) ҳам анча қадимий бўлиб, улардан дастлабкилари палеолит даврига тўғри келади. Бу каби петроглифлар Ўзбекистоннинг бошқа ерларида ҳам учраб туради.

Тадқиқотчилар афсуний аҳамиятга эга бўлган дастлабки тош суратларга хос мавзулардан бири кейинги даврларда ҳам кенг тарқалган беш бармоқ, яъни панжа тасвири деб ҳисоблайдилар. Қўл панжасининг изи ёки тасвири уни қолдирган инсоннинг руҳан шу ердалигидан далолат берган. Кейинроқ у эгалик белгиси ёки ёмон кўздан асраш маъносини ҳам олади.

Икки дарё оралиғида доира, ромб ва хоч қуёш худоларининг белгиси бўлиб хизмат қилган. Хоч тасвири туширилган идишларга бундан кейин ҳам турли давр ёдгорликларида дуч келамиз. Ушбу белги идиш ичидаги нарсаларни асраши лозим бўлган.

Инсониятнинг ибтидоий маданият ўчоқлари, Ўрта Осиёнинг қадимги аҳолиси ва уларнинг диний тасаввурлари, қурбонлик келтириш урф-одатлари, ўлим ва охирзамондан кейинги ҳаёт, урван ва фраваша руҳлари, «Барча руҳлар» байрами, бошқа диний маросимлар, шаманизмда руҳонийнинг эътиқод қилувчилар орасидаги ўрни, шаман ва бошқаларнинг руҳлар ҳақидаги тасаввурлари, шаманизм динининг замонавий кўринишларига тўхталади.

Мустақил иш учун:

Диний онг асосларининг шаклланиши. Диннинг ибтидоий шакллари. Тотемизм. Фетишизм. Шаманизм. Ўрта Осиёдаги қадимги динлар.

Саволлар

1. Ўрта Осиёда мавжуд бўлган қадимги динлар ҳақида нималарни биласиз?
2. Диний онг асослари.
3. Тотемизм нима?
4. Фетишизм нима?
5. Анимизм нима?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
3. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.
5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов, А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
7. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
8. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
9. Мень А. История религии. – М, 1994.
10. Мифы народов мира. В 2 томах. – М., 1973.
11. Марказий Осиё динлари тарихи. / Масъул муҳаррир: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
12. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. М., Яблокова. – М., 1995.
13. Религиозные традиции мира. В 2 томах. – М., 1996.
14. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

3- мавзу: Миллий динлар

Режа

1. Миллий динларга хос хусусиятлар.
2. Яхудийлик дини тарихи, таълимоти.
3. Ведизм дини ва манбалари.
4. Зардуштийликка оид қарашлар.

Таянч сўзлар ва атамалар:

мессия	санскрит
Яхве	Брахман
Фарзий	Кун-Цзи
Эссей	«Дао»
Торо (Таврот).	Зардушт
Песах	

1-саволни ёритишда миллий динлар маълум жамиятнинг дастлабки босқичларида юзага келганича эътиборни қаратиш керак. Бироқ Ўрта Осиё халқларининг маданияти, санъати, турмушига, унга қўшни бўлган давлатнинг динларига маълум даражада таъсир кўрсатганлиги алоҳида қайд этилади.

Миллий динлар деб одатда бир миллатга мансуб халқлар эътиқод қиладиган динлар тушунилади. Бу ўринда С.Азамходжаев, Д.Раҳимжонов, Н.Муҳаммедовларнинг “Дунё динлари тарихи” (262 бет –Т;ТошДШИ, 2011 йил) асарини ўқишни тавсия этамиз.

Миллий динлардан яхудийлик дини эрамиздан аввалги 2000 йилларнинг охирида Фаластинда вужудга келиб, якка худолик ғоясини тарғиб қилган диндир.

Мавзуни ёритишда яхудийлик динининг муқаддас китоби Таврот эрамиздан аввалги VI-III асрда шаклланганлигига эътиборни қаратиш лозим. Бу манбага кўра оламнинг яратувчиси ягона худо Яхве мавжудлиги, унинг пайғамбари Мусо эканлиги келтирилган.

Бундан ташқари, яхудийликда мессия-ҳалоскорнинг келиши ҳақидаги таълимот ҳам кенг ўрин олган. Унга кўра охир замонда Яхве яхудийлар орасидан бир халоскорни чиқаради. У қуйидагиларни бажаради:

1. Дунёни қайтадан ислоҳ қилган ҳолда куриш.
2. Бутун яхудийларни Синон (Қуддус яқинидаги тепалик) атрофида тўплаш.
3. Уларнинг барча душманларини жазолаш.

Мусо Тур тоғида Яхве билан учрашганда, унга 10 та лавҳани туширди. Улардан ушбу дин асосини ташкил қилган 10 насихат бор эди.

Кўп мансабдорлар диний ишларда фақат қонун-Мусонинг бош китобини тан олганлар. Қонунда руҳонийлар, қурбонликлар, ибодатлар ҳақида сўз боради, лекин охират ва қиёмат ҳақида ҳеч нарса дейилмаган.

Фарзий номи қадимий яхудий тилидаги “тушунтириш”, “ажратиб кўрсатиш” сўзидан олинган бўлиб, улар Мусонинг қонунини шарҳлаганлар ва оддий одамларга ўргатганлар.

Улар муқаддас манба сифатида нафақат Мусонинг қонунини, балки бошқа пайғамбарларнинг ҳам муқаддас ёзувларини, ҳатто ўзларининг урф-одатларини ҳам қабул қилганлар ва буларнинг ҳаммасига синчковлик билан амал қилганлар.

Эссеялар. Қуддусдаги кўпгина руҳонийлар худо улардан талаб қилгандек яшамас эдилар. Ундан ташқари, римликлар баъзи диний мансабларга Мусонинг қонунига муносиб бўлмаган шахсларни тайинлаган эдилар. Руҳонийлар Қуддусга ибодат қилиш ва қурбонлик қилиш қонунга тўғри келмай қолади деб ҳисоблайдилар. Улар ҳалоскор-Мессиянинг келиши ва Қуддусни тозалашини кутиб ибодат қилиб яшар эдилар.

Яхудийларнинг манбалари иккита бўлиб, биринчиси эрамиздан аввалги XIII асрда яшаган ва Исроил ҳалқини Мисрдан олиб чиқиб кетишга бошчилик қилган Мусо пайғамбарга Тур тоғида берилган Торо (Таврот), иккинчиси Талмуд (Қадимги яхудий тилида ламейд-ўрганиш). Милоддан аввалги асрларда вужудга келган Талмуд оғзаки қонун деб юритилган. Яхудийлик маросимлари ва байрамларида яхудийлар ўзларининг Яхвега нисбаган содиқ эканликларини исботлаш учун бир неча расм -русумларни ижро этадилар.

Янги туғилган ўғил болалар саккизинчи куни хатна қилинади. Яхудийликда бир неча тур озиқ – овқатлар: асосан чўчқа, қуён, туя, яхлит туёқлилар, ўлаксахўр қушлар каби баъзи ҳайвон гўштларини ейиш тақиқланади.

Яхудийларнинг йиллик байрамлари ичида энг эътиборлиси Песах (Пасха) байрамидир. Қадимда яхудийларда Пасха деб кўзичоқ гўшти ва винодан иборат кечки овқатга айтилган. Яхудий ривоятларига кўра худо Мисрдан яхудий бўлмаган гўдакларни қириб ташлашга қарор қилганда, улар ўз уйларини пештоқини ўша кўзичоқ қони билан бўяб, ўзларини яхудий эканликларини билдирганлар. Бир қанча байрам турлари мавжуд.

3-масалани ёритишда эрамиздан аввалги иккинчи минг йилликлар ўрталарида Ҳиндистонга шимолдан ерлик аҳолидан тиллари ва ранглари фарқ қилган халқлар кириб кела бошладилар. Улар Европа тилларида ўхшаш бўлган санскрит тилида гаплашар эдилар. Ўзларини эса орийлар (аслзодалар) деб атар эдилар.

Ведаларда 33 та, баъзи манбаларга кўра 333 та ёки 3339 та афсонавий худолар ҳақида мадҳиялар битилган. Бу худоларнинг энг машҳурлари Индра, Варува, Митра, Дяус, Адита, Агню, Вишну, Кришна.

Брахманлик. Эрамиздан аввалги биринчи минг йилликларга келиб орийлар Ҳиндистонда ўзларини князликларига эга бўлдилар. Ведаларнинг маросимлар ҳақидаги кўрсатмалари анча мураккаблашди. Шу даврга келиб аҳоли ўртасида брахманларнинг нуфузи ошиб кетди. Улар олдинги таълимотларни ислоҳ қилиб, янгича диний қонун-қоидаларни ишлаб чиқдилар ва брахманлик динига асос солинди.

Ҳиндуийлик. Эрамиздан аввалги XI асрда Ҳиндистонда, кейинчалик

жаҳон динларидан бирига айланган. Буддавийлик вужудга келди. Буларда асосий худолари:

1. Коинотнинг яратувчиси бўлган Брахма.
2. Дунё низомини ушлаб турувчи Вишну.
3. Коинотни ҳалок қилиш кудратига эга Шива.

Ҳиндуийлик таълимотига кўра одам, ҳаётнинг барча шаклини Брахма яратган. Ҳозир Брахмага сиғиниш деярли йўқ. Ҳиндуийлар асосан Вишну ва Шивага сиғинадилар, уларга атаб қурбонлик қиладилар. Бу асосан Ҳиндистонда тарқалган бўлиб, аҳолининг 83% шу динга эътиқод қилади.

3-масалани ёритишда қуйидаги миллий динларга эътибор қаратиш ҳам мумкин. Конфуцийчилик. Қадимги Хитойда Лао —Цзи фалсафий таълимоти билан деярли бир даврда Кун-Цзи (Конфуций, милоддан аввалги 551 – 479 йиллар)нинг фалсафий таълимоти ҳам пайдо бўлди. Қадимги хитой файласуфи ва педагоги, конфуцийчиликнинг асосчиси Конфуций, гарчи самони олий руҳий кудрат эгаси деб ҳисобласа-да, унинг ўзига хос фалсафаси мавжуд.

Бунда подшоҳ подшоҳлигича, фуқаро фуқаролигича, ота оталигича, фарзанд фарзандлигича қолиши керак. Бундай ғояда кўрамизки, мавжуд тузумни сақлаб қолиш назарда тутилади.

Шу билан бирга Конфуций олий инсон, аёл, мард киши концепциясини ишлаб чиққан. Бу концепцияга кўра одамлар ижтимоий келиб чиқиши ёки жамиятдаги маъқеи орқали эмас, балки одамийлиги, адолатгўйлиги ҳақгўйлиги, самимияти, фарзандлик иззат-ҳурмати каби юксак маънавий фазилатларга эришиши туфайли юксак камолотга етишуви мумкин. Бунинг маънавий томони кишиларни одоб-ахлоқ, тарбияга чақиришдир.

Даосизм. Даосизм-аслида фалсафий таълимот бўлиб, у милоддан аввалги IV-III асрларда Хитойда пайдо бўлган. Унинг асосида милоддан аввалги II асрда даосизм дини шаклланди. Даосизмнинг фалсафий принциплари «Дао-Дз-цзин» китобида баён этилган. Бу асар ўтмишдаги Хитой донишманди Лао-Цзи қаламига мансубдир. Лао-Цзининг тарихийлиги хусусидаги масалага социологлар шубҳа билан қарайдилар.

Асарнинг асосий тушунчаси «Дао» (йўл) бўлиб, У оламнинг моҳияти ва бош сабаби дунёнинг турли-туманлиги манбаи барча нарсаларнинг асоси деб тушунилади. Бу гўё қандайдир йўл бўлиб, атрофни ўраб олган олам ва барча кишилар шу йўл билан бориши лозим. «Дао» диний мазмун касб этган йўлгина бўлиб қолмай, айти пайтда у турмуш тарзи, усули, принциплари ҳам эди.

Даосизм динининг асосий рамзи Дао бўлиб, у осмон худоси рамзига яқин эди. Унга кўра ҳар бир бахтиёр бўлишни истаган одам Даони таний олиши ва у билан биргалашиб кетиши зарур. Чунки одам микрокосм (кичик дунё) бўлиб, у ҳам макрооламдек абадийдир. Инсоннинг вафоти билан руҳ танадан ажралиб чиқиб макрокосм билан биргалашиб кетади.

Синтоизм-(синто-худолар йўли демакдир) Японияда кенг тарқалган, анъанавий миллий ҳарактердаги динлардан бири. Бу дин VI —VII асрларда ривожланган. Синтоизм таълимотида Японияда жорий этилган ижтимоий-сиёсий тартибнинг мустаҳкамлиги ва ўзгармаслиги куёш тангриси Аматаэрасунинг наслидан деб ҳисобланган япон императори Микадо

хоқимиятининг илоҳийлигига ишониш, имперотор аждодларини мукқаддас деб тан олиш аждодлар шарафига тайинланган уруғ маросимларини бажариш қабилар асосий ўрин эгаллайди.

Жайнизм. Диннинг асосчиси сифатида эътиқод қиладиган ярим афсонавий пайғамбар-Жива номи билан аталган бўлиб, эрамиздан олдинги VI асрда пайдо бўлган. Унинг таълимотида 24 пайғамбарга, айниқса охирги пайғамбар Вардхамма Махавирага сиғиниш талаб этилади. Жайнизмда жоннинг ўлмаслигига, унинг бир моддий шаклдан иккинчисига кўчиб юришига ишониш марказий ўринни эгаллайди.

Инсон ер юзида қиладиган ҳар қандай ҳаракат ва иш ана шу жон билан бирлигида содир бўлади деб қаралади. Жонни гуноҳдан сақлаш учун ҳаётда тўғри йўлни тутиб, яъни динни тарғиб қиладиган барча таълимотларга, талабларга сўзсиз итоат этиш ва эътиқод қилиш зарур. Жайнизмда Дигамбарлар ва Шветомбарлар номли йўналиш ҳам мавжуд.

Сикхизм-(Сикх-ўқитувчи демакдир) XV асрнинг охири ва XVI асрнинг бошларида Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда ҳиндуизмга қарши йўналиш сифатида пайдо бўлган. У майда хунарманд ва савдогарнинг феодал зулми ва жамиятнинг табақаланиш қаршилигининг ўзида эътирози асосида шаклланди. XVI асрга келиб сикхлар жамоасига деҳқонлар кўшила бошлаганлар ва антифеодал ҳаракатни қувватлаганлар. Сикхизм монотеистик дин ҳисобланиб, жамоа биргаликда ибодат қилишни инкор этади, руҳонийларни тан олмайди. Моддий оламдаги барча ҳодиса сикхизм таълимотига кўра, ягона худо-олий кучнинг ижоди, инсонлар эса худо олдида тенг ҳисобланади. Бу таълимот Грантх Соҳиб (Жаноб китоб) номли китобида изоҳланган. Сикхизм таълимотига эътиқод қиладиганлар ҳозирги кунда ҳам учрайди.

4-масала. Ўрта аср Ўрта Осиёнинг билимдон, файласуф, тарихчи, илоҳиётчи Зардушт (зардуст,зароастр) номи билан машҳур бўлган, зардуштийлик дини эрамиздан аввалги V-VI асрларда Ўрта Осиёда пайдо бўлган (шу ўринда “Диншунослик”. Маърузалар матни (Акад. Иброҳимов таҳрири остида) 38-бетга қаранг). Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолият бошлаган жойи тўғрисида икки фикр мавжуд. Биринчиси Ғарб назарияси бўлиб, унга кўра Медиа (Ҳозирги Эрон ҳудудида) зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади. Бу фикр тарафдорларининг далили шуки, биринчидан, зардуштийлик китоби “Авесто”нинг бизгача етиб келган нусхаси қадимги Эрон-пахлавий тилида ёзилган. Иккинчидан, бошқа шарқ манбаларида Зардушт ватани Хоразм ҳисобланган. Бу манбада келтирилишича, “Авесто”да Зардушт ўз фаолиятини бошлаган юрти ҳақида маълумот берилади. Бу китобда айтилишича, кўп сонли ботир саркардалар, баланд тоғлари бор, яйлов ва сувлари билан гўзал, чорвачилик учун бепоён яйловлари борлиги, Иската (Скифия)-Паураута Моуру (Марв), Хорева (Ария), Баба (Сўғд ҳудуди), Чивайризм (Хоразм) мамлакатлари томон этувчи дарёлари бор. Шубҳасиз, кенг қирғоқли кема юрар дарёлар бу Аму ва Сирдарё бўлиб, булар “Авесто”да тасвирланган.

Зардуштийлик таълимоти Ўрта Осиё ибтидоий даврида мавжуд бўлган. У табиий кучларни илоҳийлаштирувчи эътиқодларга нисбатан прогрессив

монотеистик таълимотдир. Зардуштийликнинг яна бир томони шуки, унга кўра руҳ ер очиб, уни боғу роғга айлантирган одам илоҳиёт раҳматига учрайди, аксинча боғлар экинзорлар, суғориш иншоатларни бузганлар, катта гуноҳга қолади. Зардушт ўз таълимоти билан инсонларга тинч-тотув яшашни, ҳалол меҳнат қилишни ўргатмоқчи бўлади. Зардуштийликнинг таълимотига кўра олам қарама-қарши кураш асосида қурилган. Яхшилик ва ёмонлик, ёвузлик ва эзгулик. Бу икки қараш Ахурамазда ва Ахриманлар мисолида кўрсатиб берилган. Зардуштийликнинг дафн маросими ўзига хосдир. Бу ерда мурданинг гўштларини қушлар еб, суяқларини тозалайди. Гўшдан тозаланган суяқлар минора ўртасидаги қудуққа сочиб юборилади. Бунда “ҳалол” билан “ҳаром”нинг бир бирига яқинлашмаслигига эришилади. Зардуштийлик дини жаҳон миқёсида энг қадимги динлардан.

Эрамиздан аввалги VII ва VI асрларда Ўрта Осиё Озарбайжон, Эрон ва кичик Осиё халқларининг эътиқод қилувчи динларидан ҳисобланади.

Ўрта Осиёни арблар исломлаштиргунга қадар, зардуштийлик маҳаллий халқларнинг асосий дини ҳисобланган. Шундай қилиб, зардуштлар дини ва таълимотидаги “эзгу фикрат”, “эзгу калом” ва “эзгу амал” бирлиги нафақат уларнинг фалсафий-ахлоқий, шунингдек, умумий дунёқарашини белгилаган. Зардуштийлик XX асргача етиб келган бўлса-да, улар асосан Эрон, Ҳиндистонда паноҳ топдилар. Мэри Бойснинг ёзишича, 1900 йилларда Яздда 10 мингга яқин оташпараствлар бўлган. XX аср бошларида Жанубий Эрон зардуштлари Бомбей оташпараствлари билан алоқа боғлаб турганлар. Зардуштийлик таълимоти тарафдорларидан бир гуруҳининг Ҳиндистонга, Англия, Канада ва АҚШга кўчиб кетганлиги ҳақида маълумотлар бор.

1976 йилги статистик маълумотларга қараганда, дунёда 120 минг зардуштийлик таълимотига эътиқод қилувчи одамлардан 82 минг нафари Эронда, 19 минг нафари Техронда, 3 минг нафари Англия, Канада, АҚШ да, 200 нафари Австралияда яшайди. Санокли зардуштлар Сингапур, Аден, Шанхай, Кантон ва бошқа жойларда истиқомат қилмоқдалар. Асримизнинг 70-йиллари, деб ёзади Мэри Бойс, -эронликлар Ҳиндистонда зардуштлар федерациясини туздилар. 1975 йили Торонтода зардуштларнинг Шимолий Америка симпозиуми чақирилди. 1960 йили Техронда зардуштийларнинг биринчи жаҳон конгресси ўтказилди. Уларнинг навбатдаги конгресслари 1964 ва 1978 йилларда Бомбейда ўтказилган. Зардуштийларнинг Шимолий Америка симпозиуми 1977 йили Чикагода чақирилган.

Бу конгрессларда оташпараствлар руҳонийларнинг сони, жамоа фаолиятида урф-одатларнинг аҳамияти, ибодат қилиш, йўл-йўриқлари, болалар тарбияси, ғайри дин билан никоҳ бўлгандаги аҳволи, ўлим маросимлари ва ҳоказолар муҳокама қиланади. Мэри Бойснинг кузатишларига қараганда, зардуштийлар ниҳоятда камайиб ва йўқ бўлиб бораётган бўлсалар-да, ўз эътиқодларига ишонган одамлар бўлиб, асрлар мобайнида одамларда келажакка умид, қаҳрамонлик, яхшилик, эзгулик, ижодкорлик туйғуларини тарбиялаб келганлар. Бу диний таълимотлардан бошлаб дунёни фалсафий идрок этиш, ахлоқан

покланиш, инсоният маънавий оламига чуқур кириб бориш, инсон бурчи нафосатини илғаш сингари масалалар одамларнинг одатига айлана боради.

Бу нарса зардуштийлик таълимотининг ахлоқий-эстетик аҳамиятини яққол намоён қиладики, қаерда фикр, сўз ва иш уйғунлиги бўлса, ўша ерда олийжаноблик ва гўзаллик ғалаба қозонади. Қачонки тана билан жон нифоққа учраса, инсон ҳаёти таназзулда, жони эса қилган ёмонликлари жабрини тортиб азобда қолади; “кимки ёруғ жаҳонда ақлли бўлса, донишмандлик салтанати бўлган бу дунёда адабий қолади”. Кўриниб турибдики, кейинчалик ўрта асрлар фалсафасининг марказий муаммоси бўлган тан ва жон, руҳ ва қалб, яхшилик ва ёмонлик, ҳаёт ва ўлим, гўзаллик ва хунуқлик, идрок этиш масалалари зардуштийлик таълимотининг асосини ташкил этган.

Дунё, коинот, табиат ҳақидаги тасаввур ҳамда тушунчаларни икки қутб ўртасидаги кураш тарзида идрок этиш ва барча ҳодисалар замирида Ахурамазда ва Ахриман бунёд этилган яхшилик ва ёмонлик, нур ва зулмат ўртасидаги кураш ётиши таъкидланади. Бу орқали зардуштийлик фалсафаси инсон табиати бўйича чуқур фалсафий таълимот қолдирганидан дарак беради.

Ҳар бир дин оғзаки ижодда бўлиб, кейинчалик ёзма ҳолга келтирилгани сингари, зардуштийлик таълимоти ҳам барча динлар қатори аввал оғзаки тарзда пайдо бўлиб, кейинчалик хатга тушган. Эҳтимол, зардуштийлик динининг асосчиси зарадуштра ҳам ўзи яратган таълимотни ёзма шаклга келтириб, тарқалишини тасаввур қилмагандир. Олимларнинг тарихий даврлар устида турли даврларда олиб борган тадқиқотлари шундан далолат берадики, зардуштийлик Форс, Ироқ, Мўғул, Балхдан тортиб Сурия, Хитой, Рум, Турфон, Хабашистон каби давлатлар ҳудудида кенг тарқалган. Бу таълимот дастлаб кофирлар томонидан ёд олинган ва оғиздан оғизга ўтиб юрган. Зардуштийлик ўтган бобоқолонларимиз дунёқараши, онги ва ҳаёт тарзидан ҳикоя қилиши билан қимматлидир. “Авесто”да қадимги одамларимизнинг ҳаёт ва инсон, ахлоқ ва одоб, гўзаллик ва ижод, қишлоқ хўжалиги ва жамиятда адолат тўғрисидаги фалсафий мушоҳадалари ўз ифодасини топган. Тинч меҳнат ва одамларнинг осойишта ҳаётига хайрихоҳлик зардуштийлик ғояларни ўзга жиҳатларидан бири бўлиб, барча яхшилик, гўзаллик ва эзгулик ҳомийси Ахурамаздага олти ёрқин кучлар мадад беради. Абадий яхшилик, яхши фикр, яхши тартиб, “муносиб” кудрат, илоҳий тобелик сихат-саломатлик, “абадийлик” сингари тушунчаларнинг ўз илоҳлари бўлиб, Ахурамазда атрофида яхшилик уруғини сочиб юради. Бу эса табиат воқеалари ҳамда яхшилик билан боғлиқ. Турли тушунчалар реал маъно касб этиб инсонийлашган қиёфада тасаввур қилинган. “Авесто”да ривоят қилинадиган воқеалар силсиласи шундан далолат берадики, ибтидоий одамлар даражасидаги қавмлар кун ва туннинг, ҳаёт ва ўлимнинг алмашуви яхшилик ва ёмонликнинг барқарорлигини кундалик ҳаётларида идрок эта бошлаганлар ҳамда бундай қонуниятнинг асл моҳиятини белгиловчи ҳар қандай куч ирода мавжудлигига ишонганлар. Инсоният тарихи, табиат ва ҳаёт ҳақидаги оддий тасаввурлардан, чекланган эҳтиёжлардан маънавий фаолият даражасига ўсиш жараёнини ўз ичига олади. Одамзод ер, сув, ҳаво ҳамда қуёшнинг бевосита хис қилишдан аста-секин табиат нима, ҳаёт нима, ўлим нима, одамнинг моҳияти нимада,

коинот нима ўзи каби мураккаб саволлар томон тараққий этди. Қоронғуликдан ёруғликка чиққандай, билимсизликдан маърифат сари дунё ҳақидаги тасавурлар ҳамда тушунчалар томон силжиши маънавият йўли қанчалик узун ва узлуксиз эканлигидан далолат беради. Бу йўл шунчалик сўқмоқларга мўл эканки, одамзод ҳақиқат ва ҳақ бекатига етиб келгунча жуда кўп тафаккур руҳий қалъаларни, қуришга ўзи қуртан қалаъларни ўзи бузиб яна бошқа тасаввур манзиллари яратишига тўғри келади. Ҳозирги кунда зардуштийлик динининг қолдиқлари мавжуд. Ўзбекларда исирик, ҳиндларда сандал туташиниш микробларни зарарсизлантириш воситаси сифатида ишлатилади. Ер, сув, ҳаво ҳамда барча ўсимликларни эъзозлаш натижаси ўлароқ табиатнинг ҳаётлиги ва гуллаб-яшнашидан далолот берувчи, баҳорий гўзаллик “Наврўз”ни шоду хуррамлик билан кутиб олиш ҳам зардуштийлик замонларидан буён бизга мерос бўлиб келаётган байрамдир.

Афсона ва ривоятлардан инсоният болалик чоғининг дастлабки даврларидаёқ бадиий эстетик тафаккури шаклланиб борган. Нимаки инсон диққатини жалб этган бўлса, нимаки инсон хоҳлаган ёки тасдиқловчи бўлса, албатта бундан ният, орзу ва амал ғунчалари образли хаёлот пардаси билан ўралган. Ана шу тариқа диний, фалсафий, бадиий тафаккурнинг бирлигидан ташкил топувчи мифология (афсона-ривоятлар), инсоният билими ҳамда ахлоқий-эстетик тасаввурларнинг дастлабки қомуси вазифасини бажарган, зероки ҳар бир миллат тарихи ва қадриятларини билиш учун унинг инсоният бағрида қолдирган маънавий жавоҳирларини англамоқ, унинг дини, тафаккур тарзи, бадиий-эстетик идеали ва руҳияти юксалган сари бу маънавий жавоҳирлар ҳам, муштарақлик ҳам ўзига ҳослик қонуниятлар асосида тараққий этиб, халқ, миллат ва мамлакатнинг тарихий ўрни ва қадрини ҳам белгилаб келган. Ўз маданияти тарихи ва тақдири жуда узоқ замонларга бориб тақалувчи Ўрта Осиё халқлари, хусусан, ўзбек халқининг моддий ва маънавий маданияти, бадиий эстетик ва фалсафий тафаккурининг зардуштийлик дини билан боғланиши бежиз эмас.

Мустақил иш учун:

Миллий дин тушунчасининг мазмуни. Яхудийлик динининг таълимоти. Веда динлари. Ҳиндуийлик дини . Хитой миллий динлари.

Саволлар.

1. Миллий динларнинг ўзига хослиги инмада?
2. Яхудийлик дини қачон пайдо бўлган?
3. Яхудийлик динининг таълимоти нимадан иборат?
4. Ҳиндуийлик қандай дин ҳисобланади?
5. Ҳиндуийликни асосий ғояси нималардан иборат?
6. Конфуцийчилик Хитойда қандай ғояни тарғиб қилади?
7. Даосизм динига ким асос солган?
8. Синтоизм қаерда пайдо бўлган ва кимлар унга эътиқод қилади?

Адабиётлар.

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
2. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
3. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
4. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007
5. Менъ А. История религии. – М, 1994.
6. Конфуций. Изречения. – М., 1994.
7. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М. 1995.
8. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. М., Яблокова. – М., 1995.
9. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 1996.
10. Религиозные традиции мира. В 2 томах. – М., 1996.

4- мавзу: Буддизм

Режа

1. Буддавийлик асосчиси.
2. Будавайлик таълимоти.
3. Буддавийликнинг Марказий Осиёда тарқалиши.
4. Ҳозирги замонда буддавийлик.

Таянч сўзлар ва атамалар:

Будда	карма
Джина	медитация
Бхагаван	нирвана
Кришна	сарвастивада
Варна	

1-саволни ёритганда, Буддизм — дунёдаги энг йирик динлар ичида қадимийларидан бири ҳисобланиб, мил. ав. VI — V асрларда Ҳиндистонда вужудга келганлигига алоҳида аҳамият бериш лозим. Бу динга эътиқод қилувчилар, асосан, Жануби — Шарқий ва Шарқий Осиё мамлакатлари: Шри Ланка, Ҳиндистон, Непал, Хитой, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Монголия, Корея, Вьетнам, Япония, Камбоджа, Бирма, Таиланд, Лаос ва қисман Европа ва Америка қитъаларида, Россия Федерациясининг Тува, Бурятия, Қалмиқистон республикаларида истиқомат қиладилар. Ҳозирги кунда эътиқод қилувчилар сони жиҳатидан буддизм христианлик, ислом ва ҳиндуизмдан сўнг тўртинчи ўринни эгаллайди. Буддистларнинг сони тахминан 750 млн. атрофида.

Буддизм бундан 2500 йил аввалроқ Ҳиндистонда диний — фалсафий таълимот сифатида вужудга келиб, унда кўплаб диний манбалар ва диний йўналишлар мавжуд. Буддизм турли миллий ва диний анъаналар билан келишувчанлиги сабабли кўп миллатлар томонидан кенг қабул қилинди.

Буддизм ҳаётнинг диний, маданий, сиёсий ва иқтисодий соҳалари қатламларига кириб борди. Буддизмни дин ёки фалсафа, мафкура ёки маданият қоидалари тўплами ёхуд ҳаёт тарзи деб баҳолаш мумкин. Айни кунда бу динга эътиқод қилиб келаётган Шарқ мамлакатларидаги буддизм таълимотини ўрганиш у ердаги сиёсий — иқтисодий, маънавий маданиятни тушунишнинг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Бу давлатларда ушбу динга эътиқод қилувчилар назарида буддизмнинг қоида ва анъаналари марказий ҳукумат қонунларидан кўра устунроқдир, табиийки, бунинг замирида унинг потенциал кучи ётади. Буддизм тарихи тадқиқотчилари мавжуд манбалар асосида бу оқим асосчиси реал тарихий шахс эканлигини таъкидлайдилар. Бу таълимот тўғрисида хабар берувчи адабиётларда у Сиддхартха Гаутама (Готама), Шакаямуни, Будда, Тадхагата, Джина, Бхагаван каби исмлар билан зикр этилади. Бу исмлар маънолари қуйидагича: Сиддхартха - шахсий исм, Гаутама — уруғ номи, Шакаямуни — "Шака қабиласидан чиққан донишманд", Будда - "нурланган", Джина — "ғолиб", Бхагаван - "тантана қилувчи". Улар ичида энг машҳури "Будда" бўлиб, шундан ушбу динга буддизм номи берилган. Бизгача

Будданинг бир неча биографиялари етиб келган: “Махавосту” — милоднинг II асрида ёзилган. “Лалитавистара” — милоднинг II — III асрларида юзага келган. “Буддхачарита” - буддист файласуфларидан бири Ашвагхоша томонидан милоднинг I-II асрларида яратилган. “Ниданакатха” - милоднинг I асрида ёзилган. Мазкур биографияларда Будданинг қайси йилларда яшаганлиги турлича берилган. Уларда мил. авв. IX-III асрлар оралигидаги ҳар хил муддатлар кўрсатилади. Расмий ҳисобга кўра Бутама- Будда мил. ав 623 йилда туғилиб, 544 йилда вафот этган. Бироқ кўпчилик тадқиқотчилар унинг таваллуди мил. ав. 564 йилда, вафоти эса 483 йилда деб ҳисоблайдилар. Баъзан 560 ва 480 деб яхлит сонлар билан кўрсатадилар.

Ривоятларга кўра Сиддхартха Шакия қабиласининг подшоҳларидан бири Шуддходананинг ўғли эди. Унинг саройи Химолай тоғлари этагида Капилавасти деган шаҳарда бўлган (ҳозирги Непал ҳудудида). Онаси — малика Майя. Подшоҳ орзу—ҳаваслар оғушида тарбиялаб, уни ҳеч бир камчиликсиз катта қилади. Сиддхартха улгайиб кўшни ҳукмдорлардан бирининг қизи Яшадхарага уйланади ва ўғил кўриб, унга Рахула деб исм қўяди. Ҳеч бир қийинчилик ва камчилик кўрмай ўсган бола Сиддхартха бир куни иттифоқо бир кекса чол, бир бемор ҳамда оғир машаққат тортаётган роҳибни учратади, бир кишининг эса вафотига гувоҳ бўлади. Бундан каттиқ таъсирланган шаҳзода инсониятни қийинчилик ва азобдан қутқариш йўлларини излаш учун саройни ташлаб кетади. Бу вақтда у 30 ёшда эди. У бешта роҳиб билан қишлоқма — қишлоқ кезиб юради. Шу аснода Сиддхартха бир нарсага амин бўлди: бу йўл уни ўз олдига қўйган мақсад, яъни инсониятни азоб-уқубатдан қутқариш сари олиб бормади ва у роҳиблар жамоасидан ажралади. Бирмунча вақт чангалзорларда кезиб ҳориб чарчагач, бир дарахтнинг тагида дам олиш учун ўтиради ва ўзича, то ҳақиқатни топмагунча шу ердан турмасликка қарор қилади. Бу ўтиришининг 49-куни унинг қалбидан “Сен ҳақиқатни топдинг” деган садо келади. Шу пайтда унинг кўз олдига бутун борлиқ намоён бўлади. У ҳамма жойда шошилиш, қаёққадир интилишни кўради: ҳеч бир жойда осудалик йўқ эди.

Тришна – яшаш, мавжуд бўлиш умиди барчанинг тинчини бузар, ҳалок қилар ва яна қайта яратар эди. Мана энди Будда кимга қарши курашиш кераклигини англади. Шу ондан у Будда — *нурланган* деб аталди. У тагида ўтирган дарахт эса — нурланган дарахт (ботха) деб атала бошлади. Будда ўзининг биринчи даъватини Варанаси яқинидаги Ришиватана боғида ўзининг беш роҳиб дўстларига қилди ва улар Будданинг биринчи шогирдлари бўладилар. Шу кундан бошлаб Будда ўз шогирдлари билан қишлоқма-қишлоқ юриб, ўзига янги издошлар орттиради. Будда 40 йил мобайнида Ҳиндистоннинг турли жойларида бўлади, одамларга ўз ғояларини етказди, сингдиради ва 80 ёшида Куштнагара деган жойда дунёдан ўтади. Унинг жасади, хинд удумига кўра, куйдирилиб, хоки 8 та буддист жамоаларига бўлиб юборилади ва ҳар бир жамоа уни дафн этган жойида ибодатхона (стува) барпо этади.

Будданинг ҳаёти ҳақида турли асотирлар пайдо бўлди. Уларда айтилишича, Будда кўп йиллар давомида ер юзидаги турли мавжудотлар қиёфасида қайта туғилган: 84 марта руҳоний, 38 марта шоҳ, 24 марта роҳиб, 13

марта савдогар, 18 марта маймўн, 12 марта товук, 8 марта ғоз, 6 марта фил, шунингдек, балиқ қурбақа, каламуш, куён қиёфаларида қайта туғилган. Жами 550 марта қайта туғилган. У доимо қаерда, қай қиёфада туғилишини ўзига ўзи белгилаган. Сўнги марта уни худолар инсониятни тўғри йўлга бошлаши учун инсон қиёфасида яратганлар. Бу афсоналарнинг баъзиларига кўра, ер юзида Гаутамага қадар олти Бурда ўтган. Шунинг учун буддизмнинг баъзи муқаддас жойларида еттита ибодатхона барпо этилган. Еттита бодха дарахти ўтказилган. Баъзи афсоналар 24 та Бурда авлоди ўтган деса, баъзилари минглаб бурдалар ўтган деб даъво қилади.

2-масала. Буддизм қадимий ҳинд диний — фалсафий таълимотлари асосида вужудга келган, ўзига ҳос назариёт ва амалиётдан иборат бўлган диний тизимдир. Бурда янги диний қонун - қоидалар, расм - русумлар ишлаб чиқмаган, балки ҳар бир инсон туғилиш ва ўлим машаққатларидан қутулиши учун амал қилиши лозим бўлган бир неча кўрсатмаларни ишлаб чиқди, холос. Унинг таълимоти инсоннинг ҳаёлида, ишларида ва ўзини тутишида самимий олижаноблик ғоясини илгари суради. У ведалардаги гуноҳсизлик таълимотини инкор қилди, ҳайвонларни ваҳшиёна қурбон қилишни қоралади. *варна* (ҳаёти) тизимини ва ундаги руҳонийларнинг бошқалардан устунлигини инкор қилади. Бурда таълимотининг асосида ҳаёт бу “азоб-уқубат” ва “нажот йўли мавжуд” деган ғоялар ётади. Буддизм таълимотига кўра, инсон ўзига ҳос мавжудот бўлиб, туғилади, ўзини ўзи ҳалок қилади ёки қутқаради. Бу ғоялар Бурданинг илк даъватига таъбирлаган тўрт ҳақиқатда ўз ифодасини топган. *биринчи ҳақиқат* — “азоб — уқубат мавжуддир». Ҳар бир тирик жон уни бошидан кечиради, шунинг учун ҳар қандай дунёвий ҳаёт-қийноқ, азоб уқубатдир. Туғилиш қийноқ, касаллик — азоб, ўлим - кулфат. қийинчиликка дуч келиш — машаққат, айрилиқ - эзилиш, орзу-хавасга етолмаслик — уқубат. Дунё тузилишининг асосий қонуни бир-бирига боғлиқдир. Ҳеч бир нарса маълум сабабсиз яралмайди. Буддизм таълимотида кўра, ҳар қандай нарса ёки ҳодиса, у хоҳ моддий, хоҳ маънавий бўлсин, дхармалардан ташкил топган. Объектив ҳақиқат бу доимий равишда ўзгариб турувчи дхармалар оқимидир. Инсон улар ёрдамида яшайди, борлиқ билан алоқада бўлади, яхши ёки ёмон ишларни бажаради. *Иккинчи ҳақиқат* - “қийноқларнинг сабаблари мавжуддир”. Инсон моддий нарсалар ёки маънавий қадриятлардан фойдаланиб, уларни ҳақиқий ва доимий деб ҳисоблайди. Ҳамда доимо уларга эга бўлишига интилади. Бу интилиш ҳаёт давомийлигига олиб боради. Яхши ёки ёмон ниятлар тўқилган ҳаёт дарёси, орзулар ва интилишлар сабабли келажак ҳаёт учун *карма* ҳозирлайди. Демак, қайта туғилиш, қайтадан қийноқларга дучор бўлиш давом этади. Аксарият буддистлар фикрича, Бурдадан кейин ҳеч ким нирвана ҳолатига эриша олмаган. *Учинчи ҳақиқат* - “қийноқларни тугатиш мумкин”. Яхши ёки ёмон ниятлардан, интилишлардан бутунлай узилиш нирвана ҳолатига олиб боради. Бу ҳолатда инсон қайта туғилишдан тўхтади. Буддистлар фикрича, нирвана ҳолати «ҳаёт ғилдирагидан” ташқарига чиқиш, “мен” деган фикридан ажралиб, инсоннинг ҳиссий туйғуларини тўла тугатишдир. *Тўртинчи ҳақиқат* — “қийноқлардан қутулиш йўли мавжуддир”. Бу йўл саккизта нарсага амал қилиш, тўғри муомалада бўлиш, фикрни тўғри жамлашдир. Бу йўлдан

борган инсон Будда йўлини тутлади. Буддизм таълимоти, асосан, уч қисмдан иборат: 1. Ахлоқ. 2. Медитация. 3. Донолик. *Ахлоқ нормалари*- "Панча шила" - Будданинг беш насиҳати: 1. Қотилликдан сақланиш; 2. Ўғриликдан сақланиш. 3. Гумроҳликдан сақланиш. 4. Ёлғон, калбаки нарсалардан сақланиш. 5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш. *Медитация*: 1. Тўғри тушуниш (тўғри эътиқод қилиш). 2. Тўғри ният қилиш — дунёвий лаззат—халоватлардан халос бўлишга, кераксиз фикрлар ва бошқаларга зарар етказиб кўйишдан сақланишга интилиш. 3. Ўзини тўғри тутиш — ўзиники бўлмаган нарсага кўз олайтирмаслик, ортиқча ҳиссиётга берилмаслик. 4. Тўғри англаш — ўз танаси ва руҳига ўзини йўқотиб қўймайдиган даражада назоратда бўлиш ҳамда бунда эҳтирослар ва изтиробларга чек қўйиш. 5. Тўғри ҳаракат қилиш - ўзидаги ёмон туйғуларни жиловлаш ҳамда эзгу туйғулар ва ҳаракатларни ривожлантириш. 6. Тўғри ҳаёт кечириш — номаъқул ҳаёт тарзидан сақланиш. 7. Тўғри фикр юритиш — камолотнинг тўрт босқичини кетма — кет босиб ўтиш. 8. Тўғри гапириш — ёлғондан, тухматдан, ҳақоратдан ва бефойда гаплардан сақланиш.

Донишмандлик — бу буддизмнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдан иборат. Юқорида кўрсатилган уч амалиёт босқичини ўтаган инсон охир-оқибат олий саодатга, яъни нирвана ҳолатига эришади. Нирвана сўзининг луғавий маъноси — «ўчиш, сўниш». Унда ҳаётнинг ҳар қандай кўринишига интилиш йўқолади. Ушбу таълимотнинг ёйилишида буддист жамоаларнинг (сангха) роли катта бўлган. Улар йилнинг об—ҳавоси яхши бўлган тўққиз ойида шаҳарма – шаҳар, қишлоқма — қишлоқ юриб, аҳолини бу динга даъват қилиб юрганлар. Фақатгина муссон ёмғирлари тинмай куйган уч ойдагина ўз ибодатхоналарида муқим бўлиб медитация билан шуғулланганлар. Мил. ав. 273 — 232 йилларда ҳукмронлик қилган император Ашока даврида буддизм кенг ҳудудларга жадал тарқалди. У буддист монахларга (роҳиблар), уларнинг Ҳиндистон билан чегарадош давлатларга қилган миссионерлик ҳаракатларига ҳайрихоҳлик билдирарди. Буддист миссионерлари ўз принципларида маҳкам туриб, юмшоқлик ва келишувчанлик билан ҳаракат қилдилар.

3-масала. Ўрта Осиёда буддизм масаласининг ёритишда минтақада бошқа қадимий динлар билан бир қаторда буддизмнинг ҳам кенг ёйилганлигини талабаларга баён этиш лозим. Бир гуруҳ тадқиқотчилар мазкур дин Ўрта Осиёга кириб келишини Кушонлар шоҳи Канишка ҳукмронлиги даврига тааллуқли деб билдилар (I-асрнинг охири - II асрнинг бошлари). Иккинчи гуруҳ эса бу жараённинг бошланишини бироз эртароқ деб ҳисоблайди. Тадқиқотчи Б.А Литвинскийнинг фикрича, буддизм Шимоли-Ғарбий Ҳиндистон ва Жанубий Афғонистон (Қандаҳор) орқали тахминан мил. ав. III асрда Бактрияга (Ўзбекистоннинг жанубий ҳудудлари) тарқала бошлаган.

Бактрияга буддизмнинг кириб келиши ва ёйилиши ҳақида бошқа фикр ҳам мавжуд. Тадқиқотчи Р.Ч. Багчи бу жараён подшоҳ Ашока (мил. ав. 273—232 йиллар) ҳукмронлиги даврида юз берган, деб ҳисоблайди. Аммо бу фикрни тасдиқловчи археологик материаллар етарли эмас. Шунинг учун ҳам буддизм бу ҳудудга Кушонлар даврида кириб келган, деган фикр ҳақиқатга яқинроқ. Чунончи Б.Я. Стависский бу фикрни Кушонлар ҳукуматининг ҳинд вилоятлари

ва буддист жамоаларнинг хомийлари билан алоқалари мустаҳкам бўлганлиги билан исботлайди. Аммо шу билан бир қаторда бақтрияликларнинг Канишкага қадар буддизм билан таниш бўлганликларини тасдиқловчи маълумотлар ҳам мавжуд. Мил. ав I аср ва милоднинг IV асрлари оралиғида Кушон империясида буддизмнинг Махаяна йўналиши давлат дини деб эълон қилинди. Бунгача буддизм Ҳиндистонда узок тарихга эга бўлса-да, у ерда асосий йўналиш бўлган Хинаяна ҳам бундай мавқега эришмаган эди. Канишка, Вима, Кадфиз ва улардан кейинги Кушон императорлари буддизмни кенг ёйдилар. Улар бу дин анъаналарини амалда ривожлантириш, бошқа халқлар ўртасида тарқатиш учун Балх, Марв, Термиз, Самарқанд, Бухоро, Шош, Туркистон, Қува, Косон, Ўш, Болосоғун, Қошғар ва бошқа шаҳарларда буддизм такягоҳлари ва хонақоҳлари, ибодатхоналарини куриб, буддизмнинг муқаддас китоблари, сутра ва пастиларни ўрганиш, таржима қилиш ва шарҳ учун шароит яратиб бердилар.

Ҳозирги Термиздаги Коратепа, Фаёзтепа, Сайрам, Қува ва бошқа жойларда топилаётган будда ҳайкалчалари ёки уларнинг парчалари, Айритомдаги айвон пештоқи парчасидаги буддист мусиқачиларнинг тасвири ва бошқа осори атиқалар, сарой ва ибодатхоналар Ўрта Осиёдаги буддизм ҳақида хабар берувчи манбалардир. Бу динга тегишли ёзма манбалар қадимги туркий ёзувда, уйғур битикларида ва бошқа ёзувларда сақланиб қолган. Ўрта Осиёнинг жанубида Сарвастивада мактабининг илк кўриниши-Вайбхашика мактабининг таълимоти ёйилган. У буддизмнинг Хинаяна оқимига тегишли. Аммо Вайбхашика таълимоти баъзи жиҳатлари билан Махаяна доирасидаги мактабларга яқин туради. Бунда, айниқса, Махаяна доирасига кирувчи Сарвастиваданинг Виная мактаби муҳим аҳамиятга эга. Манбаларнинг хабар беришича, Хўтанда Вайбхашика мактаби вакиллари Махаянани ёйиш учун замин тайёрлаганлар.

Ўрта Осиёда буддизмнинг бошқа мактаби ҳам ёйилган. Коратепадан топилган сопол буюмлардаги *кхароштхи* ёзувлари бу ердаги Махасангхика таълимотини акс эттиради. Махасангхика мактаби Ўрта Осиёда буддизмнинг тарқалишида муҳим рол ўйнаган. Қоратепа бошқа қисмида брахма ёзувидаги битиклар эса Ўрта Осиёга кейинчалик Канишка даврида кириб келган *Сарвастивада* буддист мактаби таълимотининг ёйилганлигидан хабар беради. Мил ав. III — I асрларда буддизм Ҳиндистон худудидан чиқиб жануби — шарқий йўналиш бўйича асосан Хинаяна таълимоти шаклида ёйилган. Лекин милоднинг бошларида шимолга, шимоли —ғарбга ҳамда шимоли-шарққа Махаяна тарзида ҳаракат қилди. Бунинг сабаби бир неча асрлар мобайнида Шимолий Ҳиндистон, Марказий Осиё худудларининг ягона Кушон салтанати байроғи остида бирлаштирилиши бўлди. Айнан Марказий Осиё орқали буддизм Узок Шарққа кириб борди ва у ерда иккинчи ҳаётини бошлади. Ўрта Осиёда буддизмга тегишли тарихий обидаларнинг кўплиги жиҳатидан Фаёзтепа энг йирик ёдгорлик ҳисобланади. У ердан чиққан диний битиклар, ҳайкаллар билан бирга топилган ибодатхонанинг худуди анча катта жойни эгаллайди. 1926 йилда А.С. Стрелков томонидан аниқланган Эски Термиз шарқидаги Зурмала минораси Ўрта Осиё худудидаги биринчи очилган, катта аҳамиятга молик бўлган буддизм иншоотидир. Эски Термиздан топилган Коратепа буддист

мажмуаси милоднинг I асри Кушон салтанатининг гуллаган даврига тўғри келади. Коратепадаги ҳар бир иншоот ер усти ва ғор ичида жойлашган ибодатхона, сарой, бир монах (зоҳид) учун мослаштирилган хужралардан иборат. Далварзинтепа мажмуаси 1967 - 1968 йилларда қазиб очилган бўлиб, Термиз яқинидаги Сурхон воҳасининг ўрта қисмида жойлашган мазкур комплекс Г.А. Пугаченкова ва Б.А. Турғунов бошчилигидаги Ўзбекистон санъатшунослик академияси томонидаи очилди. Далварзинтепада топилган буддизм мажмуаси бу дин таълимоти Кушон салтанатининг шимолий вилоятларига I асрда ёйилганлигини кўрсатади. Жанубий Ўзбекистонда жойлашган Бактрия-Тоҳаристоннинг шимолий қисмида 60—йилларнинг иккинчи ярмидан 80—йилларгача буддизм иншоотларининг еттитаси аниқланиб ўрганилди. Археологик қазилмалар натижасида топилган Жанубий Тожикистондаги Ажинатепа, Кофирқалъадаги кичик ибодатхона, Қалъаи Кофирнигон ибодатхонаси, Айритом мажмуаси, Туркменистондаги Марвдан 30 км узоқликда жойлашган Гяурқалъа мажмуаси, Қувадаги ибодатхона ва бошқа буддизмга тегишли ёдгорликлар ушбу диннинг мазкур минтақадаги тарихи ҳақида хабар беради.

4-масала. Буддийликнинг бир неча халқаро ташкилотлари мавжуд. Шулардан энг йириги Жаҳон буддистлари қардошлигидир. У 1950 йили тузилган. 1956 йили бу дин пайдо бўлганлигининг 2500 йиллиги нишонланди.

Марказий Осиёда бир неча юз мингдан иборат корейс миллатига мансуб кишилар яшайди. Уларнинг оилавий-маиший анъаналари, миллий удумларининг айрим таркибий қисмлари махаяна (шимолий) кўринишдаги буддийлик таъсирида шаклланган. Ҳозирги вақтда бу минтақада, айниқса Ўзбекистонда корейс буддистларини христианлик таъсирига олишга қаратилган ҳаракатлар авж олмоқда.

Мустақил иш учун:

Будда Шакямуни. Буддавийликнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши.

Буддавийликнинг таълимоти ва унинг мазмуни. Буддавийликнинг парчаланиб кетиши. Ҳозирги замонда буддавийлик.

Саволлар

1. Илк буддизм таълимоти нималардан иборат?
2. Буддизм амалиётида медитация қандай ўрин тутди ?
3. Хинаяна ва Махаяна орасидаги асосий фарқлар нималардан иборат ?
4. Буддизм ўзга цивилизациялар ичига қандай кириб борган?
5. Ҳозирги Япония ҳаётида буддизм қандай ўрин эгаллайди?
6. Ламаизм қайси даврда вужудга келди?
7. Ламаизмнинг Россия Федерациясида тутган мақоми қандай?
8. Марказий Осиёда буддизм тарихини ўрганишнинг қандай илмий муаммолари бор?

Адабиётлар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Мехнат, 2004. – 296 б.
2. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик. Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
- 3.. Абу Райхон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.
4. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
5. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
6. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвкочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
7. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети» нашриёти, 2008. – 664 б.
8. Мень А. История религии. – М, 1994.
9. Марказий Осиё динлари тарихи. / Масъул муҳаррир: доц. Ш.А.Ёвкочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
10. Кулаков А.Е. Религии мира. – М., 1996. – С. 150-173.
11. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 1996.
12. Религиозные традиции мира. В 2 томах. – М., 1996.
13. Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. По данным археологии. –М., 1998.
14. Фромм Э. Психоанализ и религия // Фромм Э. Иметь или быть? – М., 1990.
15. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

5- мавзу: Христианлик

Режа

1. Христианликнинг вужудга келиши
2. Христианлик таълимоти
3. Христианлик йўналишлари.
4. Ўзбекистонда христианлик

Таянч сўзлар ва атамалар:

Иисус	Рим папаси
Масих	таинства
икона курашчилар	Католицизм
монастир	индульгенция
ктесифон	причашение

Биринчи саволни ёритишда христианлик буддизм ва ислом динлари қаторида жаҳонда энг кенг тарқалган динлардан бири ҳисобланиши, ушбу дин тарафдорларининг миқдори бошқа динларга қараганда энг кўп бўлиб, бу кўрсаткич дунё аҳолисининг деярли учдан бирини ташкил этишини алоҳида қайд этиши лозим. Христианлик, асосан, Европа, Америка, Австралия ҳамда Қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган. Христианлик милоднинг бошида Рим империясининг шарқий қисмида жойлашган Фаластин ерларида вужудга келди. Исо Масих (Иисус Христос), Библиянинг хабар беришича, христианлик таълимотининг асосчиси бўлиб, у Рим империяси ташкил топганининг 747 йили Фаластиннинг Назарет қишлоғида бокира қиз Марямдан Худоннинг амри билан дунёга келди. Янги эранинг бошланиши ҳам Исо Масихнинг келиши билан боғлиқ. Милоднинг бошларида яхудийлар ҳокимиятнинг уч табақаси билан боғлиқ оғир тушкунликни бошдан кечирар эдилар. Бир томондан, Рим императори ва унинг жойлардаги ноиблари, иккинчи томондан, Фаластин подшоҳи Ирод Ангива, учинчи томондан эса руҳонийлар ҳалқни турли солиқлар ва мажбуриятлар билан кўмиб ташлаган эдилар. Худди шу даврда яхудийлар ўртасида кутилаётган халоскорнинг келиши яқинлашиб қолганлиги ҳақида хабар тарқатувчилар пайдо бўлди. Улар ҳалқни кутилаётган халоскор келишига тайёрлаш учун чиққан эдилар. Шунда Исо Масих яхудийликни ислоҳ қилиш ва уни турли хурофотлардан тозалаш ғояси билан чиқиб, христиан динига асос солди. Яхудийлар уни ва унинг издошларини Фаластиндан қувғин қилдилар. Исони 33 ёшида фитначиликда айблаб, қатл этишга ҳукм қилдилар. Исонинг тарихи хусусида диний ва диний бўлмаган манбалар орасида ихтилоф мавжуд: христиан манбаларида Исонинг ўзи худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилгани, унинг ҳаёт тарзи, инсонлар билан мулоқоти ҳақидаги маълумотлар қайд этилса-да, диний бўлмаган манбаларда Исо номи учрамаганлигини назарда тутиб, у тарихий эмас, балки афсоний шахс деб

ҳисобловчилар ҳам бор. Исо номига қўшилувчи “Масих” сўзи қадимий яҳудий тили — ивритдаги мешиах сўзидан олинган бўлиб, «силанган» ёки “сийланган” маъноларини беради. Юнон тилида бу сўз «христос» шаклига эга. Бу диннинг «христианлик» “ёки масихийлик” деб аталиши ҳам шу сўзлар билан боғлиқ. Бундан ташқари, христианликни Исо Масихнинг туғилган қишлоғи — «Назарет» билан боғлаб, назрония деб ҳам атаганлар. Кейинчалик бу ном насрония шаклини олган.

2-масала. Исо Масих ўз таълимотини 12 ўқувчисига — апостоллар (ҳаворийлар)га ўргатди. Улар эса Исоннинг вафотидан кейин устозларнинг таълимотларини алоҳида—алоҳида тарзда китоб шаклига келтирдилар. Бу китоблар Бнблиянинг «Янги аҳд» қисмини ташкил этади. Шунини алоҳида қайд этиш лозимки, манбаларнинг хабар беришича, христианлик яҳудий муҳитида юзага келган. Шу боис христианликнинг шаклланишида яҳудийликнинг таъсири салмоқли бўлгани шубҳасиз, Христианликнинг асоси — Исонинг одамзоднинг ҳалоскори «мессия» эканлиги яҳудийликда мавжуд бўлиб, охиратга яқин келиши кутилаётган ҳалоскор ҳақидаги таълимотдан келиб чиқандир.

Кейинчалик бу таълимот худонинг мужассамланиши ёки Исонинг икки хил — одам ва худо моҳияти ҳамда “гуноҳни ювиш, яъни Исонинг ўзини ихтиёрий тарзда қурбон қилиши ҳақидаги таълимот билан мустаҳкамланади. Христианлик Ота-Худо, ўғил—Худо ва Муқаддас Рух— Уч юзлик Худо (Триптий) тўғрисидаги таълимотни, жаннат ва дўзах, охират, Исонинг қайтиши ҳақидаги ва бошқа ақидаларни ўз ичига олади. Христиан жамоасининг шаклланиши, ақидаларининг тартибга солиниши, черков муносабатларининг ишлаб чиқиши, диний табақалар тизимининг вужудга келиши милоднинг IV асри бошларида, яъни 324 йили христианлик Рим империясида давлат дини деб эълон қилинганидан сўнг амалга оширилди. 325 йили тарихда биринчи марта Рим императори Лициния империя худудидаги христиан жамоаларини ўзаро келиштириш ва тартибга солиш мақсадида Никея шаҳрида 1 — Бутун Олам Христиан соборини (ўтказилган 21 собордан биринчиси) чақирди. Бу соборда «эътиқод тимсоли»нинг (Credo) дастлабки таҳрири қабул қилинган, Пасхани байрам қилиш вақти белгиланган, арийчилик қораланган (Арий Александрия шаҳридан чиққан руҳоний; 318 йилда ўғил — Худо ва Ота — Худонинг ягона моҳияти ҳақида черков таълимотига қарши чиқиб, Исони илоҳий хусусиятлари ва шон-шухрати жиҳатидан Ота — Худодан кейин туради, чунки Ота-Худо азалий ва абадий, Исони у яратган деб тарғиб қилган). 20 та канон, жумладан, Александрия, Рим, Антиохия, Қуддус митрополитларининг имтиёзлари тўғрисидаги қоида ишлаб чиққан. 381 йили Константинополда II Бутун Олам Христиан собори бўлиб ўтди. Бу соборда Никеяда қабул қилинган «эътиқод тимсоли»га аниқлик киритиш, арийчилар, евномийчилар, фотинианлар, савелианлар каби адашган фирқалар билан курашиш масалалари кўрилган.

II Жаҳон собори Троица (Trinity) ҳақидаги қоида ишлаб чиққан ва «эътиқод тимсоли»ни қонунлаштирган. Константинополь патриархи Рим патриархи каби барча бошқа епископларга нисбатан имтиёзларга эга, деган қоида киритган. Бу соборда қабул қилинган «эътиқод тимсоли» 12 қисмда

ифодаланди: биринчи қисмда оламини яратган Худо ҳақида, иккинчи қисмда насронийликда Худонинг ўғли ҳисобланган Иисус Христосга иймон келтириш ҳақида: учинчи қисмида илоҳий мужассамлашув ҳақида сўз юритилиб, унга кўра, Исо Худо бўла туриб, бокира Биби Марямдан туғилган ва инсон киёфасига кирганлиги ҳақида; тўртинчи қисмда Исонинг азоб-уқубатлари ва ўлими ҳақида сўз кетади. Бу гуноҳларнинг кечирилиши ҳақидаги ақидадир. Бунда Исонинг тортган азоблари ва ўлими туфайли Худо томонидан инсониятнинг барча гуноҳлари кечирилади деб эътиқод қилиниши ҳақида: бешинчи қисмда Исонинг хочга михланганидаи сўнг уч кун ўтиб қайта тирилганлиги ҳақида: олтинчи қисмида Исонинг меърожи ҳақида; еттинчида Исонинг нузули (иккинчи маротаба ерга қайтиши) ҳақида; саккизинчи қисмда Муқаддас руҳга иймон келтирмоқ борасида; тўққизинчи қисмда черковга муносабат ҳақида; ўнинчи қисмда чўқинтиришнинг гуноҳлардан фориғ қилиши ҳақида; ўн биринчи қисмда ўлганларнинг оммавий тирилиши ҳақида; ўн иккинчи қисмда абадий ҳаёт ҳақида сўз юритилади.

3-саволни ёритишда христиан черковининг католик ва православ (ортодокс) черковларига ажралиб кетиши Рим папаси ва Истамбул патриархининг христиан оламида етакчилик учун олиб борган рақобати оқибатида вужудга келганлигига талабалар диққатини жалб қилиш лозим. Ажралиш жараёни Рим империясининг ғарбий ва шарқий тафовутлари ўсиб чуқурлашиб бораётган асрлардаёқ бошланган эди. 867 йиллар орасида папа Николай ва Истамбул патриархи Фетий орасида узил—кесил ажралиш рўй берди ва бу ажралиш 1054 йили расман тан олинди. XVI аср бошларида католицизмдан бир неча Европа черковлари ажралиб чиқиши натижасида христианликда протестантлик ҳаракати вужудга келди. Бунинг натижасида лютеранлик баптизм, англиканлик ва калвинизм черковлари шаклланди. Булар бир черковнинг асосий маросимлари жиҳатидан ўзларига ҳос бўлган томонларга эга бўлиши билан бир қаторда бир неча йўналишлар, мазҳаблар ва оқимларга бўлинди. *Православ (ортодокс)* оқими христианликнинг уч асосий йўналишидан бири ўлароқ, тарихан унинг шарқий шаҳобчаси сифатида шаклланди. Бу оқим, асосан, Шарқий Европа, Яқин Шарқ ва Болқон мамлакатларида тарқалган. Православ атамаси юнонча “ортодоксия” сўзидан олинган бўлиб, илк давр христиан ёзувчилари асарларида учрайди. Православиянинг китобий асослари Византияда шаклланди, чунки бу йўналиш у ердаги ҳукмрон дин эди. Муқаддас китоб бўлмиш Инжил ва Муқаддас ўғитлар, I — VIII асрлардаги етти бутхона соборларининг қарорлари, шунингдек, Афанасий Александрийский, Василий Великий, Григорий Богослов, Иоанн Дамаскин, Иоанн Златоуст каби йирик черков ходимларининг асарлари ушбу оқим таълимотининг асоси деб тан олинган.

Шу ўринда талабалар диққатини христианликнинг шарқий тармоғи бўлмиш православиянинг ривожланиши жараёнида 16 мустақил (автокафел) черков: Константинополь, Александрия, Антиохия, Қуддус, Грузин, Серб, Румин, Болгар, Кипр, Эллада, Албан, Поляк, Чехия, Словакия, Рус ва Америка черковлари вужудга келганлигига жалб этиш лозим. Бу черковлардан энг каттаси Рус православ черкови (РПЦ, бошқа расмий номи Москва патриархати)

бўлиб, унга 19 минг черков ва 127 епархия бирлашган.

Православ оқимида сирли расм- русумлар муҳим ўрин эгаллайди. Черков таълимотига кўра, бундай пайтларда Худо томонидан диндорларга алоҳида савоблар нозил бўлади.

Христианликдаги сирли ҳодисалар (таинства). Чўқинтириши сирли ходисасида диндор ўз танасини уч марта сувга ботириши, Худо — Отани, ўғилни ва Муқаддас Рухни чақиритиши билан рухий туғилишни касб этади. *Баданга миро суркаш* ҳам сирли бўлиб, бунда диндорга Муқаддас Рухнинг рухий ҳаётга қайтарувчи ва чиниқтирувчи эҳсонлар улашилади.

Покланишининг сирлилиги. Унда диндор нон ва вино кўринишида ўз баданида Исо қонини абадий ҳаётга тайёрлайди. *Надоматнинг сирлилиги* шундаки, диндор ўз гуноҳларини дин пешвоси олдида тан олади, дин пешвоси эса унинг гуноҳларини Исо номидан кечиради. *Рухонийликнинг сирлилиги* у ёки бу шахсни руҳоний даражасига кўтариш учун епископ кўлини ўша шахс баданига тегизиши (ёки кўйиши) орқали амалга оширилади.

Никоҳнинг сирлилиги. Бунда келин — куёв турмуш куриш, фарзанд кўриш ва уни тарбиялашга оқ фотиҳа оладилар. *Баданни елей билан шиқалаш сирида* Худонинг рухий ва жисмоний заифликларни тузатувчи лутфу марҳаматидан умид қилинади. Православ черкови байрамлар ва диний маросимларга алоҳида аҳамият беради. Пасхадан сўнг православ динининг ўн икки кунлик ўн икки муҳим байрами бошланади.

Христианликнинг йирик йўналишларидан бири католик оқимидир. У Европа, Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларида тарқалган бўлиб, мухлислари тахминан 800 млн. кишини ташкил этади. Католицизм «умумий, дунёвий» деган маъноларни ифодалайди. Унинг манбаи унча катта бўлмаган Рим христиан жамоаси бўлиб, ривоятларга кўра, унинг биринчи епископи апостол Пётр бўлган. Католик диний таълимотининг асосини Муқаддас китоб ва Муқаддас ёзувлар ташкил қилади. Бироқ православ черковидан фарқли ўлароқ католик черкови Муқаддас ёзувлар деб нафақат аввалги етти бутун олам Христиан соборларининг қарорларини, балки ҳозиргача бўлиб ўтган барча соборлар қарорларини, бундан ташқари, Папанинг мактублари ва қарорларини ҳам ҳисоблайди. Католицизмда Библияни шарҳлаш ҳуқуқи фақатгина руҳонийларга берилади, чунки улар уйланмаслик — целибат ҳақидаги диний талабга амал қиладилар. Диний ибодатлар дабдабали ва сохталаштирилган кўринишга эга, диний ўқиш, дуо, илтижолар лотин тилида олиб борилади. Православиядаги каби католицизмда ҳам фаришта, икона, илоҳий куч, чиримайдиган марҳум жасадларига сиғиниш одатлари мавжуддир. Католицизм христианликнинг йўналишларидан бири сифатида унинг асосий ақида ва қоидаларини тан олади, бироқ диний таълимот, сиғиниш ва ташкилий масалаларда бир қатор хусусиятлари билан фарқланади. Католик черкови ташкилоти қатъий марказлашув билан ажралиб туради. Рим папаси бу черковнинг бошлиғи бўлиб, у диний ахлоқ масалаларига оид қонун — қоидаларни белгилайди. Унинг ҳокимияти дунёвий соборлар ҳокимиятидан юқори туради. Католик черковининг марказлашуви, жумладан, диний таълимотини ноанъанавий қилиш ҳуқуқида акс этган догматик тараққиёт

тамойилини келтириб чиқаради. Масалан, православ черкови томонидан тан олинган Диний рамзда таъкидланишича, Муқаддас Рух Ота—Худодан келиб чиқади. Католик ақидасига кўра эса Муқаддас Рух Ота-Худодан ва Ўғил - Худодан келиб чиқади. Черковнинг нажот борасидаги роли ҳақида ҳам ўзига хос алоҳида таълимот шаклланган. Нажотнинг асоси иймон ва хайрли ишлар ҳисобланади. Черков католик таълимотига кўра, хайрли зарурий ишлар хазинасига — Исо томонидан яратилган «хайрли ишлар захирасига» эга. Черков Исо, Биби Марям, Муқаддас Рух номидан бу хазинани тасарруф қилиш, ундан мухтожларга улашиш, яъни гуноҳларни афв этиш, надомат чекувчиларга кечирим тухфа қилиш ҳуқуқига эга. Пул ёки тухфа эвазига авф қилиш ҳуқуқига эга. Пул эвазига ёки черков олдидаги хизматлари учун гуноҳларни кечириб — *индульгенция* ҳақидаги таълимот мана шундан келиб чиққан.

Аъроф ҳақидаги (дўзах ва жаннат оралиғидаги мавзе) ақида фақат католик таълимотида мавжуд. Гуноҳи катта бўлмаган гуноҳкорларнинг руҳи у ерда ўтда қуяди (эхтимол, бу виждон ва надомат азобининг рамзий инъикосидир), кейин жаннатга йўл топади. Рухнинг аърофда бўлиш муддати хайрли ишлар туфайли қисқартирилиши (ибодат ва черков фойдасига хайр — эҳсон қилиш билан) мумкин.

Католик таълимоти православ таълимоти каби етти асрорни тан олади. Бироқ бу асрорларнинг талқин қилинишида қарашлар мос келмайди. Масалан, *причащение* (тамадди) қилиш қаттиқ нон билан (православияда бўктирилган нон билан), дунёвий (миряне)ларга нон ва вино билан, шунингдек, фақат нон билан ҳам амалга оширилади. Католик иерархиясида уч даражадаги Рухонийлар бор: диакон, руҳоний (кюре, патер, кендз), епископ. Епископни папа тайинлайди. Папани кардинал коллегия сайлайди. II Ватикан соборида (1962 — 1965 йиллар) черков ҳаётининг барча жабҳаларини янгилаш, замонавийлаштириш жараёни бошланди. Бу биринчи навбатда ибодат анъаналарига тегишли бўлди. Масалан, ибодатни лотин тилида олиб боришдан воз кечилди. Шундан сўнг талабаларга *Протестантизм* тарихи Мартин Лютердан (1483 — 1546) бошланганлигини қайд этиш лозим. У XVI асрда Европада католикларга қарши қаратилган Реформация ҳаракати билан боғлиқ жуда кўп мустақил черковлар ва секталарни ўз ичига олади. Протестантизм атамаси «протест» (норозилик) сўзидан келиб чиққан. Бундай номни олишига сабаб 1526 йилда Шпейер рейхстаги немис лютерчи князлари талаби билан ҳар бир немис князи ўзи ва фуқароси учун хоҳлаган динни танлаш ҳуқуқига эга эканлиги тўғрисида қарор қабул қилди. Аммо 1529 йилда иккинчи Шпейер рейхстаги бу қарорни бекор қилди. Бунга қарши империянинг барча шаҳарлари ва беш князлик норозилик (протест) эълон қилди. Протестантизмнинг илк шакллари: лютеранчилик, калвинизм, унитаризм, баптизм ва англиканлик эди. Кейинроқ «сўнгги протестантизм» шакллари: баптистлар, методистлар, квакерлар, адвентистлар, Иегова шоҳидлари, мармонлар ёки "Охират авлиёлари", "Нажот армияси", "Христиан фани", пятидесятниклар ва бошқа диний оқимлар пайдо бўлди. Бу оқимларнинг кўпчилиги "диний уйғониш, илк христианлик ва реформация идеалларига қайтиш шиори остида ташкил топди. Ҳозирги вақтда протестантизм дунёнинг барча қитъаларида кенг тарқалган.

Протестантизмнинг жаҳон маркази АКШда, бу ерда баптист, адвентист, Иегова шоҳидлари ва бошқаларнинг қароргоҳлари жойлашган. Ҳозирги протестантизм интеграция (бирлашиш)га интиломда. Протестантизм Худонинг борлиги, унинг уч қиёфада намоён бўлиши, жоннинг ўлмаслиги, жаннат ва дўзах (католицизмдаги аърофдан ташқари) ҳақидаги ваҳий ва бошқалар тўғрисидаги умумхристиан тасаввурларини эътироф этади. Бироқ Лютер католик черкови билан алоқани узиб, протестант черковининг асосий қоидаларини ишлаб чиқди ва уни ҳимоя қилди. Бу низомга кўра инсон Худо билан бевосита мулоқот қилиши мумкин. Папанинг диний ва дунёвий ҳокимият, католик диндорларининг имонни ва виждонни инсон билан Худо ўртасидаги воситачи сифатида назорат қилиши ҳақидаги мулоҳазаларига Лютернинг қарши чиқиши жамоатчилик томонидан фавқулодда диққат билан тингланди. Протестантизмнинг моҳиятига кўра илоҳий лутфу марҳамат инсонларга черковнинг иштирокисиз инъом этилади. Шу ўринда талабаларга лютер таълимоти ҳақида сўзлаб бериш мақсадга мувофиқдир.

Лютернинг таъкидлашича, черковнинг ҳақиқий хазинаси Муқаддас Инжил ва Худонинг марҳаматидир. «Хайрли амаллар хазинаси»нинг мавжудлиги камбағаллар учун эмас, бойлар учун фойдалидир, бу хазиналарга папа марҳамати билан эмас, ўз амаллари билан эришуви мумкин. Бу хил воситалар билан Худонинг меҳрини қозонмоқни Лютер сароб деб атайди. Ҳақиқий христиан Исога эргашиш истаги билан ёнмоғи зарур. Нажот йўли руҳсатнома ёрлиғида эмас, балки чин юракдан надомат чекмоқ ва тавба қилмоқдир. 1517 йил 31 октябрда жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган тезислар шундан иборат. Кейинчалик бу кўп протестантлар байрами бўлиб қолди. *Калвинизмнинг* яратувчиси диний ислоҳотнинг бошқа бир йирик арбоби Жан Калвин (1509—1564) бўлиб чиққан. Унинг 1536 йилда нашр этилган «Христиан динидаги кўрсатмалар» деган бош асари протестантизм таълимоти сифатида шаклланидан кейин янги бир диний йўналиш — калвинизмнинг асоси бўлиб қолди. Дастлабки ислоҳот арбобларидан фарқли ўлароқ Калвин учун диққат маркази Инжил эмас, Таврот бўлиб келади. Калвин абсолют тақдир ҳақидаги таълимотни ишлаб чиқди. Бу таълимотга кўра, барча одамлар худонинг биз учун номаълум бўлган иродасига асосан мағфират қилинганлар ва маҳкум этилганлар тоифасига бўлинади. Инсон ва иймон, ва хайрли ишлар билан тақдирга ёзилганини ўзгартира олмайди, мағфират қилинганлар нажотга маҳкум, мағфиратдан маҳрум бўлганлар эса абадий азобга маҳкум. Тақдир ҳақидаги таълим шундай асосга қурилганки, Исо ҳам бизнинг гуноҳларимиз учун азобу укубатларга гирифтор қилинган эди. Протестант черковининг калвинистик йўналишдаги давомчилари (калвинистлар ёки реформаторлар) Шотландия, Голландия, Шимолий Германия, Франция, Англияда катта обрў ва таъсирга эга эдилар.

Англикан черкови — Англиянинг давлат черковидир. 1534 йилда маҳаллий католик черкови Рим қироли Генрих VIII ни черков бошлиғи деб зълон қилади, яъни черков қирол ҳокимиятига бўйсундирилади. XVI аср ўрталарига келиб ибодатни инглиз тилида олиб бориш жорий этилди. постлар бекор қилинди, бут ва санамлар олиб ташланди, руҳонийлар уйланмаслиги

мажбурий бўлмай қолди. "Муътадил йўл» таълимоти, яъни Рим католицизми ва протестантизм орасидаги ўртача йўл шаклланди. Англикан диний таълимоти «Умумий ибодатлар китоби»да акс эттирилгандир. У черковнинг нажоткорлик кучи ҳақидаги католик ақидалари ҳамда шахсий эътиқод орқали нажотга эришиш ҳақидаги протестант таълимотларини ўзида жамлаган. Англикан черковида католицизмдаги маросимлар шундайлигича қабул қилиниб, ундаги иерархия тузумига ўхшаш тартиб жорий этилган. Талабалар эътиборини протестантизмнинг оқимларидан бири баптизмга торттиш мумкин. Баптизм (юнонча «сўвга чўқтириш» XVII аср бошларида вужудга келган бўлиб, ҳозирги кунда дунёнинг 130 мамлакатида ўз тарафдорларига эга. Протестант таълимотининг энг кўп сонли давомчилари баптистлардир. Бу таълимот тарафдорлари фақат ўспиринларнигина чўқинтиришга олиб борадилар. "Ҳеч ким, жумладан, ота — оналар ҳам киши учун бирор динни танлай олмайдилар. Киши динни онгли равишда ўзи ихтиёр қилмоғи зарур", - деган қоида баптистлар ва забур христианларининг асосий қоидасидир. Уларда ибодат ўта соддалаштирилган бўлиб, диний қўшиқ, ибодат ва мавъизадан иборат. Забур христианлари тўрт русумни сақлаб қолишган: чўқинтириш (ўспиринлар учун), тановул, никоҳ, қўл билан силаб қўйиш. Бу христианлар учун бут эхтиром рамзи эмас. *Адвентистлар* ҳаракати (лот. — “келиш”) Америкада XIX асрнинг 30— йиллари оғир иқтисодий бухрон, умумий ишсизлик даврида вужудга келди. Асосчиси Виллям Миллер (1782 — 1849).

4-савол. Ҳозирги кунда мамлакатимизда бир неча христианлик оқимлари фаолият олиб бораётганлигига, 3—саволни ёритишда, талабалар диққатини христианликнинг ҳам зардуштийлик, буддизм каби Ўрта Осиё халқлари тарихида ўзига хос ўрни бор эканлигига торттиш лозим. Бу дин Ўрта Осиёга, хусусан, Ўзбекистонга икки йўл билан кириб келган: Бунга, бир томондан, христианликка даъват этувчи миссионерларнинг тарғиботчилик фаолияти, иккинчи томондан, Ўрта Осиёнинг Россия томонидан босиб олиниши ва христиан динига эътиқод қилувчи аҳолининг бу ҳудудга кўплаб кўчиб келиши сабаб бўлди. Бу дин миссионерлари Ўрта Осиёнинг турли вилоятларига милоднинг III асрларида кириб келганлар. Масалан, 280 йилда Тароз (Мерке) черковлари қурилиб бўлган. Самарқандда(310 йилдан), Марвда (334 йилдан), Хиротда (430 йилдан). Хоразмда ва Марказий Осиёнинг бошқа шаҳарларида епископлик ва миссиялар туғилган. Кейинчалик Самарқандда, Марвда (430 йиллар), Хиротда (658 йиллар) епископликдан иборат диний-худудий жамоалар, бирлашмалар ташкил бўлган. Хуросонликлар ва суғдиёналиклар зардуштийлар, монавийлар, буддистлар билан бир қаторда христианлар ҳам бўлганлар. Улар Сосонийлар ва қорахитойларга қарашли ерларда яшаганлар. Марказий Осиё ҳудудида исломнинг тарқалиши давларида ислом билан христианлик ўртасидаги зиддиятлар, келишмовчиликлар кескинлаша бошлади. Бироқ X асргача Самарқанд, Хоразм, Тошкент вилоятларида христианларнинг манзилгоҳлари бўлган. Ҳатто Беруний яшаган даврда ҳам (973—1056) Марвда православ митрополияси бўлган. XIX асрнинг 70—йиллари Ўрта Осиё минтақасига православия билан бир қаторда бошқа оқимларнинг тарафдорлари ҳам кириб кела бошладилар. Улар ортидан турли секталарга мансуб диндорлар,

масалан, баптистлар, адвентистлар, католиклар ва бошқалар ҳам пайдо бўлди. 1879 йил 27 мартда Россия императорининг махсус қонуни эълон қилинган, бу жараён янада фаоллашди. Россия армияси томонидан Биринчи жаҳон урушида аср олинган немис, поляк, эстон, швед, литвалик, латиш ва бошқа ғарбий европалик аскарларнинг Туркистон ўлкасига сургун қилиниши улар эътиқод киладиган дин ёки оқимнинг кириб келишига сабаб бўлди. Бу, ўз навбатида, европалик асирлар орасида диний жамоалар тузиш ҳамда черковлар пайдо бўлишига олиб келди. Хорижликларнинг бундай фаолияти асримизнинг тахминан 20—30 —йилларига қадар давом этди. XX аср бошларига келиб Туркистон генерал — губернаторлигида 6,03 миллион мусулмонга 391 минг православ ёки 5340 масжидга 306 черков тўғри келган. Бундан ташқари, эътиқод жиҳатидан 10,1 минг православ оқимиغا мансуб старообрядчилар, 8.2 минг лютеранлар, 7.8 минг католиклар, 26 минг яҳудий динига ва 17,1 мингга яқин бошқа оқимларга мансуб диндорлар бўлганлар.

Православ йўналиши Ўзбекистон ҳудудига Россия орқали кириб келган. 1871 йил 4 майда Россия императори томонидан Тошкентда Туркистон (ҳозирги вақтда Ўрта Осиё ва Тошкент) епархиясини очишга қарор қилинди. 1880 йилларга келиб рус православ черкови (РПЧ) ўзининг янги ибодатхоналари сонини кўпайтиришга ҳаракат қилди. Уларнинг аксарияти Сирдарё ва Фарғона вилоятларида қурилди. (1916 йил 16 декабрда император буйруғи билан Туркистон кафедрал собори Вернийдан (ҳозирги Алмати) Тошкент шаҳрига кўчирилди.) Черковлар сони 1930 йилларга қадар Ўзбекистон ҳудудида Ўрта Осиё минтақасининг бошқа ҳудудларига нисбатан кўп эди. 1920-1940 йилларда Ўрта Осиё ва Қозғистонда христиан динига мансуб турли этник гуруҳлар кўпайиб борди. 1990 йил 20 июлдан Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси епископ сифатида фаолият олиб бормоқда. Унинг тасарруфига Ўзбекистондан ташқари Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистондаги рус православ черковлари қиради. Рус православ черковининг Ўрта Осиё ва Тошкент епархияси Ўзбекистоннинг 11 та ҳудудий тузилмасида ўзининг ибодатхоналари ва марказий бошқарув органи ҳамда диний ўқув юртига эга. Христианликнинг Ўзбекистонда тарқалган оқимларидан бири *католицизм*дир. Айрим маълумотларга кўра, XIX аср охирида Тошкентда 2300 га яқин католиклар бўлган. Ўша вақтда рим католиклари жамоаларига Юстин Пранайтис раҳбарлик қилган. Тошкентда биринчи католик черкови 1912 йилда қурила бошланиб, 1917 йилда битказилган. Ҳозирги кунда бу бино тарихий обида сифатида қайта таъмирланди. Ватикан давлати Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1992 йил 1 февралда тан олиб, шу йилнинг 17 октябрь куни дипломатик алоқалар ўрнатди. 1994 йил 31 октябрь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов Ватикан давлатининг расмий элчиси Мариан Олесдан Иоанн - Павел II нинг ишонч ёрлиғини қабул қилди. Шундан сўнг Ватиканнинг Тошкентдаги элчихонаси расман ўз ишини бошлади. М. Олеснинг қароргоҳи Қозғистоннинг собиқ пойтахти Алматида бўлганлиги сабабли, Тошкентдаги элчихона раҳбарлигини ҳозирги вақтга қадар К. Кукулка бажариб келмоқда.

Мустақил иш учун:

Иисус. Христианликнинг пайдо бўлиши ва тарқалиши. Христианликнинг таълимоти. Христианликдаги йўналишлар. Христианликнинг Шарққа томон тарқалиши. Ҳозирги даврда Ўзбекистонда христиан жамоалари ва уларнинг диний ҳаёти.

Саволлар

1. Христианлик биринчи бўлиб қайси даврда ва қаерда тарқалди?
2. Христианликнинг асосий ақидаси қандай?
3. Христианликнинг қандай асосий оқимларини биласиз?
4. Христианликнинг муқаддас китоби қайси?
5. Исо Масих шахси ҳақида нималарни биласиз?
6. Ҳозирги пайтда христианликнинг асосий марказлари қаерда?
7. Христианликнинг қандай манбаларини биласиз?
8. Библиянинг таркибига қандай китоблар кирган?
9. Православиянинг асосий таълимоти қандай?
10. Католицизмнинг тарқалиши қандай юз берди?
11. Протестантлик оқими қандай ҳолатда вужудга келди?
12. Республикамиз ҳудудида христианликнинг қайси оқимлари тарқалган?

Адабиётлар

1. Инжил. Стокгоlm. Библияни таржима қилиш институти. 1992.
2. Апокрифы древних христиан, исследование, тексты, комментарии. — М., 1989.
3. Артемьев А. И. Свидетели Иеговы Казахстана и Средней Азии Историко— религиоведческий анализ. — Алматы. 2002.
4. Булгаков С.ИИ. Православие. — М., 1991
5. Сергей Е. История папства. — М., 1996.
6. Государственно — церковные отношения в России: Курс лекций. В 2-х частях. — М., 1995.
7. Девятова С.В. Современное христианство и наука. — М., 1994.
8. Закон божий: Вторая книга о православной вере — Волгоград. 1987
9. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. Т., Главная редакция энциклопедий, 1994.
10. Католицизм. Словарь. — М., 1991.
11. К истории христианства в Средней Азии (XIX — XX вв.). - Т., Ўзбекистон, 1998.
12. Никитин А.Б. Христианство в Средней Азии (древность и средневековье) // Восточный Туркестан и Средняя Азия. М., 1984
13. Никольский Н. М. История русской церкви. 3-е изд. - М., 1985.
14. Очерки историографии Библии и раннего христианства – Минск, 1970.
15. Протестантизм. Словарь М., 1990
16. Жахон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

6- мавзу: Ислом

Режа

1. «Жоҳилия» даври динлари.
2. Муҳаммад пайғамбар ҳаёти.
3. Макка ва Мадина даврида ислом.
4. Ислом ва ҳозирги замон.

Таянч сўзлар ва атамалар:

анъаначилик	ханифлар
диний қонун	мухожирлар
зикр	ансорлар
имом	исломофобия
илоҳиётчи	мухтаҳид

Ислом дини дунёда кенг тарқалган монотеистик динлардан биридир. Африка қитъасидаги Мароқаш, Жазоир, Тунис, Ливия, Миср, Сомали мамлакатларининг халқлари, Хабашистон, ғарбий Суданда яшовчиларнинг бир қисми, Осиё қитъасидаги Арабистон ярим ороли, Иордания, Сурия, Ироқ, Эрон, Туркия, Афғонистон, Хитой ҳамда Филиппин аҳолисининг бир қисми, Европа қисмида бўлса, Болкон ярим оролида яшайдиган халқларнинг бир қисми ислом динига этиқод қилади. Аҳолисининг кўпчилиги мутлақ мусулмонлардан иборат 39 мамлакат, ҳатто аҳолисининг ярмини мусулмонлар ташкил этган баъзилари ҳам (Миср, Малайзия) ўзларини мусулмон мамлакатлари деб атайдилар, яъни уларнинг баъзиларида (Мавритания, Эрон, Покистон, Камар ороллари) мамлакатларнинг номига ислом сўзи қўшиб айтилади. Расмий статистика бўйича, бир неча мамлакатларда аҳолининг деярли барчаси мусулмонлардан иборат 28 мамлакатда ислом расман давлат дини сифатида тан олинган.

Шунингдек, ислом Марказий Осиё, Кавказ орти ва Шимолий Кавказ, Волга бўйи, Ғарбий Сибирь ва бошқа худудларда яшовчи аҳоли орасида тарқалган. Ҳозирда исломга этиқод қилувчиларнинг сони ошиб бормоқда. Айниқса, этиқод ҳақидаги янги қонуннинг қабул қилиниши, вақтли матбуот саҳифаларида, радио эшиттиришлар ва ойнаи жаҳон кўрсатувларида дин мавзуидаги чиқишларнинг кўпайиши, махсус газета ва журналларнинг кенг тарқалганлиги исломга бўлган эътиборни ошириб юборди.

Биринчи саволни ёритишда талабалар эътиборини қуйидагиларга қаратиш зарур. Ислом жаҳондаги айниқса Осиё ва Африка қитъаси маданиятининг умумий қиёфасида муҳим из қолдирди. Бунга, энг аввало, бу худудларда араб тили ва араб ёзувининг кенг тарқалганлиги, ислом мафқураси заминида ишлаб чиқилган муайян турмуш тарзининг ҳукмронлиги мусулмонлар ижтимоий ҳаётининг турли соҳалари шариат томонидан идора этилганлигига имкон берди. Шунга қарамай, маҳаллий маданий анъаналар

йўқолмай, янги ислом йўналишида ривожланган ва у кўпинча қадимий мусулмон анъаналари сифатида қабул қилинган. Мусулмонлар маданий мероси миллий озодлик ҳаракати ва ривожланаётган мамлакатларнинг мустақиллик учун кураши жараёнида асосий масалалардан бирига айланди ва ижобий аҳамият касб этди.

Ислоннинг пайдо бўлишини таҳлил этиш даврининг хусусиятлари араб қабилалари ўртасида ҳукмрон бўлган ижтимоий- иқтисодий муносабатларнинг ва уларнинг диний –ғоявий ҳаёти билан қисқача танишиб чиқишни тақозо этади. Арабистон ярим ороли ноқулай иқлим шароитига эга бўлган қум саҳроларидан ва тоғлардан иборат бўлиб, унинг аҳолиси V-VI асрларда кўчманчи чорвачилик билан шуғулланар эди.

Ярим оролнинг чексиз саҳроларида яшовчи кўчманчи чорвачилик билан шуғулланувчи араб қабилалари бундан ҳам оғир шароитда яшар эдилар. Улар тараққиёт жиҳатдан анча орқада қолган, ҳали уруғчилик, қабилачилик тузумида эдилар. Ярим оролнинг ғарбий қисмида Қизил денгиз қирғоқлари бўйлаб чўзилган ва қадимдан Ҳижоз деб номланган жойлар бу даврларда бирмунча иқтисодий жиҳатдан ривожланган бўлиб, асосан жанубдан шимолга ўтган қадимий карвон йўли билан боғлиқ эди. Тарихий манбалардаги маълумотларга қараганда VI асрда Ямандан шимолга- Сурия, Миср ва Фаластинга олиб борадиган карвон йўли фақат бу давлатларнинг ўзларига эмас, балки жанубда Яман орқали Ҳабашистон ва Ҳиндистон, шимолда Сурия орқали Миср, Византия ва Эронни ҳам бир-бири билан боғловчи савдо йўли эди. Ҳижоздаги айрим аҳоли яшайдиган манзиллар, йўл устида жойлашган Макка, Мадина, Тойиф шаҳарлари VI асрда анча ривожланган. Булар, шунингдек, кўчманчи араб қабилаларининг савдо муносабатларига жалб этувчи марказлар сифатида ҳам хизмат қилар эдилар.

Макка диний марказ ва савдо маркази сифатида араб қабилалари орасида эътиборлиси эди. Макка марказида жойлашган Каъба исломда энг “муқаддас” ҳисобланган ва “Оллоҳнинг уйи” (Байтуллоҳ) саждагоҳ ҳисобланган. Ундаги қоратош (Ҳажар ал-асвад) ва уч юз олтмиш санам араб қабилалари учун эътиқод манбаига айланган. Зиёратга келиш ойлари муқаддас ҳисобланиб, бу вақтлар ичида қабилаларда уруш ва жанжаллар тўхтатилар эди.

Макка савдо маркази сифатида катта аҳамиятга эга бўлиб, атрофдаги қабилаларга бошқаларга нисбатан кучлироқ таъсир кўрсатар эди. Маккада Указ номли катта бозор жойлашган эди. Араб қабилалари ўртасида Макканинг диний марказ сифатида роли ҳам анча ошган эди. Маккада Каъбатуллоҳ ибодатхонаси турли араб қабилаларининг 360 худосининг санам, яъни бутчалари мавжуд бўлгани туфайли, бу шаҳар ўз атрофида яшовчи кўп қабилалар учун эътиқод маркази-зиёратгоҳга айланган эди. Арабларда ҳам тижорат, ҳам зиёрат деб бежиз айтмаганлар.

V-VII асрларда Маккада арабларнинг қурайш қабиласи ҳукмрон бўлиб, буларнинг юқори табақалари савдо-сотик авж олиши натижасида анча бойиб кетган; пул муомаласи, судхўрлик ривожланган, шунингдек, қул савдоси ва қулларнинг меҳнатидан фойдаланиш ҳам анча кенгайган.

Шарқшунос олимларнинг тадқиқотлари шундан далолат берадики, қадимий Яманни истисно қилганда, Арабистон ярим оролида яшовчи қабилалар учун V-VI асрларни иқтисодий уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган ва қулдорлик муносабатлари вужудга кела бошлаган давр деб тавсифлаш мумкин ва лозим. Ўша даврда кучли империялар бўлган Византия ва Эрон ўртасида Яманни қўлга киритиш ва қарвон йўлларида ўз ҳукмронлигини ўрнатиш учун кураш давом этган.

Яман сосонийлар ҳукмронлигига ўтган даврларда (572-628 йиллар) Эрон кўрфази орқали Ҳиндистонга борадиган йўл тез ривожлана бошлаган ва шу муносабат билан Ҳижоз орқали ўтган қарвон йўли инқирозга учраган. Бу ҳол фақат Ҳижоз шаҳарларигагина эмас, балки барча араб қабилалари ҳаётига ҳам жиддий таъсир кўрсатган ва Арабистонда ижтимоий-иқтисодий инқирознинг бошланишига сабаб бўлган.

Савдодан келадиган даромад камайиб кетиши натижасида қурайш зодагонлари ўртасида судхўрлик авжга чиққан; қуллар, камбағалларни эзиш кучайган Макка ва Ҳижознинг бошқа шаҳарларида мазлумлар билан золимлар орасидаги қарама-қаршиликлар кескинлашган. Бир томондан, қул эгалари билан қуллар ўртасида, иккинчи томондан, қабила зодагонлари билан оддий меҳнаткашлар ўртасида синфий қарама-қаршиликлар кучайган. Қабилаларнинг юқори табақалари, айниқса, Макка зодагонлари қўшни мамлакатларни босиб олиб катта бойлик, ўлжани қўлга киритиш ва шу орқали ҳокимиятни мустаҳкамлаш, иқтисодий инқироздан қутулиш ҳақида тез-тез ўйлай бошлаганлар.

Аммо тарқоқлик ва келишмовчиликларга барҳам бериш, барча араб қабилаларини, уларнинг иқтисодий ва ҳарбий имкониятларини ягона давлатга бирлаштириш зарур эди.

Араб халқи ҳаётида VI аср охири VII аср бошларида юз берган жиддий тарихий воқеалар араб қабилаларини ижтимоий ҳаёт тақозоси билан вужудга келган марказлашишга интилишга ундаган. Ислом айна шу интилишни ўзида акс эттирган ғоя, мафкура сифатида юзага келган, марказлашган араб давлатининг вужудга келиши, қўшни мамлакатларнинг босиб олиниши, араб халифалигининг кенгайиши жараёнида кучли ғоявий қурол сифатида хизмат қилган.

Марказий ва Шарқий Арабистон ярим ороли саҳроларида яшаган араб бадавийлари ўртасида ибтидоий тузумга хос бўлган политеистик маъжусийлик диний тасаввурлари ҳукмрон эди.

V-VI асрларда бу қабилаларнинг диний эътиқодлари тотемизм, фетишизм ва анимизм каби диний тасаввурларнинг қоришиғидан иборат эди. Кўп қабилалар алоҳида тошларга эътиқод қилар, инсонга ёрдам берадиган эзгу руҳлар, ёвуз жинлар ва айёр шайтонлар тўғрисидаги тасаввурлар кенг тарқалган эди.

Ҳар бир қабила ўз худосининг санамига сиғинар, топинар эди. Бу ҳол диншуносликда кўп худоиликнинг арабларга хос кўриниши деб тавсифланган. Қуръонда бундай эътиқод ширк деб ном олган. Бундан ташқари, араб қабилалари ўртасида Қуёш ва Ойга топиниш ҳам мавжуд эди.

V-VI асрларда араб қабилалари уруғ-қабилачилик тузуми емирила бошлаган, ибтидоий диний тасаввурлар таназзулга юз тутган эди. Қабилалар ўртасида марказлашишга бўлган интилишнинг ғоявий инъикоси сифатида якка худоликка хос диний ақидаларнинг куртаклари шакллана бошлаган. Якка худоликка тўғрисидаги бундай диний таълимот исломдагина эмас, балки у пайдо бўлмасдан бирмунча вақт илгари Арабистоннинг айрим жойларида тарғиб қилина бошлаган эди. Ислом эса ана шу тарғиботларнинг галдаги шаклланиши ва таркиб топишининг натижаси сифатида вужудга келган.

Исломдан илгари араб қабилалари орасида якка худоликка тўғрисида тарғибот юритган, ўзини пайғамбар деб эълон қилган шахслар тарихий манбаларда “ханифлар”, яъни ҳақ-ҳақиқат изловчилар номи билан маълумдир. Исломнинг пайдо бўлиши араб қабилалари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муайян босқичи билан боғлиқ бўлган.

Ҳижозда “ханифлар” деб аталган ягона худога эътиқоднинг бир неча тарафдорлари Муҳаммад(с.а.в.) пайғамбаргача ҳам бўлган ва улар христиан ёки яҳудий бўлмаганлари ҳолда якка худога ва охират кунига ишонганлар. Улардан Мусайлима, Сажжох, Тулайх, Асвод қабиларнинг номлари ривоятларда сақланиб қолган.

2-масала. Ислом динида пайғамбар ҳисобланган Муҳаммад (с.а.в.) 570 йилда Маккада қурайш қабиласининг Хошимийлар авлодидан бўлган Абдуллоҳ ва Омина хонадонига туғилади. Муҳаммад (с.а.в.) ёшлигида етим қолган, аввал бобоси Абу Муталлиб, сўнг амакиси Абу Толиб кўлида тарбияланади. Балоғатга етгач, савдогарлар кўлида хизмат қилиб, 24 ёшида бева бой аёл-Хадичага уйлангач, унинг маблағлари билан мустақил савдогарлик қила бошлаб, жуда кўп давлатларга борган. Муҳаммад (с.а.в.) 610 йилда қирққа кирганда Маккада якка худога эътиқод қилиш тўғрисида тарғибот юргизган.

У тарғибот бошлаган дастлабки йилларда нисбатан жуда оз киши (Хадича, Абу Бакр, Талха, Зубайр, Усмон ва қариндошлари, айрим савдогарлар) бу тарғибот изидан борганлар. Шунинг билан бирга ўша даврдаёқ қурайшларнинг уммавийлар хонадонига мансуб бўлган ва Маккада сиёсий ҳокимият тепасида бадавлат зодагонлар тарғиботига жиддий қаршилиқ кўрсата бошлаган. Мамлакатда аҳвол жиддийлашганини кўриб Муҳаммад (с.а.в.) Мадинадаги Аус ва Ҳазраж номли қабилаларнинг вакиллари билан Мадинага кўчиб кетган.

622 йили юз беган бу кўчиш (арабча “ҳижра”) дан мусулмонларнинг ҳижрий йил ҳисоби бошланади. Маккадан кўчиб борганлар ислом тарихида “муҳожирлар” (кўчиб келганлар), мадиналик қабилалардан исломни қабул қилганлар эса “ансорлар” (“ёрдамчилар”) деб ном олган.

Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага келгач, ўз мавқеини мустаҳкамлашга ҳаракат қилади ва исломни тарғиб қилишни давом эттиради.

Нихоят маккаликлар ва мадиналиклар ўртасида бир неча жанглар бўлган. Улардан бири Бадр қудуғи ёнида II ҳижрий йилнинг рамазон ойида (17 ёки 19 кун) бўлади. Иккинчи жанг 625 йил июль-август ойларида ва 626 йили “Хандоқ жанги” номини олган учинчи тўқнашув ҳам бўлиб ўтди. Ушбу

жангларида Муҳаммад (с.а.в.) ғалаба қозонгандан кейин Мадинада ўз макқеини мустаҳкамлаб бу ерда фаол сиёсат олиб боради.

628 йили мусулмонлар жамоаси учун муҳим бўлган воқеа юз берди. Муҳаммад (с.а.в.) Каъбани муқаддас деб эътироф этишни намоиш қилиш мақсадида 1500 га яқин мусулмонлар билан барча қабилалар ҳажга борадиган мавсумда Маккага жўнайди. Бундан хавотирланган уммавийлар раҳбарлари Абу Суфён билан бирга Маккада 30 километрча нарида бўлган Худайбия водийсида уни тўхтатадилар. Музокаралар бошланиб, ўртада шартнома-“худайбия сулҳи” тузилади, қасам ичилади, қасам “байҳа” деб аталади. Битимларга мувофиқ маккаликлар мадиналикларга келаси йилдан бошлаб ҳажга келишга ижозат беришади.

630 йили Мадина қўшинлари Маккани қаршиликсиз эгаллайдилар. Уммавийлар билан рақобат тугаб, улар пайғамбар яқин ёрдамчиларига айланадилар. Ислом Арабистон ярим оролининг асосий ҳукмрон динига айланади. Шундай қилиб, Муҳаммад (с.а.в.) ислом байроғи остида араб қабилаларини бирлаштириб ягона марказлашган мамлакатни ташкил этди.

Муҳаммад (с.а.в.) 632 йили июнь ойида 62 ёшида Мадинада вафот этади. Бу даврларга келиб анчагина мустаҳкамланган мусулмонлар давлати вужудга келган ва бу давлат Ямандан Сино ярим оролигача, Қизил денгиз соҳилларидан марказий кум саҳроларигача чўзилган катта ҳудудни ўз ичига олади. Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан кейин ҳалифалар (ёрдамчилар) давлатни бошқарадилар ва шу муносабат билан мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихига “араб ҳалифалиги” деб ном беради. Муҳаммад (с.а.в.) вафот этгандан кейинги биринчи кунлардаёқ мусулмонлар жамоаси йўлбошчилари ҳокимият учун кураш бошлайдилар. Бу курашда мухожирлар гуруҳи ғолиб чиқади ва Муҳаммаднинг қайнотаси, Ойшанинг отаси Абу Бакр халифа деб эълон қилинади. Абу Бакр ҳукмронлигининг (632— 634) дастлабки йилларида бир қатор араб қабилалари ўртасида Мадина ҳукмронлигига қарши ўз мустақиллиги учун ҳаракат бошланади. Бу воқеалар диний манбаларда «ар— ридда» деб ном олган. Ислом тарихида Мадина ҳукмронлигига қарши бош кўтарган қабилалар ҳаракати «исломдан чиқиш», «диндан қайтиш» деб таърифланган. Диндан қайтган кишилар қаттиқ таъқиб килинган. Умар (634-664) замонида истилолар яна кучайди. 634 йили Басра, 633 йили Дамашқ, 640 йили Қуддус ва Фаластин, Сурия ерлари тўла равишда ҳалифалик қўлига ўтади.

Бунинг натижасида Амударё соҳилларида Шимолий Африкагача, Тбилиси ва Дарбанддан Яман ва Усмонгача чўзилган янги империя вужудга келади. Қисқа вақт ичида араб қўшинларининг бундай енгил ғалаба қозонишининг сабаби нимада деган савол туғилиши табиий. Араб қўшинларини яхши ташкил қилинган ёки юқори ҳарбий техникага эга бўлган деб айтиш тўғри бўлмайди, чунки бу қўшинлар бадавийлар ва бошқа ҳар хил қабилалардан тузилган бўлиб, ўз замонида маълум бўлган ҳарбий санъат ва техника даражасидан ҳам анча орқада турар эди. Осонлик билан эришган ғалабаларнинг асосий сабаби бу даврда араб қўшинларига жиддий қаршилик кўрсатадиган кучнинг йўқлиги эди.

Муҳаммад вафотидан кейин ўринбосарлари-ҳалифалар давлатни бошқара

бошлаганлар. Шу муносабат билон мусулмонлар давлати ўзининг бундан кейинги тарихида «Араб халифалиги» деб ном олган. Муҳаммад вафот этган биринчи кунларданок мусулмонлар жамоасининг йўлбошчилари ўртасида ҳокимият учун кураш ва ўзаро ихтилофлар бошланган. Бу курашда муҳожирлар гуруҳи ғолиб чиққан ва Муҳаммаднинг илк сафдошларидан бири Абу Бакр халифа деб эълон қилинган.

Абу Бакр (р.а.) ҳукмронлигининг дастлабки йиллариданок араб қабилалари ўртасидаги келишмовчиликни тартибга солиш учун ҳаракат бошлаган. Бундан ташқари, айрим жойларда ўзини пайғамбар деб эълон қилган маҳаллий тарғиботчилар раҳбарлиги остида исломга қарши диний — ғоявий мустақиллик учун кураш бошланган. Византиянинг кучсиз кўшинлари жиддий қаршилик кўрсатишга ожизлик қилганлар. Халифа Умар замонида истилолар янада кучайган; 634 йили араб кўшинлари Сосонийлар пойтахти Ктесифонга бостириб кирганлар. 639 йилда Мисрга қарши ҳужум бошланган, шимолий ва шимолий — шарқий томонга юриш бошлаган араб кўшинлари 640 йилда Арманистон қирғоқларини Тунисгача босиб олганлар.

Улардан кейинги халифалар—Усмон (644 — 656) ва Али (656 — 661) замонларида ҳам истилолар давом этган. Кавказ ва Марказий Осиё томонига нисбатан ҳарбий юришлар кучайган. Қисқа вақт ичида Грузия, Озарбайжон, Эроннинг шимолий қисми, Хуросон, Марв ерлари араблар қўл остига ўтган ва халифалик кўшинлари Амударё соҳилларига чиққан. Шундай қилиб, 30 йилдан озроқ муддат ичида араб халифалиги юқорида эслатилган юртларни, ўша замондаги энг катта империя бўлган Византияга қарашли катта территорияни босиб олган.

4 саволни ёритишда қуйидагиларга эътиборни қаратиш лозим.

Биринчидан, ҳар қандай дин ўз эътиқод қилувчилари учун тўлдирувчи, овутувчи (компенсаторлик) вазифасини бажаради. Масалан, инсонда доимий эҳтиёж ҳосил бўлиши ҳодисасини олайлик. Инсон ўз ҳаёти, турмуш тарзи, табиат ва жамият билан бўлган муносабатлари жараёнида ҳаётий мақсадларига эришиши иложсиз бўлиб кўринганида, унда қандайдир маънавий-руҳий эҳтиёжга зарурият сезган. Ана шундай эҳтиёж диний эҳтиёж эди. Дин бу ўринда маънавий-руҳий эҳтиёжни қондирувчи, тасалли берувчилик вазифасини бажарган ва ҳали ҳам бажармоқда.

Масалан, исломни оладиган бўлсак, кунига 5 маҳал намоз ўқиш, ҳар жума кун жума намозининг жоме масжидларида адо этилиши, рамазон ойида бир ой рўза тутилиши, Рўза ва Қурбон ҳайитларининг нишонланиши мусулмонларнинг ҳаёт тарзини тартибга солиб туради. Бу маросимлар ёрдамида ислом дини мусулмонларни, улар дунёнинг қайси бурчагида бўлмасинлар, деярли бир хил тарзда ҳаёт кечиришларини таъминлайди.

Исломшуослик диншуосликнинг бир қисми бўлиб, у ҳам шу фан билан бир қаторда Ғарб тадқиқотчиларининг ишлари асосида шаклланади. Улардан И.Гольдциернинг (1850-1921) “Муҳаммадий тадқиқотлар” («Muhammedanisch studien»), А.Гиллаум (1888-1965) “Исломда ҳадис” (“The tradition of Islam”) каби ишларини зикр этиш мумкин.

Германиянинг энг қадимий университети Ҳайдарбергда 1585 йили араб

ва исломшунослик факультетларига асос солинган эди. Бу факультетлар мусулмон кўлёмаларини бутун дунёга таништиришга хисса кўшди. Ҳозирда Германиянинг деярли барча университетлари “Исломшунослик” факультетига эгадир”.

Илмий адабиётлардаги мавжуд маълумотларга кўра, “исломофобия” (islamophobia) атамаси 1997 йилда британиялик тадқиқотчи Руннмед Траст (Runnymed Trust) НННг «Исломофобия-барча учун чақирик» деб номлаган маърузаси нашр этилгандан сўнг кенг қўллана бошлаган. Бошқа манбаларда «исломофобия» атамаси Францияда яшовчи эронлик мусулмон фаоллари томонидан муомалага киритилгани қайд этилади.

Исломофобия билан боғлиқ муаммоларни тадқиқ этиш лойиҳасига раҳбарлик қилан Сассекс унверситети профессори Гордон Конвей (Gordon Conwey) фикрича, исломофобия исломни қолоқ цивилизация, мусулмон маданиятини қотиб қолган ва ўзгармас деб билишга, ўзгача фикрлар ва мунозарага душманлик кўзи билан қарайдиган, аёлларни камситадиган, ақидапараст ва бошқа маданиятларга хавф-хатар туғдириш салоҳиятига эга маданият сифатида баҳолашга асосланган. Бу фикрни британиялик тадқиқотчи Руннмед Траст қисқача қилиб “Ислом шерик эмас, душман” деган ғояда ифодалаб берган эди.

Умуман олганда, исломофобия ислом динини танқид қилиш, унга бўлган нафрат, ёқтирмаслик руҳидаги қарашлар ва мусулмонларга нисбатан камситиш, тазйиқ ўтказишга асосланган ҳаракатларни ифодалайди.

2001 йил 11 сентябрь теракти бундай аксилисломий қарашларнинг янги талқинини келтириб чиқаради ва юқорида айтилган “аксиома”ни тасдиқлайди десак бўлади.

Мутахассислар Ер юзининг турли нуқталарида диний экстремистик ташкилотлар томонидан кўпурувчилик ҳаракатлари давом эттирилаётган бир пайтда исломофобия бундан кейин ҳам ўсиш ҳавфи борлигини қайд қилмоқдалар. Бундай ҳавф мавжудлигини қуйидаги рақамларда кўриш мумкин. “Евробарометр” маълумотларига кўра, швецияликларнинг 18, италияликларнинг 30, нидерландияликларнинг 31, британияликларнинг 32, французларнинг 48 фоизининг бошқа дин ва маданият вакилларини бутунлай ёқтирмасликларини таъкидлайдилар.

Мустақил иш учун:

Ислом дини пайдо бўлган ижтимоий-тарихий ва ғоявий муҳит. Муҳаммад Ибн Абдуллоҳ-ислом дини даъватчиси ва ва давлат арбоби.

Исломнинг турмуш тарзи ва маданиятдаги ўрни.

Саволлар:

1. Ислом қачон ва қандай шароитда шаклланди?
2. Янги дин даъвати қачон бошланган?
3. Макка ва Мадина тарихи ҳақида нима биласиз?
4. Исломда қандай йўналиш, мазҳаб ва оқимлар бор?
5. Ислом модернизми, традиционализми ва фундаментализми нима?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.
3. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
4. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислом тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.
5. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик . Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
6. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007
7. Ислом ва ҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 207 б.
8. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. – М., 1989-1998.
9. Борисов. А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – М., 1991.
10. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
11. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
12. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. – М., 1998. – С. 47-58.
13. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
14. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. / Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.; расмлар муаллифлари: Ф.Қурбонбоев ва бошқ. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 240 б.
15. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
16. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.:
17. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003.
18. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.

7-мавзу: Ислоннинг асосий манбалари.

Режа

1. “Қуръон”нинг нозил бўлиши ва китоб ҳолида жамланиши.
2. Тошкентдаги Усмон мусхафи тарихи.
3. Ҳадис илми ва буюк муҳаддислар.

Таянч сўзлар ва атамалар:

вахий	жуз
Жаброил	мусхаф
лайлатул қадр	мустахаб
оят	ҳадис
сура	муҳаддис

1-масаланинг бошида ўқитувчи диний манба тушунчаси мазмун-моҳиятига эътибор қаратади. Жаҳон халқларининг тарихий тараққиётида вужудга келган ва асрлар оша авлоддан-авлодга ўтиб, уларнинг эътиқодига айланган ҳар бир йирик диннинг муқаддас ёзувлари Аллоҳ томонидан инъом этилган деб қаралади. Ана шу муқаддас китоблар динларнинг манбалари ҳисобланади.

“Қуръон” исломнинг муқаддас китоби сифатида Аллоҳнинг мўъжизали китоби бўлиб, ер юзи мусулмонларининг дастуриламали, диний аҳкомлар манбаидир. “Қуръон” Муҳаммад пайғамбарга ваҳий орқали тушган тоат-ибодат ҳисобланувчи муқаддас китоб ҳисобланади. Ўқитувчи ана шундай Муқаддас китобларни Аллоҳ ўтган пайғамбарларга ҳам ўз вақтида нозил қилганлиги ҳақидаги фикрларни баён этади. Масалан, яҳудийлик пайғамбари Мусо пайғамбарга Таврот, Довудга Забур, христианлар худоси Исо пайғамбарга Инжил, энг сўнгги пайғамбар ҳисобланган Муҳаммад алайҳиссаломга “Қуръони Карим” нозил бўлган. Яна ўқитувчи шунга талабалар эътиборини қаратиши лозимки, Қуръондан бошқа илоҳий ёзувлар бир йўла тушган деб ҳисобланса, “Қуръони Карим”ни 23 йил мобайнида Аллоҳ фаришта Жаброил орқали Муҳаммад пайғамбарга ваҳий қилиб юборган, сўнгра улар тўпланиб халифа Усмон ҳукмронлиги даврида мусхаф қилинган деб ҳисобланади.

Шундай қилиб, ислом дини шаклланган даврдан бошлаб “Қуръони Карим” ислом динининг асосий манбаси бўлиб келаётир. Ислон манбаларидан яна бири суннадир. Сунна исломда “Қуръон”дан кейинги, уни тўлдирувчи, ислом илоҳияти ва шариатнинг иккинчи асоси сифатида эътироф этилган.

Ислон тарихига кўра “Қуръон”нинг сура ва оятлари Муҳаммад пайғамбарга парча — парча тарзида ваҳий қилиб юборилган: бу ваҳийнинг биринчи баёни «Лайлатул қадр» кечаси бошланиб, уларнинг вафотларигача, яъни 23 йил давом этган. Ислон дини, нури иймон ва ҳидоятнинг бошланиши бўлган ана шу тун диний анъана бўйича ҳижрадан олдин 12 йил олдин рамазон ойининг 27 — кунига ўтар кечаси милодий ҳисоб билан 610 йилнинг 31

июлидан 1 августига ўтар кечаси деб ҳисобланади. “Қуръон”ни ваҳий қилишнинг бошланиши 97-«Ал-Қадр» сурасида ифодаланган. «Албатга биз у (“Қуръон”)ни қадр кечасида нозил қилдик. (Эй Муҳаммад) Қадр кечаси нима эканлиги сизга не ҳам англатур?! Қадр кечаси минг ойдан яхшироқдир» (97.1-3)¹

Диний маълумотларда Муҳаммад пайғамбарга ваҳий кела бошлагандан сўнг, уларнинг қалбларига мустаҳкамланиб қолгани, Аллоҳ уларга тарғибот бошлашга даъват қилганлари тўғрисида. “Қуръон”да бор. “Қуръон”нинг 73 — «Ал-Муззаммил» («Ўралиб») ва 74 «Ал—Муддасир» («Бурканган») номли сураларидаги дастлабки оятларида ифодасини топган. Музаммал — ўралиб олган, яъни бирон нарсдан кўрққан киши араблар одати буйича кийим ёки тўшакларига ўралиб олишга ҳаракат қилар экан. Пайғамбаримиз (а.с.) ҳам мушрикларнинг берган оятларидан ҳафа бўлиб ётганларида, шу суранинг оятлари нозил бўлган дейилади. Унда Расул (а.с.)га Аллоҳ таоло тунги ибодат коидаларидан таълим беради. Тунги фақат уйку билан ҳам эмас, ёки фақат ибодат билан ҳам эмас, балки ҳар иккисига ҳам маълум вақт ажратиш тўғрисида кўрсатма берилади.²

Ўқитувчи “Қуръон”нинг сура ва оятларининг нозил бўлиши тарихининг баёнида «Диншунослик» (2004), «Динлар тарихи», «Жаҳон динлари тарихи» ва бошқа китоблардан фойдаланиб, бу ҳақда асосли тушунча беради.

Ислом манбаларида ривоят қилинишича, Муҳаммад пайғамбар 40 ёшга етганларида, яъни 610 йили Макка шаҳри яқинидаги Ҳиро номли ғорда ёлғиз қолиб, ибодат билан машғул пайтларида, фаришта Жаброил (а.с.) уларга биринчи бор “Қуръон” оятларини келтирганлар. Одатда Жаброил (а.с.) пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га оятларни ўқиб берар, улар ёдлаб олиб, ўз издошларига етказар эдилар. Улар ҳам ўз навбатида шундай қилар эдилар. Ўша даврларда мутлақо кўпчилик, шу жумладан, Муҳаммад пайғамбар ҳам ўқиш, ёзишни билмаганликлари учун ёдлаб олиш у даврнинг бирдан бир усули бўлган. Бу ваҳий милодий йил ҳисобида 22 йил, хижрийда эса 23 йил давом этган. Оятларда одамларнинг саволларига жавоб бериб, уларни тўғри йўлга етаклаган, юз берган ходисаларни талқин қилиб берилган. Бирон ҳукмнинг тўғри ёки нотўғри экани баён қилина берган. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафот этганларида, уларнинг сафдошлари “Қуръон”ни ёд билганлар. Ўша пайтда оз сонли кишиларгина ўқиш — ёзишни билганлар. Саводли мусулмонлар ёзиш имкони бўлган нарсаларга “Қуръон” оятларини аниқлик билан ёзиб борганлар.

“Қуръон” матнларининг тўпланиши, таҳрир қилиниши ва муқаддас ёзув сифатида эътироф этилиши Муҳаммад пайғамбар вафотларидан кейин 20- 25 йил давомида чориёрлар дастлабки даврида амалга оширилган.

Ўқитувчи “Қуръон”нинг ички тузилиши масаласига талабалар эътиборини жалб қилади. “Қуръон”да 114 та сура 6226 та оят борлигини айтади ва уни китоб шаклига келгиришда кўлланган усулни баён этади.

Суралар “Қуръон”да ўз мазмуний изчиллигига ёки ўқилган вақтига қараб жойлаштирилган. Сураларнинг хажми ҳам ҳар хил: энг катта хажмга эга бўлган 2-сурада 286 оят бор, энг кичик суралар фақат 3 оятдангина иборат.

Узун суралар китобнинг бошидан, қисқа суралар унинг охиридан ўрин олиши, тадқиқотларда аниқланишича, қадимий арабларнинг ва умуман Олд Осиёдаги сомиий халқларининг анъанаси билан боғлиқ бўлган. Хилма - хил ёзувлар, ривоятлар ёки адабий асарлар тўпланиб китоб қилинганда, катта ҳажмдаги асарлар биринчи ўринда, кичиклари кейин жойлаштирилар экан. Зайд Ибн Собит ҳам суҳуфни тўплаб дастхат қилишда ана шу анъанага амал қилган бўлиши керак.

“Қуръон” илк ислом ғояларини ўзида акс эттирган ягона ёзув бўлгани сабабли, фақат ислом тарихи билан шуғулланган олимларгина эмас, балки ислом тарқалган халқлар адабиёти ва маданияти билан шуғулланганларнинг барчаси ҳам бу китобни таҳлил қилишга катта эътибор берганликлари табиий бир ҳолдир.

Аммо, юқорида айтиб ўтилганидек, унинг суралари мавзулари асосида ёки тарихий —хронологик тартибда жойлашмаганлиги сабабли, бу китоб ғоят мураккаб ҳисобланади. Шунинг учун XIX аср ўрталаридан бошлаб манбаларда учрайдиган тарихий воқеалар ва шахсларнинг фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ишораларга, шунингдек, ишлатилган ибораларга қараб сураларнинг ёки айрим гуруҳ оятларнинг вужудга келган даврини аниқлаш, қисқаси, сураларнинг тарихий-хронологик тартибини аниқлаш билан кўп олимлар шуғуланганлар.

Немис олимларидан Нольдеке ва Гримме, рус олимларидан И.Ю.Крачковскийларнинг бу соҳадаги хизматларини алоҳида тилга олиб ўтиш керак. Улар олиб борган текширишлар натижасида суралар хронологияси фақат умумий тарздагина аниқланган.

Нольдеке (1836—1930) ўз хронологиясида барча сураларни умуман 4 асосий даврга бўлган: бунда 3 та Макка даврига, битта Мадина даврига ажратилган. Гримме (1864 — 1942) эса Мадина даврига оид сураларнинг ўзини тўрт даврга ажратган. Лекин бу хронологияларнинг айрим жиҳатлари шартли бўлиб, қатор суралар ва гуруҳ оятларнинг ўқилган даври ва уларнинг қандай ҳодисалар билан боғлиқ эканлиги устида олимлар ўртасида ҳали ҳам умумий фикрга келинмаган. Айрим жиддий ноаниқликлар ҳам бор. Масалан, кўпчилик олимлар маъқуллаган Нольдеке хронологиясида 618-622 йиллар, яъни Макка даври билан Муҳаммад пайғамбарнинг Мадинага кўчишлари ўтган 4 йиллик даврга бирорта ҳам сура киритилмаган. Аслида эса илк ислом манбаларида бу даврдаги айрим ҳодисалар билан боғлиқ бўлган сураларнинг даврлари ва йиллари кўрсатилган.

Қисқаси, Нольдеке ва Гримменинг XIX аср охирларида илгари сурган хронологияси энди ислом манбаларини кейинги бир аср ичида ўрганиш натижасида аниқланган фактлар ва қилинган илмий хулосалар талабига жавоб бермай қолди. Лекин, афсуски, Европада ҳам, рус исломшунослигида ҳам суралар хронологияси бобида тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Исломшунослик ва қуръоншуносликнинг охирги хулосалари асосида, бизнингча, сураларнинг хронологик тартибини қуйидагича бироз такомиллашган шаклда тасаввур қилиш мумкин:

1)Макка даври (610 йилдан 615 йил охиригача). Бу даврда юксак адабий

ижод намуналари бўлган сажъ жанридаги суралар нозил бўлган.

2)Макка даври (616 йилдан 619 йил охирларигача). Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) ва унинг издошлари доимий таъқиб остида яшаган ва кўпчилиги Ҳабашистонга кўчиб кетган муҳитда ўқилган. Бу сураларда Аллоҳнинг «Раҳмон» сифати кўп тилга олинганлиги сабабли, Европа олимлари уларни «Раҳмон суралари» деб атаганлар.

3)Макка даври (620 йил бошларидан 622 йил сентябригача). Бу даврда ҳам пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ва унинг издошлари таъқиб остида яшаганлар, маҳфий равишда, кўпинча шаҳардан ташқарида ибодатга тўпланганлар. Бу давр сураларида исломнинг ақоид таълимотига кенг ўрин берилганлиги сабабли, европалик олимлар буларга «Пайғамбарлик суралари» деб ном берганлар.

Келтирилган сураларнинг хронологик тартибида шу ҳол кўзга ташланадики, Муҳаммад Пайғамбар ҳаёти ва тарғиботининг Макка даврида юз берган ҳодисалар ва сураларнинг ўқилган йилларини аниқлаш масаласи хали жуда кўп тадқиқотлар, аниқлашларга мухтождир. Хусусан, рус исломшунослигида бу даврни тадқиқ қилиш узок вақт тамомила тўхтаб қолганлиги айниқса афсусланарли ҳолдир.

Мадина даврида юз берган воқеа Макка даврига нисбатан анча аниқроқ бўлиб, уларга тегишли сураларда ҳам маълум даражада ифодасини топган. Шу сабабли Мадина даврига оид сураларнинг тарихий хронологияси бирмунча аниқроқ ва тегишли далиллар асосида исботланган деб ҳисоблаш мумкин.

Тарихий воқеалар аниқроқ кўзда тутилган ҳолда Мадина даврига оид 24 та сурани Гримме таклиф этган 4 даврга эмас, балки, бизнинг фикримизча, 5 даврга ажратиш маъқулроқдир.

1. Мадина даври (622 йил октябрдан 624 йил мартигача). Муҳаммад (с.а.в.) Мадинага кўчиб келганидан маккаликлар билан биринчи йирик тукнашув — Бадр жангигача ўқилган 4 сура (2,98,64,62) бу даврга киради. Бу сураларнинг ўқилган даврига мос тартибда жой олганлиги шубҳа уйғотмайди.

2.Мадина даври (624 йил мартдан 625 йил мартигача). Бадр жангидан кейин Ухуд жангигача ўтган бир йил ичида ўқилган 3 та сурани (8,47,3) ўз ичига олади.

3.Мадина даври (625 йил мартдан 627 йил мартигача). Ухуд жангидаги мағлубиятдан кейин Ҳандақ жангигача ўтган 2 йил ичида бешта сура (61, 57, 4, 65, 59) ўқилган.

4.Мадина даври (627 йил апрелидан 630 йил январигача). Ҳандақ жангидан сўнг Макканинг олинишигача ўтган салкам уч йил ичида ўқилган 8 та сура (33, 24, 63, 58, 22, 48, 66, 60) шу даврга киради.

4.Мадина даври (630 йил февралидан 632 йил майигача). Макка олингандан кейин Муҳаммад пайғамбарнинг вафотларигача ўтган 2 йилдан ортиқроқ давр ичида ўқилган 4 та сура (110, 49. 9. 5) шу даврга киради.

Биз бу ўринда “Қуръони Карим” сураларининг хронологик тартиби масаласига умумий тарздагина тўхталиб ўтдик. Бу ғоят мураккаб илмий масалани фақат махсус тадқиқотдагина муфассал ёритиш мумкин.

“Қуръон Карим” тузилиши ҳақидаги гапни давом эттирсак, ундаги ҳар бир сура оятлар йигиндисидан иборат. «Оят» сўзи фақат “Қуръон”нинг ўзига

ҳос ибораси бўлиб, «мўъжиза», «хикмат», «илоҳий», «аломат, белги» маъноларини англатади.

Оятларнинг ҳажми ҳам ҳар хил: айрим оятлар бир неча тугал фикрни билдирадиган катта бир жумладан (масалан, 2,256—Оят—ал Курсий) иборат бўлгани ҳолда, айрим оятлар фақат икки сўздан (гапнинг бир қисмидан)гина иборат. Масалан:

1. осмон ёрилганида
2. юлдузлар ҳар томонга сочилганида
3. денгизлар қўшилиб тўсиқлар очилганида
4. қабрлар ағдарилганида (қиёмат қойим бўлганида)
5. ҳар бир жон ўзи (дунёда) қилиб ўтган ва қолдирган (барча) нарсаларни (амалларни) билур! (82,1- 5)

“Қуръон” —муқаддас китоб, унинг мазмунини Аллоҳ сўзларидан иборат деб ҳисоблаш ҳам “Қуръон”нинг ўзидаги кўрсатмаларига асосланган. «У (Аллоҳ) бундан илгариги юборилган (китоблар)нинг тўғрилигини тасдиқлаб, сенга ҳақиқат китобини юборди», «Биз Нуҳга, Яқубга ва унинг авлодларига, Исога, Айюбга, Юнусга, Хорунга, Сулаймонга қандай ваҳий қилган бўлсак ҳамда Довудга Забурни қандай юборган бўлсак, сенга ҳам ўшандай ваҳий юбордик». «Сен “Қуръон”ни одамларга парча-парча қилиб ўқиб беришинг учун, биз уни бўлақларга бўлиб сенга юбордик». Биз келтирган ва бундан бошқа кўп оятлардан шундай хулоса келиб чиқадики, “Қуръон” ўзидан илгариги диний ёзувларни инкор этмайди, балки уларни тасдиқлаш ва уни ёзувлардаги диний йўлланмаларни охирига етказиш учун юборилган китоб дейилади. Ислом ҳам ўзидан илгариги диний эътиқодларнинг вориси, Муҳаммад (с.а.в) эса ўзларидан илгари ўтган барча пайғамбарларнинг ишини яқунловчи ва охирига етказувчи расул—элчи деб таниладилар. “Қуръони Карим” исломда муқаддас китоб, барча билимлар манбаи, қонунлар тўплами, мазмуни осмондан худо ваҳий қилган китоб деб эътиқод қилинади. “Қуръон”даги ҳар бир суранинг номи бор, бу ном сура бошланишида сарлавҳа қилиб берилган. Олимларнинг фикрича, сураларнинг номлари дастлабки вақтда бир неча сўздан тузилган жумлалардан иборат бўлган, кейинчалик қисқара бориб, ўша жумладан биронта сўз сақланиб қолган бўлиши мумкин. Шунинг учун 2-сура “Ал—Бақара” (Сигир), 16 —сура “Ан-Наҳл” (Асаларилар), 27 —сура “Ан —Намл” (Чумолилар) деб номланган бўлса, бунга ҳеч ҳам ажабланиш керак эмас. Ўша сураларда тегишли ривоятлар келтирилган. Дастлабки шаклида «Ана шундай ривоятлар ҳақида сура» типигаги узунроқ ном бўлган ва кейинчалик қисқарган бўлса, ўз ўзидан тушунарли ҳолдир. Бундан ташқари, ислом анъанасида айрим муҳим оятларнинг ўзига ҳос номлари ҳам пайдо бўлган, улар ана шу оятларнинг мазмуни ва аҳамиятига қараб берилган. Масалан: 2,256—«Оят—ал —курсий» (Тахт ояти). 4,3— «Оят—ал—таъаддуд аз—завжод» (Кўпхотинлик ояти), 4—102 «Оят—ал— хавф» (хавф ояти) ва ҳ,к Оят номлари диний адабиётда кейинчалик берилган, “Қуръон” матнида ҳеч қандай оятга ном берилган эмас.

“Қуръон”даги 29 та суранинг бошланишида бир ёки бир неча алоҳида ҳарфлар бор. Илоҳиёт китобларида ва тафсириларида бу ҳарфлар «ал - ҳуруф ал

— муқатта» (алоҳида, бир—бирдан узук ҳарфлар) деб аталади. Масалан, 2, 3, 29, 30, 31, 32- сураларнинг бошланишида—«алиф», «лом», «мим», 10,11,12,13,14,15 —суралар бошида «алиф», «лом», «ро», 19—сурада — «каф», «ҳо» (ҳойи ҳавваз), «йо», «айн», «сод» ва х.к. Бу ҳарфлар ҳақида диний адабиётда асосан «бу ҳарфларнинг мазмуни сир, уни фақат пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) ўзлари билганлар», улар “Қуръон”нинг сири» деган фикр айтилган. Фақат йирик муфассирларнинг бу ҳарфлардан баъзиларини Аллоҳнинг сифатлари деб таърифлаган ҳоллари учрайди.

“Қуръон” матни сура ва оятлардан ташқари яна 30 та «жуз» (ўзбекча «пора»)ларга бўлинган. Шунини айтиш керакки, пора сура ва оятларга ўхшаб “Қуръон”нинг илк тузилиши билан боғлиқ эмас, балки ўқишда қулайлик туғдириш учун кейинчалик “Қуръон” матнини ҳажм жиҳатдан тенг бўлақларга бўлишдан иборат бўлган. Шу сабабли энг узун 2 —сура порадан кўпроқ бўлгани ҳолда, охириги қисқа суралардан 37 таси бир порани ташкил этади.

“Қуръон” йирик тарихий ва маданий ёдгорлик сифатида VII асрдаги араблар ҳаёти ва қарашларининг кўп соҳаларини ўзида акс этгирган. Унда диний-фалсафий тасаввурлар ва ривоятлар, қабила-уруғчилик ҳаёт тарзига ҳос анъана, урф - одат ва маросимлар, ижтимоий ва иқтисодий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий ва ахлоқий қонун ва қоидалар, жумладан, оила, никоҳ, аждодлар ва авлодларга муносабат, мулкчилик ва ворислик, савдо—сотик, қарз муаммоларига ҳос кўрсатмалар ва бошқалар ўз ифодасини топган. Ана шу жумладан “Қуръон”нинг ахлоқ, инсоф, виждон, ҳалоллик каби соҳаларидаги умумбашарий аҳамиятга молик йўл— йўриқлари, қоидалари ҳозирда ҳам ғоят зарур эканлигини алоҳида таъкидлаш керак

Юқорида айтиб ўтилганидек, “Қуръон” мазмунида ҳаётнинг кўп соҳаларига тааллуқли масалалар ўз ифодасини топган. Бу ўринда “Қуръон” қадимий араб тили, адабиётининг ғоят муҳим, илк ёдгорлиги эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим. Араблар тарихида “Қуръон”гача бирор йирик ёзма асар бўлган эмас. “Қуръон”дан илгари маълум бўлган ёдгорликлардан иккитасини тилга олиш мумкин. Булардан бири Жанубий Арабистонда-Яманда вужудга келган сабоъ ёзувлари бўлиб, улар фақат тошларга ўйиб ёзилган лавҳалар шаклида сақланиб қолган. Кейинги бир ярим аср давомида Европа олимлари ана шу тош лавҳалардан 700 дан ортиқроғини топиб, тадқиқ қилганлар. Улар асосан араб ҳукмронлари ва қабила бошлиқлари ёзиб қолдирган жанг, ҳарбий юриш, сулолалар ҳақидаги қисқа маълумотлар, чегара белгиси сифатида қўйилган лавҳалардан иборат.

Иккинчи хил ёдгорликлар исломдан илгариги қабилалар ҳаётига оид қаҳрамонлик, жанг, мардлик мавзуларига бағашланган қасидалардир. Бу ижод намуналари араб ҳалифалиги вужудга келгандан сўнг, Аббосийлар даврларидагина тўплаб, китоб қилинган.

Шунинг учун “Қуръон” ҳам араб халқларининг адабий ижоди тарихида йирик насрий асар сифатида араб тилининг ўша даврларига ҳос хусусиятларини, сўз бойлиги, иборалари ва атамаларини, грамматик тузилиши ва бошқа хусусиятларини ўзида ифода этган. “Қуръон” матнини таҳлил қилиш жараёнида араб тили грамматикаси (сарф ва наҳв) батафсил ишлаб чиқилган,

араб ёзуви ғоят мукамал шаклга келган. Шунингдек, “Қуръон” тили ҳар бир араб мамлакати ва элатларининг ўзига хос лаҳжалари сақланган ҳолда барча араблар учун ягона бўлган адабий тилнинг шаклланишига асос бўлган. Ҳозир ҳам араб мамлакатларида нашр этилаётган китоблар ва вақтли матбуот ягона араб адабий тилида босилади ва у барча араблар учун тушунарлидир.

“Қуръон”нинг услуги ҳам кейинги адабиётга катта таъсир ўтказган, ундаги ривоят ва тасвирлар, ўхшатиш, насихат ва маслаҳатлар фақат динийгина эмас, балки бутун бадиий адабиётга сингиб кетган. Шунинг учун “Қуръон”ни яхши билмасдан араб халқлари ва умуман мусулмон халқлари маданияти ва адабиётини чуқур ўрганиш, тушуниш анча мушкул.

Яна ўқитувчи талабаларга “Қуръон”нинг таржималари ҳақида аниқ маълумотлар беради. Ҳозирги пайтда кўпчилик ўқувчиларнинг фикр-мулоҳазалари эътиборга олиниб, Ўзбекистон мусулмонлари Диний идораси ташаббуси билан ўзбек тилига 2 марта (Алоуддин Мансур таржимаси. Т: 1992, Абдулазиз Мансур таржимаси, Т.: 2001) нашр этилди.

“Қуръон” жаҳондаги жуда кўп тилларга таржима қилинган. Уни Ғарбий Европа тилларига таржима қилиш 11 асрдан, рус тилига ағдариш 18 асрда Пётр I нинг ташаббуси билан бошланган. 1790 йилда нашр этилган М.Н Веровкин таржимаси эътиборли рус олимларининг фикрига кўра, А.С.Пушкиннинг машҳур «Подражания Корану» (Қуръонга татаббуълар) асарига манба бўлган. Г.С.Саблуковнинг арабчадан дастлабки русча таржимаси Қозонда уч марта (1878, 1894, 1907) нашр қилинган. “Қуръон”нинг академик И.Ю.Крачковский рус тилига қилган таржима нусхаси унинг вафотидан кейин (1963, 1986) нашр қилинган.

“Қуръон” туркий таржималарининг қўлёзма нусхалари ҳам кўп.

Сунна кўплаб ҳадислардан ташкил топган тўпламдир. Ҳадис сўзининг маъноси (ар. кўпликда «аҳадис» сўзидан) - «ривоят», тор маънода — «парча» (лавҳа) демакдир. Расмий маънода ҳадис Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) сўзлари ва амалий ишлари ҳақидаги ривоятлардир.

2-масала. Муҳаммад пайғамбар (с.а.в.) вафотидан сўнг чориёрлар даврида “Қуръон” сураларини тўплаш ва мусҳаф қилиш зарурияти туғилганлиги сабабларини тарихий маълумотлар асосида ўқитувчи тушунтириб бериши лозим бўлади.

“Қуръони Карим” сураларини тўплаш ва мусҳаф қилиш ҳалифалар Абу Бакр, Умар, Усмон даврларида бўлганлиги, дастлабки жамланган “Қуръон”нинг (Сухуфнинг) тўлиқ эмаслигига эътибор қаратилади. Шунинг учун ҳалифа Усмон (р.а.) барча мусҳафларни тўплаб, таққослаб чиқиш ва улар орасида бўлажак “Қуръон”нинг ягона нусхасини тайёрлашга амр берган ва бу ишга бош бўлган.

Усмон (р.а.) амрини бажариш учун тўрт кишилик гуруҳ белгиланган. Унга Зайд раҳбарлик қилган, унинг таркибига “Қуръон”ни яхши билган саҳобалардан аз— Зубайр, ал—Ос, ибн Ҳишомлар киритилган. Булар барча нусхалар ва топилган сураларни қайтадан текшириб, таққослаш асосида ягона нусхани тайёрлаганлар. Илгариги шахсий нусхаларнинг барчаси йўқотилган. Янгидан кўчирилган ягона нусха тарихда «Халифа Усмон мусҳафи» деб ном

олган. Мусхаф кўлёмаси тайёр бўлгандан кейин, тез орада Усмон (р.а.) буйруғи билан ундан 2 нусха (баъзи маълумотлар бўйича 4 нусха) кўлём куфий алифбосида кўчирилган ва ўқишда ҳамда ибодатда барча ерларда “Қуръон”нинг ягона матнидан фойдаланишни амалга киритиш мақсадида, бу нусхалар Куфа, Басра, Дамашқ ва бошқа шаҳарларга юборилган. Ҳозирги кунда Ислом оламида 4 та қадимий Мусхаф нусхаларининг борлиги маълум. Улардан бири Мадинада сақланаётган асл нусха бўлиб, ислом манбаларида у «Имом» номи билан тилга олинади. Иккинчи нусха Каъбада. Учинчи нусха Қоҳирадаги Миср миллий кутубхонасида сақланмоқда. Тўртинчиси Тошкентда Ўзбекистон халқлари тарихи музейида сақланиб, 1989 йил бошларида Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига топширилган.

Шу ўринда “Қуръони Карим”нинг бир нусхаси Ўзбекистонга келиб қолганлиги тарихини талабаларга баён этишга эътибор қаратилади.

Мусхафнинг бу нусхасининг қандай қилиб Ўрта Осиёга келиб қолгани ҳақида бир неча хил тарихий маълумотлар ва ривоятлар сақланган. Улар қисман илмий адабиётда ҳам тилга олинган. Мусхафнинг Самарқанддан 1865 йилда Санк-Петербургга олиб кетилгани, 1920 йилда мусулмонларга қайтариб берилгани, 1923 йилда Тошкентга олиб келингани ёритиб берилган.

Биз бу масалага муфассал тўхталиб ўтирмаймиз. Шунини илова қилиб айтиш кифояки, бу мусхафнинг Ўрта Осиёга олиб келиниши билан боғлиқ бўлган маълумотлар ичида тарихий жиҳатдан асослироғи ва ишончлироғи соҳибқирон Амир Темурнинг Ироқдан Самарқандга “Қуръон”нинг қадимий бир нусхасини жўнатгани ҳақидаги маълумот деб ҳисоблаш мумкин.

Мусхаф кейинчалик мусулмон оламида тарқалган ва минглаб маротаба нашр қилинаётган “Қуръон”нинг асл нусхаси ҳисобланади. “Қуръон” қаерда нашр қилинмасин, унинг биринчи саҳифасида Усмон мусхафи матнига мувофиқ экани ёзиб қўйилган бўлади.

3-масала. Ҳадис исломда “Қуръон”дан кейинги муқаддас манба ҳисобланган. Бунда Муҳаммад пайғамбарнинг ҳаёти, фаолиятлари ва кўрсатмалари, унинг диний, ахлоқий дастурлари ҳам ўз ифодасини топган. Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) бирор гап айтганлари ёки маълум ишни қилиб кўрсатганлари бўлса, ёхуд бошқаларнинг қилаётган ишини кўриб, уни ман этмаган бўлсалар, шу уч ҳолатнинг ҳар бири ҳадис деб аталаверган. Маълумки, ҳадисларда ислом аҳкомлари, яъни фарз, вожиб, суннат, мустаҳаб, ҳалол, ҳаром, макрух, мубоҳ каби амал турларидан ташқари, ахлоқ-одобга доир дастурлар талқин этилади. Унда халқ орасида кенг тарқалган ахлоқ - одобга оид мақол, қимматли, ҳикматли гаплар ҳам қамраб олинган.

Ҳадисларда ибодатнинг тартиб— қоидалари ва уларни астойдил бажаришга даъват этиш билан бирга инсоний фазилатлар кенг ташвиқ қилинган, инсонийлик шаънига доғ туширадиган разил хатти — ҳаракатлар кескин қораланган. Шунинг учун ҳам исломнинг илк тарқалиш давриданок мусулмонлар орасида ҳадисларга жуда катта аҳамият берилган. Эшитган ҳар бир ҳадисни янглишмай, асл ҳолича бошқаларга етказишга қатъий риоя қилинган. Бу тўғрида Муҳаммад пайғамбарнинг ўзлари мусулмонларни тез-тез огоҳлантириб турганлар. Ҳадис мазмуни ва иборасини бузиб ёки ўзича янги

ҳадис тузиб тарқатувчилар қаттиқ қораланган. Бундай талабчанлик пайғамбар вафотларидан анча кейингача ҳам ҳадисларнинг соф ҳолда сақланиб туришига имкон берган.

Ҳадислар асосан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотларидан кейин ёзила бошлаганлиги талабаларга манбалар асосида тушунтирилади.

Ҳадисларни сақлаб, келажакка етказувчилар биринчи навбатда саҳобалар - пайғамбарнинг қариндошлари, дўстлари, ёрдамчилари ва шогирдлари, уларнинг вафотларидан кейин асосан Мадинада яшаб келганлар ҳисобланганлар.

Шу ўринда ўқитувчи ҳадис тўплаган саҳобаларнинг бу соҳага қўшган ҳиссаси ҳақида батафсил фикр бериши лозим бўлади. Масалан, Ибн Махлуд «Муснад» номли асарида зикр қилинишича, ҳадис тўплаган саҳобаларнинг сони 1300 га етган. Ибн ал—Жавзийнинг мазкур асарига таяниб кўрсатишича, саҳобалар сони 1060 нафардир. Бошқа олимларнинг фикрича, уларнинг орасида иккитадан ҳадис ривоят қилганларнинг сони 1000 та бўлса, қолган 300 таси қисман ҳадис ривояти билан машғул бўлган деса бўлади.

Абу Хурайрадан кейинги ўринда турувчи муҳаддис халифа Умар ўғли Абдуллоҳдир. У ривоят қилган 2630 ҳадисдан 2019 тасини Ибн Ханбал ўз китобида нақл қилган.

Учинчи ўринда турувчи саҳобий ибн Молик бўлиб, 2286 ҳадис ривоят қилган. Ибн Ханбал эса ўзининг «Муснад»ида 2178 ҳадисни келтирган. Ибн Молик ривоят этган ҳадисни пайғамбарнинг сўнгги рафиқалари Ойша (р.а.) ҳам таъкидлаганлар.

Ундан кейинги ўринда ибн Аббос туради: у 1660 ҳадис ривоят этган. Ундан кейин 1540 ҳадисни ёзган ал — Худрий туради. Ибн Ханбал ўз китобида Жобирдан 1206, ал— Худрийдан 958 ҳадис келтирган.

Ҳадис ривоят қилган саҳобалар сони ҳар хил бўлиб, муаллифлар ҳам ҳар хилдир. Масалан, 149 саҳобийнинг ривоят қилган ҳадислари Имом ал Бухорийнинг «Саҳиҳ» номли асарида муштарак келган. Умуман, Имом ал—Бухорийда 208 та, Муслимда эса 213 та саҳобийдан ривоят қилинган ҳадислар келтирилган.

Ибн Моликнинг «Муват» асарида 98, Абу Довуднинг «Муснад»ида 218, ибн Ханбал «Муснад»ида 700 га яқин саҳобий ривоят қилган ҳадислар берилган.

Юқорида келтирилган рақамлар ҳадисларни саҳобалар ривоят қилганлиги туфайли бизнинг давримизга етиб келганлигига далил бўла олади.

Шундан сўнг ўқитувчи ҳадисларни тўплаш ва китоб қилиб чиқариш тарихига тўхталиб, ҳадис илми соҳасида шаклланган мактабларга эътибор қаратади.

VIII аср бошларида ҳадис илмида уч мактаб ташкил топди: Мадина (Урва ибн Зубайр ва аз— Зухрий шу мактабга қарашли эди): Ироқ (Куфада, вакили аш - Шаби) ва Сурия, Дамашқ мактаблари.

Шаклланган анъанага кўра ҳадис икки қисмдан иборат бўлиши керак эди:

1.Иснод (ар.айнан—«таянч»), яъни шу ҳадисни етказган кишиларни санаб ўтиш ва 2 матн, яъни ҳадиснинг мазмуни.

VIII асрдаёқ ҳадислар тўғрилигини аниқлашда бундай мезон шаклланган эди: унинг иснод қисми ҳадисшунослар номларининг мунтазам қаторидан иборат бўлиб, кейинчилари машҳур, номига доғ тушмаган, эътиқодли, хурматга лойиқ, тўғри сўз кишилар бўлишлари керак эди.

Ишончилигига қараб ҳадислар уч гуруҳга ажратилар эди. Ҳикоя қилувчилар рўйхати ҳеч қандай шубҳа туғдирмаса, бундай ҳадис саҳиҳ (ар. ишончли, тўғри) дейилган. Агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида айрим нуқсонлар бўлса, масалан, иснодда айтилган бирон шахс кам танилган бўлса ёки ҳамма муҳаддислар уни бенуқсон деб топмаган бўлса, ёки бирон халқа, бўлим ўзилиб қолган бўлса, ҳадис тўла қимматга эга деб тан олинмаса-да, барибир, қабул қилинган: бундай ҳадис ҳасан (ар.яхши, марҳаматли) деб номланган. Ниҳоят, агар ҳикоя қилувчилар рўйхатида тақводорлиги ёки ахлоқий обрў —эътибори нуқтаи назаридан мувофиқ келмайдиган кишилар бўлса, ҳадис ишончсиз ҳисобланган ва заиф (ар.заиф.) деб номланган.

Дастлабки ҳадислар тўплами тариқлар бўйича тузилган, яъни алфавит тартибда пайғамбар издошлари санаб ўтилган — саҳобалардан ҳар бирининг исми остида қайси ҳадис шу саҳобага тегишлиги қайд этилган. Ҳадислар тўпламининг бундай тури Муснад деб номланган. У ала —р—риджал тамойили, яъни ҳадисларни дастлаб айтган ҳикоя қилувчилар номларига кўра тавсифлаш асосида яратилган.

1.«Ал — жомий ас —Саҳиҳ» (Ишончли тўплам) ёки қисқача «ас — Саҳиҳ ал —Бухорий» (809-870). Олдинги тўпламларга нисбатан бу анча маҳорат билан тузилган. Муаллиф бу тўпламда фақат конуншуносликка ва урф—одатларгагина эмас, Муҳаммад пайғамбар ҳаёти ва саҳобалар, ҳатто Муҳаммад Пайғамбар даврлари тарихий ва этнографик томонларига хос ҳадисларни тўплаган. Танқидий ёндошган ҳолда 600 мингга яқин ҳадис тўплаб, бу тўпламга ишончли деб билганларидан 7250 тасини киритган. Бу тўплам катта шуҳрат қозонган ва кўп марта нашр қилинган.

2. Шундай шуҳратга Муслим ан—Нишопурий (817 — 875 й)нинг «ас — Саҳиҳ асари эга бўлган. У 300 мингга яқин ҳадисларни кўриб чиққан ва улардан 12 минг, яъни 4 фоизини танлаб олган.

Улардан кейинги ўринларда: 3— «Суннан» (Сунналар) Ибн Можжа (886 й.ваф.). 4 —Абу Довуд ас — Сижистоний (888 й. ваф.)нинг шу номли асари, 5—Муҳаммад ат—Термизий (892 й. ваф.) Сунан Термизийнинг «Ал — жами ал—Кабир» катта тўплами. 6— Ан-Насаи (915 й.ваф.) - Ашхобод яқинидаги Наса деган жойда туғилган. Абу Довуд шогирди, Асари — «Суннан».

Маълумки, Ўрта Осиёда ислом дини 708 йилдан кейин кенг тарқала бошлаганига қарамай, илоҳиёт қатори муҳаддислик ҳам илдам ривожланган. Ислом оламида машҳур ва энг ишончли деб эътироф этилган 6 ҳадислар тўплами муаллифларининг аксарияти Ўрта Осиёдан чиққанлар. Масалан, Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (809-870), Ал Ҳаким ат—Термизий (824 — 897), ад—Доримий ас — Самарқандий (797 — 868) Ан - Насафий ва Каспийбўйи халқларидан ибн Можжа (824 — 886) ва бошқалар бу соҳанинг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар.

Хулоса шуки, юртимизнинг кўхна тарихида жуда кўп машҳур шахслар

яшаб, ижод қилиб ўтганлар. Уларнинг орасида дунёвий фанлар ва илоҳиёт бўйича дунёда танилган олим ва уламолар алоҳида ўрин тутадилар. Чунончи, Имом Бухорий, Имом Термизий, Ал -Ғаззолий, Замаҳшарий, Ибн Сино, Ал—Хоразмий, Беруний, Форобий, Навоий, Яссавий, Улуғбек сингари бобокалонларимиз нафақат Шарқда, балки бутун жаҳонда машхур бўлган кишилардир.

Мустақиллигимиз шарофати билан юз бераётган воқеалар, туб ўзгаришлар, демократиялаш жараёни бугунги кунда уларнинг меросларининг диний ва дунёвий томонларини ўрганишга кенг имконият яратиб берди.

Мустақил иш учун

“Қуръон” сураларининг нозил бўлиши. “Қуръон” сураларининг тўпланиши ва мусхаф қилиниши., унинг ички тузилиши. Ҳадис. Ҳадисларнинг тўпланиши ва тартибга солиниши. Машхур муҳаддислар Имом ал-Бухорий, Исо ат-Термизий.

Саволлар.

1. Диний манбалар деганда нимани тушунасиз?
2. Ислонниг асосий манбаларига нималар киради?
3. “Қуръони Карим” сураларини мусхаф қилиш қачон ва кимлар томонидан бошланган ва қачон тугалланган?
4. “Қуръон” сураларини ваҳий қилишнинг Макка ва Мадина даврларини сўзлаб беринг.
5. Сунна ва ҳадис тушунчалари нима?
6. Ҳадисларни жамлаш тарихи қандай кечган?
7. Ҳадисларнинг ахлоқ мейёрларини ишлаб чиқишдаги аҳамияти нимадан иборат?

Адабиётлар.

1. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислон тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.
2. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
3. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 1999.
4. Ислон ва ҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 207 б.
5. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.
6. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Саййид Маҳмуд Тарозий Алихон-тўра таржимаси. – Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991.
7. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
8. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.

9. Борисов. А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – М., 1991.
10. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
11. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
12. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. – М., 1998. – С. 47-58.
13. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвкочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
14. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
15. Имом ал-Бухорий: Ал-Жомий ас-сахих: IV жилд. – Т.: Қомуслар бош тахририяти, 1991-1993.
16. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. / Тахрир хайъати: Ҳ.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.; расмлар муаллифлари: Ф.Қурбонбоев ва бошқ. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 240 б.
17. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
18. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон мусхафининг тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.
19. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Ҳусниддинов тахрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004.
20. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий тахрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003.
21. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.
22. “Қуръони карим” маъноларининг таржимаси ва тафсири. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009.
23. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

8- мавзу: Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар

Режа

1. **Исломдаги асосий йўналишлар.**
2. **Суннийлик мазҳаблари.**
3. **Ваҳхобийлик ғоявий-сиёсий ҳаракат сифатида.**
4. **Замонавий диний-экстремистик оқимлар.**

Таянч сўзлар ва атамалар:

усул ал-фикҳ	сунна
мазҳаб	шиа
ижтиҳод	ал-хавориж
фатво	традиционализм
ал-ижмо	ҳалифалик

1-саволни ёритишда, яъни исломдаги йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ҳақида шуни айтиш лозимки, ислом ҳам ўз тарихий тараққиёти давомида бўлинишдан четда қолмаган.

Жаҳондаги барча йирик динлар ўз тараққиётининг муайян босқичида турли йўналиш ва оқимларга бўлинган. Чунки мазкур дин тарқалган ҳудудлардаги ижтимоий - иктисодий ва сиёсий курашнинг кучайиши, муайян динга эътиқод қилувчи турли халқларнинг ижтимоий манфаатлари ва маданий даражалари турличалигидадир.

Ислом ҳам ўз тарихий тараққиётида бундай бўлинишларни бошидан кечирди. VII асрнинг иккинчи ярмидаёқ даставвал хорижийлар (Ал-хавориж, ҳаража-диндан чиқмоқ мазмунида) йўналиши шаклланган, сўнгра яна икки йирик оқим - суннийлик ва шиаликка ажралган.

Исломдаги йирик йўналишларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг моҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтиш лозим.

Суннийлик - бу исломда изчил, собитқадам йўналиш ҳисобланади. Мусулмонларнинг жуда кўпчилики қисми — 92 фоизи суннийликка эътиқод қилади. Қолган 7 фоизи шиаликка эътиқод қилувчилардир. Сунна арабча одат, анъана, хатти — ҳаракат тарзи деган маъноларни билдиради. Суннийлик деган сўз арабча «Сунна» — «Муқаддас ривоят», яъни Муҳаммад тўғрисидаги ривоятлар ва унинг ҳадислари тўплами деган тушунчадан олинган. Яна сунна фарздан фарқли равишда бажарилиши ихтиёрий бўлган кўрсатмалар, амаллардир.

Суннийлар уммавийлар сулоласидан бўлган халифаларнинг олий ҳоқимиятига бўлган ҳуқуқини тан олганлар. Суннийликда Сунна “Қуръон”дан кейинги асосий муқаддас манба, ҳадислар тўплами деб қаралади. У VII аср ўрталарида шакллана бошлаган. Унда халифаликдаги синфий муносабатлар, ижтимоий зиддиятлар, ислом мафкуриси атрофидаги кураш ўз ифодасини топган. Уни тўплаш, шарҳлаш ва нашр қилишда ватандошларимиз Исмоил

Бухорий, Имом ат—Термизий асосий рол ўйнаганлар.

Суннийликдан кейинчалик ҳанафий, ҳанбалий, моликий ва шофий мазҳаблари шаклланди.

Шиалик. Гурух, партия, тарафдорлар деган маъноларни берадиган арабча «шиа» сўздан келиб чиққан. Шиалик ўз аҳамияти ва тарафдорлари сонига кўра исломдаги иккинчи йўналишдир. У VII асрнинг иккинчи ярмида мусулмонларнинг махсус ва сиёсий гуруҳи сифатида юзага келган. У чорёрларнинг тўртинчиси Али тарафдорларини бирлаштирган. У жуда кўп секталарга бўлиниб кетган. Булар орасида исмоилийлар ҳозир 35 миллионга яқин тарафдорига эга бўлиб, ҳозир ҳам ислом доирасида катта рол ўйнамоқда.

Шиалар Арабистонда пайдо бўлган теократик давлат— халифаликдаги олий ҳокимият учун олиб борилган кескин кураш жараёнида келиб чиққан.

Шиа йўналиши исломий ибодий, зайдий, друз, хиъфарий мазҳабларини ўз ичига олади.

Хорижийлар. (Ал-хавориж) Бу оқимнинг номи «чиқиш», «қарши бўлиш», «исёнчилар» маъноларини англатувчи арабча “ҳаража” сўздан олинган. Бу оқим исломдаги илк секталардан ҳисобланади. Ислом оламнинг 1% ни ташкил этади. У Али билан Муовия ўртасида халифаликнинг олий лавозимини кўлга киритиш учун олиб борилган кескин кураш жараёнида пайдо бўлган.

Хорижийлар 661 йили Алини ўлдиришган. Муовия ҳукмронлиги йилларида (661-680) ва ундан кейин хорижийларнинг йирик кўзғолонлари бўлиб ўтган. (З.Хусниддинов. Ислом ва мазҳаблар. Маъруза матнини ўқинг.)

Ислом бошқа жаҳон динлари орасида давлат ва ҳуқуққа нисбатан жуда яқин алоқада бўлиб, бу шариат шаклида мавжуд боғлиқликнинг узвийлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Шариат - ислом диний ҳуқуқ қонун — қоидаларининг мавжуллигидир. Аммо шариатни диннинг ҳуқуқ мажмуидан кенгроқ тушунча деб билиш лозим. Чунки бу диний ҳуқуқдан ташқари ахлоқий ва диний маросимчилик талабларининг мажмуини ўз ичига олади.

“Қуръон”да бўлмаган ёки бўлса ҳам ноаниқ ҳолда тасвир қилинган хатти — ҳаракатлар ёки тақиқларни шариат аниқ ва равшан қилиб белгилаши ҳам узок муддатлар давомида ундан фойдаланиб келишга замин бўлган.

Исломдаги диний-ҳуқуқий мазҳаблар ва уларнинг асосчилари, химоячи ва оқловчиларига оид тартиб — қоидалари, қасам ичиш, ваъда бериш ва қасамёд қилиш, карзни узиш, кафиллик, кафолат бериш, омонат сақлаш таҳлили ва уларга мансуб тартиб — қоидалар шариатнинг асосий бўлимларидан ҳисобланади. Шариат мусулмонларнинг ички ҳаёти, эътиқоди ва диний виждонини бевосита назоратга олувчи диний ва ахлоқий қоидаларни қамраб олади.

XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида ижтимоий-иқтисодий ҳаётда вужудга келган силжишлар айниқса ислом кенг тарқалган ҳудудларда юзага келган илғор фикрларнинг давлат тараққиётидан орқада қолаётган ғояларга қарши курашда кўзга ташланади. Бу жараён исломга нисбатан қарашларда ҳам ўз аксини топган. Бунга қуйидагиларни мисол келтириш мумкин. Ислом модернизми — исломнинг диний таълимотидаги иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва

ижтимоий муаммоларга тааллуқли ақидаларни янги замон шароитларига мувофиқлаштириш, замонавийлаштириш орқали тараққиётнинг янги йўллари ишлаб чиқишдир.

Ислом традиционализи оқимининг тарафдорлари ўрта аср ақидаларига қаттиқ амал қилиб, уларни ўзгармас деб ҳисоблаган ҳолда динни ҳар қандай ислоҳ қилишга, модернизмга катъий қарши чиққанлар ва ҳозир шундай қилаётирлар. Исломга эътиқод қилувчи ҳар бир мўмин, қайси миллатга мансублигидан катъий назар, ўз ҳаётида ислом ақидаларига амал қилиши, уларни оғишмай бажариши ислом традиционализмининг асосий принциплари ҳисобланади.

3- масала. «Ваҳҳобия» ва «Ҳизб ут-Таҳрир»чи лар диний бирлигимиз ва тинч-тотув яшашимизга зарба беришни мўлжаллаётган динимиз ва давлатимиз душманларининг тегирмонига сув қуйиб, уларнинг моддий ва маънавий қизиқтиришларига учиб ёки мажбурлашлари натижасида махсус топшириқларни бажараётган бўлишлари ҳам эҳтимол.

Ваҳҳобия исломдаги диний-сиёсий оқим бўлиб, суннийлик йўналишининг ҳанбалия мазҳабига мансубдир. Ваҳҳобийлар ўзларини «Мувахиддун»лар, яъни яқка Аллоҳни тан олувчилар, ваҳдониятчи, тавҳидчилар деб атаганлар. Бу оқимга 1703 йили туғилиб, Арабистон ярим оролидаги Нажд вилоятининг Уяйна шаҳрида 1792 йили вафот этган Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб ибн Сулаймон асос солган. Муҳаммад ибн Абдул Ваҳҳоб мусиқа, кўшиқ, театр, кино, тасвирий санъат ва умуман маънавий маданият тараққиётига қарши чиққан. Ваҳдониятни қаттиқ ҳимоя қилиб, муқаддас жойлар, авлиёлар мазорларини зиёрат қилишни уларга сиғиниш деб тушуниб, қоралайди. Зоҳидликни — ҳаётдаги ноз-неъматлардан воз кечишни, ўзини табиий эҳтиёж ва хоҳишлардан тийишни, оддий қийинишни, камтарона ҳаёт кечиришни, айш-ишратга, кўп бойлик тўплашга берилмасликни тарғиб қилди ҳамда кишиларни тенглик ва биродарликка даъват этди.

Оқим тарафдорлари ва уларнинг раҳнамолари кишига мафкуравий таъсир этиш орқали, яъни ислом ниқоби остида инсон онгига ислом дини орқали таъсир кўрсатиб, керак бўлса буни қонли йўллар билан ҳам амалга ошириб, бу йўлда жонини ҳам тикиб, шаҳид кетиш, ҳатто ўзларининг ота-она, яқинлари ҳаётини ҳам шу йўлда қурбон қилиш руҳида тарбия топганлар. Улар амалдаги тузумни ағдариб, ислом давлати қуриш мафкурасини илгари сурадилар. Ваҳҳобийя диний — сиёсий экстремистик оқимининг ташкилий тизими бўлмиш «Ўзбекистон ислом ҳаракати» жаҳоннинг етакчи халқаро террористик («Толибон ҳаракати», «ал-Жиҳод», «Ҳаракат ул-Ансор», «ал-Каада») билан тил бириктириб, уларнинг бевосита раҳнамолигида 1990-1992 йилларда ташкил этилган.

Уларнинг мақсадлари ислом дини ниқоби остида ҳоқимият учун кураш бўлиб қолди. Динимиз ва давлатимиз ғанимлари (дўстсиз одам бўлиши мумкин, аммо душмансиз одам бўлмайди!) билан биргаликда Ўзбекистонда Ислом Республикаси ўрнатиб, давлатни пайғамбаримиз замонларидагидек мутлақ ислом тартиботлари асосида идора этишга ўтишни ўз олдиларига мақсад қилиб

олдилар. Бу эса тараққийетни секинлаштириб орқага тортишга олиб борадиган омилдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассаллам: «Ибодатнинг яхшироғи уни осонроғидир», «Динни қийинлаштирманглар, соддалаштиринглар, осонлаштиринглар, одамларга малол келадиган қилманглар», «Бу дунё деб, у дунёдан кечманглар, у дунё деб, бу дунёдан кечманглар» деган ҳикматларни айтиб ўтганлар. Ундан кейин, яна шуни айтиб ўтиш керакки, Аллоҳ таоло Ўзи нозил қилган бир ояти каримасида: «Динда жуда чуқур кетманглар, сизлардан аввалгилар, динда чуқур кетганликлари учун ҳалок бўлганлар», - дейди.

«Ҳизб ут-Таҳрир»нинг асосий мақсади мусулмон давлатлари ўртасида «Ҳалифалик» давлатини тузиш ғояларини тарғиб қилиб, келажакда амалдаги давлат бошқарувини ағдариб ташлаб, ер юзида ягона исломий теократик давлат тузиб, аста-секин унинг таркибига ҳамма мусулмон давлатларини бирлаштириб, давлатни шариат қонунлари асосида бошқаришга ўтиш бўлган.

«Ваҳҳобия» ва «Ҳизб ут-Таҳрир» орасида катта фарқ бор. Масалан, ақида масаласида ваҳҳобийлар «Ҳалифалик» давлат бошқарувини ғоя қилиб олмайдилар. Ўзларини «Тавҳидчилар» деб атаган ваҳҳобийлар дин, эътиқод масаласида юқорида айтиб ўтганимиздек, жамиятни пайғамбаримиз замонларидаги тартиб-интизомга қайтаришни талаб қилиб чиқадилар ва уларнинг йўлига кирмаганларга шиддат кўрсатиб ҳатто жиҳод эълон қилиб, қонли ўч олишгача бориб етадилар. Ҳизбчилар эса ҳалифалик давлатини тиклашни ғоя қилиб олиб, демократияни буткул инкор этадилар.

4-масалани ёритишда ҳар бир диний ҳаракат ва диний-сиёсий тарбияларнинг келиб чиқиши тарихига, дастурларнинг мазмун-моҳиятини алоҳида таҳлил қилиш лозим бўлади. МДҲ мамлакатлари мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичида турли сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар миллий хавфсизлигимизга, давлатимиз ва халқимиз барқарорлигини бузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бундай ҳаракатларни бошқарадиган диний ташкилотлар ва гуруҳлар ожиз бўлиб, улар узоқ яширин, гоҳ ошкора фаолият кўрсатдилар. Улардан айримларига эътиборни қаратамиз. 1996 йил тузилган “Ўзбекистон ислом ҳаракати” АҚШ давлат департаменти томонидан энг ҳавфли халқаро террорист ташкилотлардан деб баҳоланди. Унинг таркибига 1992—1993 йиллардаги Ислом Каримов томонидан фаолияти тўхтатилган собиқ ислом ташкилотларининг бир қатор фаоллари кирдилар. Ҳаракат аъзоларининг кўпчилиги 1990 йиллардаги «Адолат уюшмаси» (Наманган), “Ислом уйғониш партияси” (1990 йил Астрахан) фаоллари бўлган.

Ўзбекистонда 1991 йил тузилган «Одамийлик ва инсонпарварлик» (Кўкон), «Туркистон ислом партияси», «Ислом лашкарлари» (Наманган) кабилар ислом ташкилотлари аъзолари бўлган. УИХ аъзолари Ўзбекистонда ўз мақсадларини амалга оширишларига кўзлари етмаган. Унинг фаоллари Афғонистон ва Тожикистонга ўтиб кетдилар. 1999 йили УИХнинг жангарилари (тахминан 1000 киши) Тожикистоннинг шимолий ҳудудига ҳужум қилдилар. Т. Йўлдошев УИХнинг сиёсий раҳбари, Ж.Ҳожиёв эса ҳарбий раҳбар этиб тайинланди. Жойлашган манзили Қандахор шаҳри, унииг раҳбарлари халқаро

ва регионал ислом ташкилотлари ҳамда ҳаракатлари бўлмиш "Аль-қоида", "Хизбут-таҳрир ал исломий", "Ихвонул—муслимин" ва бошқа уюшма ташкилотлари билан яқиндан алоқада эди. УИХнинг асосий мақсади Фарғона водийси ҳудудида ислом давлатини тузишдан иборат эди. Марказий Осиёдаги диний фундаменталистлар, шу жумладан, Ўзбекистон фундаменталистлари чет элдаги "шерик"ларидан катта молиявий ёрдам олиб турдилар. Айнан шу пайтда УИХнинг қуролланган гуруҳлари жанубий Қирғизистон ҳудуди орқали ўзининг "Муқаддас юриш"ини бошлаётган эди. Диний фундаментализмга сиёсий жиҳатдан ёндашадиган бўлсак, унинг кўринишларидан бири бўлган ваҳҳобийлик тарафдорлари кескин ақидапарастликка асосланган бўлиб, ўта жангариликка таянган ҳолда ислом динидаги фундаментал мафқурани амалга ошириш» учун ҳар қандай воситалардан фойдаланиб, шу жумладан, қурол ишлатиш билан курашишга тайёрдилар. Диний экстремизм ўз фаолиятини ҳаётий тажрибаси кам, билимлари етарли бўлмаган ёшларга қаратади. Бу ҳолат чет элга ҳам, Марказий Осиёга ҳам қаратилади. Мусулмон мамлакатларида диний экстремизм ташкилотлари ўз таъсирини турли йўллар билан бизнинг ҳудудимизда ҳам ўтказишга ҳаракат қилади.

Ҳозирги вақтда ғайри исломий диний ташкилотлардан бири "Хизбут—таҳрир ал исломий" диний экстремистик партияси бўлиб, бу йўналиш мазмуни ва ҳаракати ҳамда ғоявий жиҳатидан «Ислом уйғониш партияси» "Адолат", "Ислом лашкарлари". "Тавба", "Хизбуллоҳ", "Таблиц", "Узун соқол", "Акримийлар". "Нур" кабиларга яқиндир. "Хизбут—таҳрир ал исломий" партиясининг асосчиси фаластинлик илоҳиётчи Такийаддин Набахоний (1909-1979) ҳисобланади. У "Ислом низоми" «Хизбут—таҳрирнинг тушунчалари» ва бошқа китоблар ёзган. Партиянинг дастуридаги асосий мақсад-ҳокимиятга эришиш. Унинг таълимоти уч босқичдан иборат:

-Биринчидан, ғоявий фикрий кураш;

-Иккинчидан жамиятда ғоявий инқилобни амалга ошириш;

-Учинчидан, ҳокимиятга фақатгина умма жамоасининг тўлиқ розилигидан сўнг келиш.

"Хизбут —таҳрир ал - исломий" тарафдорлари Тунис, Ироқ, Жазоир, Судан, Яман ва бошқаларда ўз фаолиятини яширин олиб бормоқдалар. Унинг ҳозирги кундаги раҳбари Абдал Кадим аз Зуллимдир. "Хизбут-таҳрир" тузилиши жиҳатидан пирамида шаклида, яъни ҳалқа тартибида, ҳар бир гуруҳ беш-олти кишидан иборат. Унинг ўқув ишига Мушриф раҳбарлик қилади. Амир Мушрифга машғулотларни ўтказишда ёрдам беради. Қароргоҳи Англия—Лондон. Ўзбекистон ҳудудида «Хизбут-таҳрир»нинг бошланғич бўлимлари ташкил топа бошлади. "Акримийлар" диний исломий оқим бўлиб, тахминан 1997—1999 йилларда Фарғона водийсида вужудга келган. (Андижон, Наманган) Бу диний-сиёсий ҳаракат вакиллари Аллоҳгагина эътиқод қиладилар ва пайғамбарларга иймон келтирмайдилар. Унинг асосчиси 1960 йилда Андижон шаҳрида туғилган Йўлдошев Акрим Сотволдиевич ҳисобланади. 1992 йилда 12 дарсдан иборат "Иймонга йўл" деб номланган дастурни ишлаб чиққан. Бу таълимотнинг хулосавий мақсади ислом давлатини барпо этишга қаратилган. Юқорида келтирилган диний-сиёсий партиялар, диний

ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини талабаларга тушунтиришда Ўзбекистонда ва ундан ташқаридаги ҳудудларда содир бўлган фактлар асосида изоҳлаш мақсадга мувофиқдир.

4 — масала баёнида ўқитувчи экстремизмнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш йўллари, бунда давлатимиз қўллаётган сиёсатнинг моҳиятини очишга алоҳида эътибор беради. Шу нарсани уқтириш лозимки, XX ва XXI асрнинг даҳшатли ҳодисаларидан бўлган экстремизм ва терроризмга қарши курашиш учун, аввало, ёшларнинг билим даражасини оширишга, улар онгига миллий истиқлол ғояларини сингдиришга ҳаракат қилишимиз лозим. Иккинчидан, экстремизм ва терроризмнинг мазмун-моҳиятини очишга эътибор қаратиш керак.

Диний экстремизм ва терроризм-тинчлик душмани. Бу иккала тушунча бир-бири билан боғлиқ бўлиб, у ўзаро алоқадорликда фаолият кўрсатади. Уларнинг амалий ҳаракатида, ривожланиш тенденциясида яқинлик бўлгани учун жамият ва халқлар ҳаётига етказувчи зиён-заҳмати, таҳдида бир хиллик ҳукм суради.

Терроризм моҳияти портлатиш, вайрон қилиш, ўт кўйиш, одам ўлдириш ҳамда ёвузликнинг ҳамма туридан фойдаланувчи ҳозирги даврнинг аянчли ҳодисаси сифатида намоён бўлмоқда. Агар 1980 йилларгача терроризм индивидуал ҳарактерга эга бўлган бўлса, ҳозирги даврга келиб у халқаро терроризм турига айланиб бормоқда. Терроризм портловчи моддалар, технологик воситалар ва кучли қурол-яроқларидан ташқари, кимёвий ҳамда биологик қуроллардан ҳам фойдаланишга уринишмоқда. Шу ўтган давр ичида терроризмнинг асосий марказлари Миср, Жозоир, Судан ва бошқа мамлакатларда шаклланди. Аммо уларнинг филиаллари, вакиллари Европа ва шарқ мамлакатларида ҳам бор.

Экстремизм ва терроризм марказлари ва уларнинг раҳнамолари ўзларининг ашаддий ёвузлик ҳаракатларини амалга ошириш учун биринчи навбатда ўз тарафдорларини кўпайтиришга, иккинчидан, бу ҳаракатларни амалга оширувчи жангариларни тайёрлашга ҳаракат қиладилар. Бунинг учун улар қуйидаги усуллардан фойдаланмоқдалар. Биринчидан, улар ислом дунёсида яшовчи асосан 16 — 30 ёшдаги ўсмирлар ўртасида ислом динини, мусулмонларни ҳимоя қилиш ғоясини тарғиб қилиб, ўзларига эргаштиришга уринмоқдалар, иккинчидан, диний эъқоди суут, ҳаётий тажрибаси кам бўлган ёшларга руҳий таъсир ўтказиш усулини қўллаб, улар онгини диний экстремистик ғоялар билан захарламоқдалар. Учинчидан, иқтисодий жиҳатдан кам таъминланган ёшларни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ўз тарафларига оғдиришга уринмоқдалар.

Ҳозирги вақтда экстремистик жангарилар тайёрлашни амалга оширувчи турли диний ҳаракатлар ва гуруҳлар мавжуд. Масалан, Мисрда XX асрнинг 70— йилларида «Муқаддаси жиҳод» («Ал жиҳод ал муқаддас») гуруҳи бўлиб, у 1980 йили «жиҳод» номини олди. Ундан ташқари «Ал — жиҳод», "Ал Исломия, «Ҳамас» Фаластин озодлик партияси, «Толибонлар», "Ал қоида»нинг филиали мавжуд. Бағдод, Карбало шаҳрида шиалар томонидан уюштирилган портлашда 191 та одам ҳалок бўлган.

Кейинги йилларда экстремистик-террористик ҳаракатлар шу даражага бориб етдики, унинг иштирокчилари ичида ўзини ўзи портлатишга мойил кишилар ҳам пайдо бўлди. Бундай аянчли воқеа ислом таълимотига зиддир. Чунки, бу таълимот бўйича ўзини ўзи ўлдириш кечирилмайдиган гуноҳи азимдир. «Ислоннинг ҳимоячи»лари диний экстремизм ва терроризм карчалонлари оғизда бир нарса, амалда бошқа нарсаларни қўллаётганларини билиб кўйиш муҳимдир. Улар учун одам ўлдириш, қон тўкиш оддий бир ҳолат ҳисобланади. XX асрнинг охирларига келиб ўзини ўзи ўлдириш покланишни амалга оширувчи восита сифатида қараладиган бўлди.

Бундай террористик қўпоровчилик ҳаракати кейинги 10—15 йиллар ичида шарқда ҳам, ғарбда ҳам содир бўлганлиги ачинарли ҳолдир. Инсонлар орасида ўзини портлатиш ишига розилик берадиган мудҳиш ҳодисани биринчилардан бўлиб Ҳамас Фаластин озодлик ташкилоти бошлаб берди. Ливанда эса бу ташкилот расмий ташкилот ҳисобланади. Масалан, фақат 2000 йилда ўзини ўзи ўлдириш (портлатиш) 46 та, 2003 йил эса 17 та бўлган. Бундай хунрезлик, мудҳиш воқеаларнинг террористик ва экстремистик ҳаракати мавжуд бўлган ҳудудларда ҳам учратиш мумкин.

Жамиятимиз тараққиётининг ҳозирги босқичида халқимиз диний экстремизм ва терроризмнинг мазмун-моҳиятини ва унинг келтириб чиқарадиган таҳдидини тушуниб етди. Ўзбекистон юртбошимиз Ислон Каримов раҳбарлигида таҳдидларнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш давлат сиёсатининг асосий йуналишларидан бирига айланди. Бундай сиёсат Ўзбекистон халқи томонидан қўллаб—қувватланмоқда.

Мустақил иш учун

Фикҳ илмининг вужудга келиши ва тараққий этиши. Ислонда фикҳ мактаблари ва асарлари. Фикҳ - тарихий-ижтимоий ҳаётни ўрганишда муҳим манба.

Саволлар

1. Диний фундаментализм атамаси қачон вужудга келган ва моҳияти нима? 2. Диний ҳаракатлар, диний сиёсий партиялардан қайсиларини биласиз, билганларингизнинг моҳиятини сўзлаб беринг.

3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида диний сиёсий партиялар ҳақида қандай фикр билдирилган ?

4. Ўзбекистонда диний экстремизмга қарши курашда қандай сиёсат қўлланилмоқда?

Адабиётлар

1. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.

2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

барқарорлик шартлари ва тараққиёт қафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.

3. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.

4. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

5. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
6. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислом тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.
7. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
8. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.
9. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Саййид Маҳмуд Тарозий Алихон-тўра таржимаси. – Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991.
10. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
11. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.
12. Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий // Беруний. Танланган асарлар. V том.
13. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. – М, 1989-1998.
14. Борисов. А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – М., 1991.
15. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997.
16. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
17. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
18. Имом ал-Бухорий: Ал-Жомий ас-саҳиҳ: IV жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1993.
19. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. / Таҳрир хайъати: Ҳ.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.; расмлар муаллифлари: Ф.Қурбонбоев ва бошқ. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 240 б.
20. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
21. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон мусхафининг тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.
22. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004.
23. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003.

24. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.

25. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий эътиқодлар тарихи. – Т.: «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети» нашриёти, 2008. – 664 б.

26. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдишлари ва замонавий кўринишлари: ўқув-услубий қўлланма – Т.: Мовароуннаҳр, 2011.

27. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

9- мавзу: Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар

Режа

1. Виждон эркинлиги - диний эътиқод эркинлиги
2. Халқаро ҳужжатларда виждон эркинлигининг кафолатланиши.
3. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун.
4. Мустақиллик ва дин.

Таянч сўзлар ва атамалар:

виждон эркинлиги	диний-мафкуравий
диний ташкилот	сиёсийлашув
ибодат	радикаллашув
янги таҳрир	

1-масала баёнида ўқитувчи талабалар диққатини виждон эркинлиги тушунчасига қаратади. Уни Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, қонунлари ва бошқа манбалар асосида атрофлича тушунтиради. Виждон эркинлиги кишининг бирор динга эътиқод қилиши ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслигини асослаб беради. Ундан ташқари, виждон эркинлиги шахсининг демократик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалари асосида тегишли мисоллар билан тушунтирилади.

Шу ўринда ўқитувчи виждон эркинлиги масаласининг дунё халқларининг ижтимоий муҳим аҳамият касб этиб келаётганлигига ва унинг халқаро муносабатлардаги таъсирига эътиборни қаратиб, БМТнинг уставидан тортиб, барча халқлар ҳужжат ва шартномаларида, ҳамма мамлакатларнинг конституция ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топганлиги сабабларини илмий асослаб беради.

Масалан 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий декларациясига мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва дин эркинлиги ҳуқуқига эгаллиги, унга асосан эътиқодини ўзгартириш эркинлигига, ибодат қилишга, уни яқка ёки биргаликда бажариш ҳуқуқларига эгаллиги атрофлича тушунтирилади. Ўзбекистон халқлари ижтимоий ҳаётида виждон эркинлиги масаласи хусусан шўролар даврида виждон эркинлигида йўл қўйилган жиддий ҳатоларнинг асл моҳияти нимада эканлигига эътибор қаратилади. 1918 йил 23 январда РСФСР халқ комиссарлари кенгаши томонидан эълон қилинган черковни давлатдан ва мактабни черковдан ажратиш тўғрисидаги декретни тадбиқ қилишда қўпол ҳатоларга йўл қўйилган. Қўпол ҳатоларнинг моҳияти Ўзбекистон мисолида кўрсатилади.

2-масала баёнида 1991 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги янги қонунни қабул қилганлиги, унинг республикада мустақиллигининг дастлабки йилларидаги

тарихий ва миллий аҳамияти ҳаётий мисоллар орқали тушунтирилади. Яна ўқитувчи шунга эътиборини қаратадики, мустақиллик йиллари ижтимоий, иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётда амалга оширилган улкан ислоҳотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар қатори виждон эркинлиги давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатда ҳам давлатнинг адолатли сиёсати ўрнатилди. 1998 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 11 - сессиясида виждон эркинлиги қонунинг янги таҳрири қабул қилинди. Ўқитувчи янги таҳрирдаги виждон эркинлиги қонунига киритилган янгиликларни бирма - бир санаб, уларнинг мазмунини таҳлил қилади:

Биринчидан, ёшларга диний таълим бериш хусусидаги ҳуқуқларни муҳофаза қилишга эътибор қаратилган. Қонуннинг 3-моддасидаги 2- қисмда бундай дейилган: «Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек, уларнинг ихтиёрига ота— оналар ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 145 — моддасида вояга етмаган болаларнинг шундай қонунга зид тарзда динга ўқитиш — энг кам иш ҳақининг 50 бараваридан 70 бараваригача миқдорда ёки 2-3 йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд 3 йилгача озодликдан маҳрум этиш билан жазоланиш кўзда тутилган.

Иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Ушбу тизимнинг ўқув дастурига диний предметлар киритилишига йўл қўйилмайди деган дастур қонуннинг еттинчи моддасига қўшиб қўйилган.

Учинчидан, диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади. Диний ташкилотларнинг марказий бошқарув органлари руҳонийлар ва ўзларига зарур бўлган диний ходимлар тайёрлаш учун диний ўқув юртлари ташкил этишига ҳақлидирлар.

Тўртинчидан, диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт.

Бешинчидан, қонун хусусий тартибда таълим беришни маън этади. (9-модда). Бу қонунни бузганлар учун Ўзбекистон Республикаси “Маъмурий жавобгарлик тўғрисида”ги Кодекснинг 241 — моддасида жазо белгиланган.

Олтинчидан, виждон эркинлиги тўғрисидаги 1991 йилдаги Қонуннинг 13-моддасида диний ташкилот, юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун уни тузган камида ўн кишидан иборат 18 ёшга тўлган фуқаролар Адлия вазирлигининг шу диний ташкилот фаолият кўрсатиши назарда тутилган ҳудуд идорасидаги Низомни илова қилиб ариза топширадилар деб кўрсатилган эди. Янги таҳрирдаги қонунга биноан эса диний ташкилот Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билангина тузилади.

Еттинчидан, диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида ёки унинг жойлардаги органларида рўйхатдан ўтказилгандан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади ва қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда ўз фаолиятини амалга оширади. (8-модданинг 5-қисми). Қонуннинг кейинги бобларида фуқароларнинг диний эътиқод, урф-одат ва маросимларида

қатнашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари, диний адабиётлар, диний мазмундаги ахборот материалларини тайёрлаш, экспорт ва импорт қилиш, тарқатиш ва уларни ишлаб чиқарадиган корхоналарни таъсис этиш ҳуқуқига эгадирлар. Қонунда диний ташкилотлар (жамиятлар, марказлар ва бошқармаларнинг фаолияти, ҳуқуқ ва вазифаларига алоҳида ўрин берган. Диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлмаган ўз низомлари асосида иш юритадилар. Ўзбекистон Республикасида диний характерга эга бўлган партиялар республикадан ташқаридаги диний партияларнинг бўлим ёки филиалларини тузиш ҳам ман этилади. Диний бошқармалар ва марказлар ўз низомларига кўра диний ўқув юртлари ташкил этишлари ва улардан диний бошқармаларда, марказларда ишлайдиган руҳонийлар тайёрлашлари мумкин. Диний ўқув юртлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида рўйхатдан ўтиши шарт. Давлат қарамоғидаги ўқув юртлари учун қабул қилинган ҳуқуқий меъёрлар диний ўқув юртлари учун ҳам баб—баравар тааллуқлидир. Диний ташкилот низоми давлат қонунларига зид бўлмаслиги керак. Агар диний ташкилот низоми қонуннинг ҳужжатларига зид бўлса, диний ташкилотнинг ушбу низоми рўйхатга олинмайди ва унинг фаолияти тақиқланиб тарқатилади. Бу борада талабаларда саволлар туғилса, уларга керакли жавоблар берилади.

3-масаланинг баёнида янги таҳрирдаги қонун дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаши ғайриқонуний тажовузлардан ҳимоя қилиш, ҳар қандай экстремистик ҳаракатлар қораланиши масаласига алоҳида эътибор берилади. Ўқитувчи кўп миллатли мустақил Ўзбекистонда турли конфессиялар мавжуд эканлигига қарамай, халқимиз ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, ҳурмат мавжудлигини таъкидлайди. Уни мисоллар асосида тушунтиради. Масалан, ҳозирги вақтда мамлакатимизда 16 та диний конфессия фаолият кўрсатмоқда. Улар билан давлат идоралари ўртасида демократик тамойилларга асосланган ҳуқуқий муносабатлар шаклланди. Дин ва эътиқод эркинлигини таъминлаш асосида мамлакатда фуқаролар ҳамжиҳатлилиги ва миллий тотувлик, тинчлик ва барқарорлик вужудга келмоқда. Ўзбекистонда дин ва эътиқод эркинлиги таъминланганлиги яна шунда кўринадикки, хоҳиши бўлган фуқаролар диний таълим олиш учун ўқув юртларига мурожаат қилишлари мумкин. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги янги таҳрирдаги қонуннинг диний урф- одатлар, маросимларни ҳуқуқий тартибга солувчи қонидаси янада мукаммаллаштирилган. Фуқаролар диний эътиқод эҳтиёжларини қондириш учун ибодат, диний урф-одатлар ва маросимларда ва уларга тегишли ҳудудларда зиёратгоҳларда, қабристонларда, зарур ҳолларда уларнинг уйларида ўтказилади. Мусулмонлар диний эътиқодлари туфайли жойларда ибодат либосларида (диний ташкилотларнинг хизматидагилар бундан мустасно) юришларига янги қонунда йўл қўйилмайди деб таъкидланган. Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши натижасида кўп миллатли халқимизда ҳеч қайси дин вакилларининг диний нафсониятлари камситилмайди, диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмайди. Дин фуқароларнинг маънавий — ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади. Бунда миллий ғоя ва миллий мафқуранинг ролига эътибор қаратилади.

Мустақил иш учун:

Ўзбекистонда виждон эркинлигининг кафолатлари.

Халқаро ҳужжатларда виждон эркинлигининг кафолатланиши.

Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонунчиликка киритилган ўзгартиришлар .

Мустақиллик ва дин.

Саволлар

1. Виждон эркинлиги тушунчаси нима ?

2. Шўролар даврида виждон эркинлиги асосида қандай камчиликларга йўл қўйилди ?

3. Ўзбекистон Республикасида виждон эркинлигининг конституцион кафолатланиши нимадан иборат ?

4. Дин ва эътиқод эркинлиги нима ?

Адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014. – 73 б.

2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон

Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998. 224-234-бетлар.

3. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид,

барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон. 1997.

4. Каримов И.А. Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5-май.

5. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

6. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Мехнат, 2004. – 296 б.

7 Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

10- мавзу: Миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий оқибатлари

Режа

1. Миссионерликнинг келиб чиқиши, мақсади ва вазифалари
2. Прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатлар

Таянч сўзлар ва атамалар:

миссионер	салб юришлари
диакон	прозелитизм
хушхабарчи	куёшга топинувчилар
даъватчилар	

1-саволни ёритганда, аввало, ушбу тушунчанинг луғавий ва истилоҳий маъноларини тушуниб олиш муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида қайд этиш лозим.

Ушбу сўз латин тилидаги «missio» феълидан олинган бўлиб, «юбориш», «вазифа топшириш», миссионер эса "вазифани бажарувчи" деган маъноларни англатади. Миссионерлик эса белгиланган вазифаларни ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуини билдиради.

Турли луғатлар ва манбаларда миссионерликка кўплаб таърифлар берилган. Уларнинг деярли барчасида миссионерликка хос хусусиятлар атрофлича тавсифланган. Жумладан, ҳар йили қайта нашр этиладиган "Жаҳон китоби" энциклопедиясида: "Миссионер бирор диний гуруҳ томонидан бошқаларни ўз динига тарғиб қилиш ва киритиш учун юборилган инсон", — деган фикр қайд этилган. 2005 йилда Москвада нашр этилган "Кирилл ва Мифодийнинг катта энциклопедияси"да эса: «Миссионерлик бирор диний бирлашма вакилларининг ўз эътиқодини бошқа дин вакиллари орасида ёйиш ҳаракати», — деган таъриф келтирилган.

Умуман олганда, турли луғатлар ва манбаларда баён этилган таърифлар бир-бирига жуда яқин ва ўхшаш бўлиб, уларга таянган ҳолда қуйидаги хулосани чиқариш мумкин: миссионерлик бир динга эътиқод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилишни англатади.

Маълумки, христианликнинг айрим йўналишларида "Миссионерлик ҳар бир диндор учун шарт", - деб ҳисобланади. Исо Масихнинг ўзига 12 ҳаворийни танлаб олиши ва уларни Исроилнинг қишлоқлари бўйлаб даъват қилиш учун юборгани ҳақида Марқдан ривоят қилинган "Инжил"да келтирилган қуйидаги сўзлар бундай карашлар учун асос қилиб олинади:

"... 15. Исо шогирдларига деди: «Бутун жаҳон бўйлаб юринглари ва ҳамма тирик жонга "Инжил" хушхабарини тарғиб қилинглари».

Бундай даъват Маттодан ривоят қилинган «Инжил»да ҳам мавжуд. Унда Исо ҳаворийларга яқинлашиб, шундай дегани қайд қилинади:

"19. ...барча халқлардан шогирд орттиринглар. Уларни Ота, Ўғил ва Муқаддас Руҳ номи билан чўқинтиринглар.

20. Мен сизларга буюрган ҳамма нарсаларга амал қилишни уларга ўргатинглар...". Юқоридаги каби чақириқларни «Инжил»дан яна кўплаб топиш мумкин. Аммо миссионерлар ўз фаолиятини ташкил этишда асосан қайд этилган далилларга таянадилар. Шу ўринда адолат юзасидан бир фикрни алоҳида қайд этиш лозим. Кўпчилик ҳолларда муайян дин доирасида шаклланган у ёки бу кўрсатмалар, ақидалар конкрет тарихий шарт-шароит билан боғлиқ бўлади ва ўз даври учун тўғри ҳисобланади, Вақт, шароит ўзгариши билан ўзининг бирламчи аҳамиятини йўқотган бундай кўрсатмалар ўша даврдаги тарихий вазиятни тушуниш ва баҳолашда қимматдорлик касб этади. Миссионерлар ўз фаолияти учун асос сифатида "Инжил"дан келтирадиган юқоридаги сўзлар ҳақида ҳам шундай дейиш мумкин. Зеро, Исо Масиҳ томонидан қилинган бундай даъватлар кўп ҳудолилик ўрнига якка ҳудоликни тарғиб қилиш билан боғлиқ эди. Бугунги кунда жаҳон аҳолисининг мутлақ кўпчилиги яккаҳудоликка асосланган ўз динларига эътиқод қилади. Шундай экан, қайд этилган кўрсатмаларни миссионерлик билан шуғулланиш учун ғоявий асос қилиб олиш тарих ҳақиқатига зид эканини таъкидлаш зарур. Миссионерлар бундай фаолиятни Исонинг ўзи бошлаб берган эди, деб таъкидлашни хуш кўрадилар. Уларнинг бундай даъволари нечоғлиқ тўғри?

Бундай қарашлар қачонлардир содир бўлган тарихий воқеаларни ғараз мақсадларда бузиб талқин қилиш ҳосиласидир. Миссионерлар христианликнинг Исроил ҳудудидан ташқарига ёйилишини ҳам илк миссионерлар фаолияти билан боғлашади. Шу тўғрими? Нотўғри. Тарихчилар христианликнинг Қуддус шахри чегарасидан ташқарига чиқишини 37-йилда христианларнинг қувғин қилиниши билан боғлайдилар. Қувғинга учраган христианлар ҳозирги Исроил ҳудудининг жануби ва шимолида жойлашган қадимги Иудея ва Самария вилоятлари бўйлаб тарқаб, ҳамма жойда ўз динларини тарғиб қила бошлаганлар. Бу воқеа "Инжил" таркибига кирувчи «Хаворийлар» китобида куйидагича акс этган:

"4. Шу орада тарқалиб кетганлар "Инжил" хушхабарини тарғиб қилиб юришди". Ҳатто Қуддус черковининг асосан хўжалик ишлари билан шуғулланадиган, энг куйи — диакон (юнонча — Шакопоз-хизматчи) лавозимини эгаллаган ходимлари ҳам ўзларининг маъмурий ишларидан ажралиб, мохир "хушхабарчи"ларга айландилар. Улардан энг машҳури «Даъватчиларнинг отаси» номини олган диакон Филиппдир. Айнан у Самария ўлкасида фаолият юритган, унинг пойтахти Себаста шахрида жуда кўплаб кишиларни христианликка киритиб, оммавий чўқинтирган.

Шундай бўлса-да, диакон Филипп ва унга ўхшаган кўпгина хушхабарчилар, Исо Масиҳ таълимоти яҳудийларгагина тааллуқли, деган ёндашувдан келиб чиқиб, асосан яҳудийлар орасида тарғибот ишларини олиб борганлар.

Бироқ кейинроқ илк христиан "даъватчилари" аста-секин Ўрта денгиз бўйлаб Аппенин ярим оролига ҳам кириб боришади. Рим империясида уларга салбий муносабат билдирилса-да, улар империянинг марказий ҳудудлари ва

пойтахтига кўчиб келишда давом этаверишган. IV асрга келиб "даъватчилар" хатти-ҳаракатлари натижасида христиан дини Рим империясида давлат динига айланди. Христиан "даъватчилари" аста-секин Европанинг шимолий ҳудудларига ҳам кириб бордилар ва христианлик Рим империясининг улкан ҳудуди бўйлаб эски динлар устидан ғалаба қозонди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, юқоридаги каби қарашлар турли тушунчалар мазмунини атайлаб чалкаштириб, тарихий воқеликни бузиб талқин қилиш натижасидир. Чунки христианлик энди пайдо бўлган бир шароитда фаолият олиб борган "даъватчилар" (гарчанд уларга нисбатан ҳам "миссионер" сўзини қўллаш кенг тарқалган бўлса-да) билан бугунги "миссионерлар" орасида кескин фарқ борлигини ва уларни асло бир қаторга қўйиб бўлмаслигини унутмаслик лозим. Зеро, ўз даврида христианликнинг фаол тарафдорлари томонидан "даъватчилик" ишларининг олиб борилиши, ўз таълимотларини тарқатишга ҳаракат қилишлари табиий бир ҳол эди. Бугун дунёнинг диний манзараси ўзининг аниқ шаклу шамоилига, турли халқлар асрлар давомида шаклланган диний-миллий қадриятларига эга бўлган бир даврда илк "даъватчилик"дан фарқли равишда миссионерлик миллат, жамиятни диний асосда бўлиб юборишга қаратилган бузғунчиликнинг бир кўринишига айланиб қолганини алоҳида таъкидлаш зарур. Миссионерларнинг аҳолисининг 90 фоиздан ортиғи исломга эътиқод қиладиган Ўзбекистонда фаолият олиб боришга интилаётгани ҳам бундай бузғунчиликка ёрқин мисол бўла олади.

Дастлабки миссионерларнинг фаолияти ҳақида нима дейиш мумкин?

Рим кўшинлари билан бирга юриб, босиб олинган ҳудудлар халқлари орасида христианликни тарғиб қилган кишиларнинг фаолияти замонавий миссионерликнинг илк кўринишлари эди, дейиш мумкин. Европа қитъасида христианликнинг тарқалишига катта ҳисса қўшган энг машҳур миссионерлар қаторига 400-йилларда Ирландияда христианликни тарғиб қилиб, ушбу диннинг оролда тарқалишига улкан ҳисса қўшган, авлиё мақомида эътироф этиладиган Патрикни, шунингдек, Бонифаце, Сан Хосе ва Жан де-Бребеф каби руҳонийларни киритиш мумкин.

Миссионерлар фаолияти натижасида христианлик 400-500 йилларда Африкада мустаҳкам ўрнашиб олди ва ўз даври учун анча қудратли бўлган масиҳий қиролликлар пайдо бўлди. Улардан энг машҳури Ҳабашистон империяси эди. Ушбу қироллик катта ҳудудларни, ҳатто Арабистон ярим оролининг жанубини босиб олиб, арабларни масиҳийликка ўтказмоқчи бўлган эди.

Папа Буюк Григорий VII асрда Августин бошчилигида Британияга миссионерларни жўнатади. Шу тариқа миссионерлик кенг жуғрофий кўлам касб этиб борди.

"Салб юришлари" номини олган урушлардан ҳам асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган дейишади. Шу тўғрими? Дарҳақиқат, XI-XIV асрларда Рим Папаси бошчилигида "Муқаддас Ер", яъни Қуддус шаҳрини озод қилиш баҳонасида амалга оширилган, аслида босқинчилик билан бойлик орттиришга қаратилган урушлар, яъни "Салб юришлари"дан ҳам асосан миссионерлик мақсадлари кўзланган эди. Тарихдан шу нарса маълумки, салбчилар Қуддусни

эгаллаб олгач, шаҳардаги масжидларга ўт қўядилар, насронийликни қабул қилишни истамаган кўплаб кишилар қиличдан ўтказилади. "Муқаддас Ер"ни озод қилиш шиори остида руҳонийлар бутун Европа христианларини оёққа турғиза олганлар ва ҳар бир христиан бу юришларда қатнашишни ўзига шараф деб билган.

Бундан ташқари, буюк географик кашфиётлар даврида Рим черкови янги халқларни инжиллаштириш учун бир қатор миссионер гуруҳларни янги қитъага йўллади ва христианлик Америка бўйлаб тарқала бошлади. Бунда асосан католик миссионерлари ҳиндулар ва эскимослар орасидаги фаолиятлари билан ажралиб турдилар.

XV-XVI асрларда Испания ва Португалия мустамлака империялари ташкил топгач, миссионерлик католик черкови доирасида ўз фаолиятини кучайтириб, янги ерларни забт этишнинг ғоявий асоси бўлиб хизмат қилди. Католикларнинг турли йўналишларига мансуб миссионерларнинг ошқора ёки махфий равишда Америка, Африка халқларини забт этишда қатнашганлари бунга далил бўла олади.

XIII—XVI асрларда христиан миссионерлиги Ҳиндистон, Хитой ва Японияга ҳам кириб борди. Японияда миссионерлик шу даражада ривожланиб кетдики, XIX аср ўрталарида япон императори барча миссионерларни айғоқчи сифатида кунчиқар мамлакатдан ҳайдаб юборди. Мазкур мисол ва Африканинг бир қатор қабилалари тилида "миссионер" сўзининг "қотил" сўзининг синоними сифатида ишлатилиши ҳам миссионерликнинг раҳм-шафқатга асосланиши ҳақидаги фикрларнинг чўпчак эканини кўрсатади.

Бугунги кунда машхур диншунос олимлар сифатида эътироф этиладиган айрим кишилар ҳам аслида илк христиан миссионерлари бўлган дейишади. Миссионерлик ривожланиб боргани сари тегишли ташкилий асослар ҳам яратиб борилган. Хусусан, 1662 йилда Папа Григорий XV католик миссионерларига раҳбарлик қилиш учун Диний тарғибот конгрегациясини (1668 йилдан Халқларни "Инжил"га эътиқод қилдириш конгрегацияси) таъсис этгани фикримизнинг исботи бўла олади. Рим Папаси Пий XII 1957 йилда миссионерликка даъват руҳи билан суғорилган "Фидеи Донум" (итальянча - "Эътиқод инъоми"), Иоанн XXIII 1959 йилда "Принцепс посторум" (итальянча - "Йўлбошчилар учун низом"), Павел VI 1967 йилда "Популорум профессио" (итальянча - "Халқларнинг ривожланиши") номли номаларни эълон қилгани ҳамда II Ватикан соборида (1962-65) миссионерлик масалаларига бағишлаб махсус декрет ишлаб чиқилгани ҳам бу йўлдаги ишлар тадрижий ташкил этилганини кўрсатади.

XX асрга келиб, ўз ҳолича миссионерлик билан шуғулланган ташкилотларни бирлаштириш йўлида ҳаракатлар бошлаб юборилди ва илк халқаро протестант миссионерлик тузилмалари шакллантирилди. Биринчи бутунжаҳон протестант миссионерлари конференцияси 1910 йилда Шотландиянинг Эденбург шаҳрида бўлиб ўтди. Кейинроқ эса «Халқаро миссиялар кенгаши» тузилди. Бу кенгаш «Бутунжаҳон черковлари кенгаши»га аъзо бўлиб, протестант миссионерлигининг фаолиятини йўналтириб турувчи асосий ташкилот ҳисобланади.

Миссионерлик муассасалари йирик капитал ва ерларни тасарруфларига олиб, ўз мамлакатлари сиёсатини ўтказишда фаол иштирок этдилар. Маърифат тарқатиш, тиббий ёрдам кўрсатиш ишларини монополлаштириб олиб, шу йўл билан христианлик тарғиботини кучайтирдилар.

Ҳозирги кунда миссионерлар ўз ташкилий асосларини яратишда асосан нашриётлар, хайрия ва нодавлат-нотижорат ташкилотлари мақомидан фойдаланишмоқда. Бундан ташқари, баъзи ташкилотлар тиббий уюшмалар ниқоби остида фаолият олиб боришмоқда.

Ўрганиш айрим халқаро ташкилотлар ўз ҳукуматлари томонидан молиялаштирилган дастурларга биноан МДХ давлатларидан талаба ва ўқувчиларни у ёки бу мамлакатга юбориб, уларни диндор фуқароларнинг оилаларига жойлаштириш ва шу йўл билан бир йил давомида уларни прозелитларга айлантиришдек мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борганини кўрсатади. Мазкур мисол миссионерлик билан шуғулланадиган ташкилотлар эътиқодий ўзгартишлар объекти қилиб танланган давлатларга ўз ҳукуматлари қўллаб-қувватлашига таяниб, кириб боришга ҳаракат қилаётганликларини ҳам кўрсатади.

Миссионерликни фақат христианликка хос деб билиш тўғрими?

Адолат юзасидан ҳам, ҳақиқатни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам миссионерликни фақат христиан дини билан боғлаш тўғри бўлмайди. Миссионерлик ўзига хос ва узок тарихга эга. Жумладан, бундай ҳаракат дастлаб буддавийлик доирасида милоддан аввалги III асрдан бошлаб ёйилган.

Бугунги кунда эса миссионерлик фаолияти билан фаол шуғулланишга ҳаракат қилаётганлар орасида баҳойлар, кришначилар билан бир қаторда "Қуёшга топинувчилар" ("Солнцеклонники") каби янги пайдо бўлган секталар борлигини ҳам таъкидлаш зарур.

Шундай бўлса-да, бир ҳақиқатдан кўз юмиб бўлмайди. «World Book» энциклопедиясида келтирилган маълумотларга кўра, дунёдаги умумий миссионерларнинг 2/3 қисмини христиан миссионерлари ташкил этади. Хусусан, протестантлик замонавий миссионерликнинг асосий ҳомийси бўлиб турганини алоҳида қайд этиш лозим.

2-масалада эса прозелитизм келтириб чиқараётган салбий оқибатларни айрим ҳаётий мисолларда ҳам кўриш мумкин. Хусусан, бизга қўшни бўлган айрим давлатларда христиан динини қабул қилган кишилар вафот этганда жасадни қабристонга қўйиш билан боғлиқ муаммолар келиб чиқмоқда. Майитнинг мусулмон ота-оналари ўз фарзандларини христиан мазолига дафн этишни хоҳламаганлари, мусулмонлар эса христиан дини вакили жасадини ўз мусулмон биродарлари ётган жойга қўйишни истамаганликлари натижасида келишмовчиликлар юзага келмоқда.

Шунингдек, христиан динини қабул қилган киши ўз ўғлини хатна қилдиришни хоҳламагани, унинг отаси эса ўз набирасини мусулмон урф-одатларига кўра хатна қилдиришни истагани туфайли ота-бола ўртасида жанжаллар келиб чиққани ҳам маълум.

Юқоридаги каби мисолларни яна давом эттириш мумкин. Аммо шуларнинг ўзи ҳам миссионерликнинг таркибий қисми бўлган прозелитизм

ҳаракатлари бошқа динни қабул қилган туб миллат вакиллари оилаларида низо ва жанжалларнинг авж олишига ҳамда христианликнинг айрим йўналишлари вакилларига нисбатан душманлик ҳиссиётларининг пайдо бўлиши орқали динлараро низоларнинг келиб чиқишига замин яратиши мумкинлигини яққол тасаввур қилиш имконини беради.

Мустақил иш учун

Прозелетизм тушунчаси ва унинг моҳияти. Миссионерликнинг келиб чиқиши, мақсади ва вазифалари. Прозелетизм келтириб чиқарётган салбий оқибатлар. Диний маърифат ва бағрикенглик.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998.
3. Каримов И.А. Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
4. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
5. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

ДИНШУНОСЛИК ФАНИДАН ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Динлар унга эътиқод қилувчиларнинг сони, миқёси, ўзининг маълум миллат ёки халққа хослиги ёхуд миллат танламаслигига кўра турли гуруҳларга бўлинади

Уруғ – қабила динлари – тотемистик, анимистик тасаввурларга асосланган, ўз уруғидан чиққан сеҳргар, шомон ёки қабила бошлиқларига сиғинувчи динлар. Улар миллат динлари ва жаҳон динлари ичига сингиб кетган бўлиб, ҳозирда Австралия, Жанубий Америка ва Африкадаги баъзи қабилаларда сақланиб қолган.

Миллат динлари – маълум миллатга хос бўлиб, бошқа миллат вакиллари ўзига қабул қилмайдиган динлар. Уларга яхудийлик (яхудий миллатига хос), ҳиндуйлик (ҳиндларга хос), конфуцийчилик (хитой миллатига хос), синтоизм (японларга хос) киради.

Жаҳон динлари – дунёда энг кўп тарқалган, кишиларнинг миллати ва ирқидан қаътий назар унга эътиқод қилишлари мумкин бўлган динлар. Унга буддавийлик, христианлик ва ислом дини киради.

ДИННИНГ ЖАМИЯТДА БАЖАРУВЧИ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ

1. Тўлдирувчилик, тасалли берувчилик - компенсаторлик

2. Бирлаштирувчилик - интеграторлик

3. Тартибга солиб, назорат қилувчилик - регуляторлик

4. Алоқа боғлашлик


5. Легитимловчилик - қонунлаштирувчилик

6. Фалсафий назария


ДИНЛАР ТАЪЛИМОТИГА КЎРА

Монотеистик –
яккахудолик (яхудийлик,
ислом)

Политеистик – кўп худолик
(хиндуийлик, конфуцийчилик)




ДУНЁДА КЕНГ ТАРҚАЛГАН ДИНЛАР




МИЛЛИЙ ДИНЛАР

Брахманизм динидаги табақаланиш



ЯХУДИЙЛИК ДИНИ



Мусо Тур тоғида Яхве билан учрашганда унга 10 та лавҳани туширди. Уларда ушбу дин асосини ташкил қилган 10 та насихат бор эди:

1. Яхведан бошқани илоҳ деб билмаслик.

2. Бут, санам ва расмларга сиғинмаслик.

3. Бекорлан – бекорга Худо номи билан қасам ичмаслик.

4. Шанба кунини хурмат қилиш ва уни Худо учун бағишлаш.

5. Ота – онани хурмат қилиш.

6. Ноҳақ одам ўлдирмаслик.

7. Зино қилмаслик.

8. Ўғирлик қилмаслик

9. Ёлғон гувоҳлик бермаслик.

10. Яқинларнинг нарсаларига кўз олайтирмаслик.

ЯХУДИЙ ДИНИНИНГ ОҚИМЛАРИ



ЗАРДУШТИЙЛИК ДИНИ

“А В Е С Т О”

“Авесто” зардуштийликнинг асосий манбаси ва муқаддас китоби ҳисобланади. “Авесто” Ўрта Осиё, Эрон, Озарбайжон халқларининг исломгача даврдаги ижтимоий-иқтисодий ҳаёти, диний қарашлари, олам тўғрисидаги тасаввурлари, урф-одатлари, маънавий маданиятини ўрганишда муҳим ва ягона манбадир. Унинг таркибидаги материаллар

Зардуштийликда имон 3 та нарсага асосланади



Зардуштнинг туғилган ва илк диний фаолиятини бошлаган жой тўғрисида икки фикр мавжуд

Ғарб назарияси.
Унга кўра Медиа (Эрон) Зардуштнинг ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи ҳисобланади.

Шарқ назарияси.
Унга кўра Зардушт ватани ва зардуштийликнинг илк тарқалган жойи Хоразм ҳисобланади. Кўпчилик манбашунослар шу назария тарафдоридирлар

БУДДИЗМ ДИНИ

Буддавийлик таълимоти асосан уч амалий қисмдан иборат

Медитация

Ахлоқ

Донолик

А Х Л О Қ



- 1. Қотиликдан сақланиш.
- 2. Ўғрилиқдан сақланиш.
- 3. Гумроҳликдан сақланиш.
- 4. Ёлғон, қалбаки нарсалардан сақланиш.
- 5. Маст қилувчи нарсалардан сақланиш.

Донолик



Бу буддавийликнинг асосий мақсади бўлиб, нарсалар табиатини тўғри тушунишдир.

ХРИСТИАНЛИК ДИНИ

ХРИСТИАНЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ

Христианлик дини

Жаҳон дини бўлиб, унга 254 мамлакатнинг 2 миллиард аҳолиси эътиқод қилади. Асосчиси Иисус Христос (Исо Масих, Ешуа Машиах) тахминан милодий 1-33 йилларда Фаластинда яшаб ўтган

2-слайд



Христианлик динининг
муқаддас китоби “БИБЛИЯ”
икки қисмга бўлинади.

Қадимги Аҳд (Таврот ва
Забур)

“Аҳд” сўзи худонинг
инсонлар билан махсус
алоқасини билдиради. Исо
Масих туғилишидан аввал
ёзилган. Ибрий ва арабий
(эски яхудий) тилларида
ёзилган.

Янги Аҳд (Инжил)

Исо Масих
туғилганидан кейин 1
асрда ёзилган. Янги
Аҳд матни юнон
(қадимги грек) тилида
ёзилган.

Христианлик динининг православ оқими 14 мустақил
черковларга бўлинади.

1. Константинополь

2. Александрия

3. Антиохия

4. Қуддус

5. Рус

6. Грузин

7. Серб

8. Румин

9. Болгар

10. Кипр

11. Эллада

12. Албания

13. Польша


14. Чехословакия

ИСЛОМ ДИНИ

ИСЛОМ ДИНИ

Жаҳон дини бўлиб, VII асрда Арабистон ярим оролида пайдо бўлган. 172 мамлакатнинг 1,3 миллиард аҳолиси ислом динига эътиқод қилади.

Ислом динининг асосчиси Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмуталлиб ибн Ҳошим ибн Абдуманнофдир.



ИСЛОМДАГИ ОҚИМЛАР

СУННИЙЛАР

ШИАЛАР

Исломда имоннинг етти шарти бор

1. Аллохга

2. Фаришталарга

3. Муқаддас китобларга


4. Пайғамбарларга

5. Охиратга


6. Тақдирга

7. Ўлгандан кейин тирилишга

**СЎФИЙЛИҚДА РУҲИЙ КАМОЛОТГА ЭРИШИШ
ТЎРТ БОСҚИЧДАН ИБОРАТ**



**МУҲАММАД (ПАЙҒАМБАР) РАСУЛУЛЛОҲ ВАФОТ ЭТГАЧ,
ТЎРТ ҲАЛИФА ҲУКМРОНЛИК ҚИЛАДИЛАР (632-661)**



**МУСУЛМОН ҲУҚУҚШУНОСЛИГИДА ҚУЙИДАГИЛАР
ШАРИАТ МАНБАЛАРИ ҲИСОБЛАНАДИ**



**Ўзбекистон Республикасида диний ташкилотларнинг
рўйхатга олиниши ҳақида
МАЪЛУМОТНОМА
(01.08.2007 йил)**

№	ДИНИЙ ЙЎНАЛИШЛАРНИНГ НОМЛАНИШИ	ЖАМИ	Марказлар	Диний ташкилотлар	Ўқув юрглари	Монастирлар
1.	Ислом	2047	2	2034	11	
2.	Рус Православ черкови	36	1	31	1	3
3.	Рим-католик черкови	5	1	4		
4.	Евангель христиан-баптистлар черкови	23	1	22		
5.	Тўлиқ инжил христианлар черкови	21	1	19	1	
6.	Еттинчи кун христиан-адвентистлар черкови	10		10		
7.	Евангель-лютеранлар черкови	3		3		
8.	Новоапостоль черкови	4		4		
9.	«Иегов гувоҳлари» черкови	1		1		
10.	Арман Апостоллик черкови	1		1		
11.	«Голос Божий» христиан черкови	1		1		
12.	Корейс протестант черковлари	58		58		
13.	Яҳудийлар диний жамоалари	8		8		
14.	Баҳойий диний жамоалари	6		6		
15.	Кришнани англаш жамияти	1		1		
16.	Будда ибодатхонаси	1		1		
17.	Библия китоб жамияти	1	1			
	Ўзбекистон бўйича	2227	7	2204	13	3

ТАВСИЯ ЭТИЛАДИГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Рахбарий адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2010. 40б.
2. «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг қонуни (янги таҳрири) // Ўзбекистоннинг янги қонунлари, № 19. – Т.: Адолат, 1998. 224-234-бетлар.
3. Каримов И.А. Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1997.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли // Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998.
6. Каримов И.А. Эътиқод эркинлиги қонуний асосда бўлсин // Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг Олий Мажлис XI сессиясида сўзлаган нутқи. Халқ сўзи, 1998, 5-май.
7. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 158 б.
8. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008. – 176 б.

Дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Мўминов А., Йўлдошхўжаев Ҳ., Раҳимжонов Д., Комилов М., Абдусатторов А., Орипов А. Диншунослик. Дарслик / Масъул муҳаррир акад. Иброҳимов Н.И. – Т.: Меҳнат, 2004. – 296 б.
2. Ҳасанов А., Комилов М., Уватов У., Азимов А., Раҳимжонов Д., Зоҳидов Қ., Ислам тарихи. Дарслик. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2008.
3. Йўлдошхўжаев Ҳ. Раҳимжонов Д. Комилов М. Диншунослик Маърузалар матни. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 2000.
4. Мўминов А.Қ. Диншунослик асосларини ўқитиш ва ўрганишнинг ягона концепцияси. – Т.: ТошДШИ нашриёти, 1999.
5. Ислам ва ҳозирги замон: ўқув қўлланма. Масъул муҳаррир Ш.Ёвқочев. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 207б.
6. Жаҳон динлари тарихи. “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси. Тошкент – 2007

Қўшимча адабиётлар

1. Ат-Термизий. Саҳиҳ ат-Термизий / А.Абдулло таржимаси. – Т.: Ғ.Ғулом номли «Адабиёт ва санъат» нашриёти, 1993.
2. Ат-Термизий. Шамоили Муҳаммадия / Саййид Маҳмуд Тарозий Алихон-тўра таржимаси. – Т.: «Меҳнат» нашриёти, 1991.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
4. Абу Райҳон Беруний. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар // Беруний А.Р. Танланган асарлар, I том. – Т., 1968.
5. Абу Райҳон Беруний. Қонуни Масъудий // Беруний. Танланган асарлар. V том. – Т., 1973. – Б. 157-167.
6. Большаков О.Г. История Халифата. 1-3 части. – М, 1989-1998.
7. Борисов. А.Б. Роль ислама во внутренней и внешней политике Египта (XX век). – М., 1991.
8. Васильев А.С. История религий Востока. – М., 1997. 14
9. Дервиш Р.А., Левтеева Л.Г., Мусакаева А. Памятники истории религии и культуры в Узбекистане. Пособие для факультатива по истории религии. – Т.: Ўқитувчи, 1994.
10. Ислам на территории бывшей Российской империи. Энциклопедический словарь. Выпуск 1. – М., 1998. – С. 47-58.
11. История религий народов Центральной Азии. / Отв. редактор: доц. Ш.А.Ёвкочев. – Т.: Ташкентский государственный институт востоковедения, 2006. – 227 с.
12. Из истории древних культов Средней Азии. Христианство. – Т.: «Главная редакция энциклопедий», 1994.
13. Имом ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990.
14. Имом ал-Бухорий: Ал-Жомийъ ас-саҳиҳ: IV жилд. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1993.
15. Ислом зиёси ўзбегим сиймосида. / Таҳрир хайъати: Ҳ.Кароматов, З.Ҳусниддинов, А.Ҳасанов ва бошқ.; расмлар муаллифлари: Ф.Қурбонбоев ва бошқ. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – 240 б.
16. Ислом маърифати: аслият ва талқин: ўқув-услубий қўлланма / Масъул муҳаррир Усмонхон Алимов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 158.
17. Исмоил Махдум. Тошкентдаги Усмон мусхафининг тарихи. – Т.: Мовароуннаҳр, 1995.
18. Ислом. Энциклопедия. А-Ҳ / З.Ҳусниддинов таҳрири остида. – Т.: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2004. – 320 б.
19. Ислом ва дунёвий маърифий давлат (ўзб. ва немис тилларида). / З.И.Мунавваров ва В.Шнайдер-Детерснинг Умумий таҳрири остида. – Т.: Имом Бухорий халқаро жамғармаси-Фридрих Эберт жамғармаси, 2003. – 291б.

20. Ислом маърифатида дунёвий ва диний қадриятлар уйғунлиги / масъул муҳаррир О.Юсупов. – Т.: “Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2011. – Б. 271.
21. Маънавий ва диний етуклик – давр талаби / тўпловчилар: З.Исломов, Ш.Шожалилов. Масъул муҳаррир Р.В.Абдуллаев. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009. – 444 б.
22. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. – Т.: «Ёзувчи», 1996.
23. Кароматов Ҳ. Ўзбекистонда мозий этиқодлар тарихи. – Т.: «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети» нашриёти, 2008. – 664 б.
24. Каримов А. Диний мутаассибликнинг тарихий илдизлари ва замонавий кўринишлари: ўқув-услубий қўлланма – Т.: Мовароуннаҳр, 2011. 63-б.
25. Мень А. История религии. – М., 1994.
26. Мифы народов мира. В 2 томах. – М., 1973.
27. Марказий Осиё динлари тарихи. / Масъул муҳаррир: доц. Ш.А.Ёвқочев. – Т.: Тошкент давлат шарқшунослик институти, 2006. – 207 б.
28. Конфуций. Изречения. – М., 1994.
29. Кон-Щербок Д., Кон-Щербок Л. Иудаизм и христианство. Словарь. – М. 1995.
30. Кривелев И.А. История религии. – М., 1989.
31. Кулаков А.Е. Религии мира. – М., 1996. – С. 150-173. .
32. Лимэн Оливер. Введение в классическую исламскую философию / Пер. с англ. – М.: Издательство «Весь мир», 2009. – 280 с.
33. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга - юз жавоб). – Т., 2008. 15
34. Основы религиоведения. Учебное пособие для студентов высших учебных заведений. Под общ. ред. М., Яблокова. – М., 1995.
35. Уватов У. Муслим ибн ал-Ҳажжож. – Т.: А. Қодирий номли «Халқ мероси» нашриёти, 1995.
36. Уватов У. Муҳаддислар имоми. – Т.: «Маънавият», 1998.
37. Отамуродов С. ва бошқалар. Ўзбекистонда маънавий-руҳий тикланиш. – Т.: «Янги аср авлоди», 2003.
38. Раҳимжонов Д., Муратов Д. Ҳадисшунослик: ўқув қўлланма. – Т.: Тошкент ислом университети нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2010. – 71 б.
39. Ўзбекистон – буюк алломалар юрти. Биринчи китоб / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи У.Уватов. – Т.: Маънавият-Мовароуннаҳр, 2010. – 398 б.
40. “Қуръони карим” маъноларининг таржимаси ва тафсири. / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: «Тошкент ислом университети» матбаа-нашриёт бирлашмаси, 2009. – 617 б.
41. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи (Қадимги Арабистон тарихидан лавҳалар). – Т.: Меҳнат, 1992. – 79 б.
42. Ҳасанов А.А. Қадимги Арабистон ва илк ислом: I китоб. Жоҳилия асри // Таҳрир ҳайъати: Ҳ.Кароматов, Н.Иброҳимов, З.Ҳусниддинов ва бошқ./, – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт, 2001. – 256 б.

43. Ҳусниддинов З.М. Ислом – йўналишлар, мазҳаблар, оқимлар. – Т.: Мовароуннахр, 2000.
44. Радугин А.А. Введение в религиоведение: теория, история и современные религии. – М., 1996.
45. Религиозные традиции мира. В 2 томах. – М., 1996.
46. Ставиский Б.Я. Судьбы буддизма в Средней Азии. По данным археологии. – М., 1998.
47. Фромм Э. Психоанализ и религия // Фромм Э. Иметь или быть? – М., 1990.
48. Хрестоматия по исламу. Пер. с арабского, введ и примеч. – М., 1994.
49. Чураков М.В. Народное движение в Магрибе под знаменем хариджизма. – М., 1990.
50. Щербатской Ф.И. Избранные труды по буддизму. – М., 1988.

Электрон таълим ресурслари:

- | | |
|--|--|
| 1. “Халқ сўзи” газетаси – | www.infoXS.Uz |
| 2. “Туркистон” газетаси – | www.turkistonsarkor.uz |
| 3. “Маърифат” журнали – | www.ma'rifat-inform.uz |
| 4. “Жамият ва бошқарув” журнали – | |
| www.rzultacademyfreenet.uz | |
| 5. “Мозийдан садо” журнали – | www.moziy.dostlink.net |
| 6. Ташқи ишлар вазирлиги – | www.mfa.uz |
| 7. Зиёнет – | www.ziyonet.uz |

МУНДАРИЖА

Сўз боши.....	3
1- мавзу. “Диншунослик” фанига кириш.....	4-8
2- мавзу. Диннинг ибтидоий шакллари.....	9-12
3- мавзу. Миллий динлар.....	13-20
4- мавзу. Буддизм.....	21-27
5- мавзу. Христианлик.....	28-36
6- мавзу. Ислом.....	37-44
7- мавзу. Исломнинг асосий манбалари.....	45-56
8- мавзу. Исломдаги мазҳаблар ва ғоявий-сиёсий оқимлар.....	57-65
9-мавзу. Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар.....	66-69
10-мавзу. Миссионерлик ва прозелетизмнинг салбий оқибатлари.....	70-75
Диншуносликдан тарқатма материаллар.....	76-87
Тавсия этиладиган адабиётлар рўйхати.....	88-91